Мийнет тәрбиясына тийқарланған класстан тысқары жумыстың барлық формаларын шәртли раўиште үш топарға бирлестіриу мүмкін.

Биринши топарға дөгереклер киреди. Дөгерек класстан тысқары жумыстың сыналған формасы болып, мектептерде хәр қыйлы пәнлер тийқарында шөлкемлестіриледи. Қәнигелигине қарамастан дөгереклер жумысында улыўмалық көп болады. Соның ушын техникалық дөгереклердиң басшылары басқа қәнигеликтеги дөгереклер басшыларын терең үйренип, ең жақсы тәрәплерин өз жумысында қолланыулары керек.

Класстан тысқары жумыслардың мийнет тәлими тийқарындағы үшінши топарға оқыўшылардың мийнет бирлеспелери киреди. Мийнет бирлеспелери салыстырмалы түрде анағурлым илгери болғанына қарамастан кейинги жылларда кең қолланыла басланды. Оқыўшылардың мийнет бирлеспелери өнимли мийнет пенен қосып алып барыудың нәтийжели формасы сыпатында мийнетке тәрбиялау, кәсіп таңлауға бағдарлау, ислеп шығарыу тийқарлары менен таныстырыу хәм мийнетке дәретиўшилиқ мүнәсибетлерди қәлиплестіриу қураллары сыпатында өз көринисин тапты.

Класстан тысқары жумыстың хәр бир түрине тоқталып өтеміз.

Техникалық дөгереклер жумысын шөлкемлестіриу. Мектептердиң жумыс тәжирийбесинде хәр қыйлы дөгереклер ушырайды. Оқыў пәнлери менен байланыслылық көз-қарасынан дөгереклерди үш топарға бөлиу мүмкін:

– пәнге байланыслы, пәнлер аралық хәм пәнлерден тыскары дөгерекеклерге ажыратыу мүмкин.

Пәнге байланыслы дөгерекеклер деп, тиккелей мийнет тәрбиясы менен байланыслы болған дөгерекеклерге айтылады. Өз мазмунына қарай бул дөгерекеклер мийнет сабағында оқыушылар орынлаған жұмыстың дауамы сыяқлы, бирақ бунда оқыушылардың искерлиги және де қурамалырақ, кеңирек болады. Пәнге байланыслы дөгерекеклерде оқыушылар алдын орынлаған жұмысты қайтадан тәкирарламауы керек.

Пәнлер аралық дөгерекеклер бул физикалық-техникалық дөгерекеклер болып табылады. Бул дөгерекеклерде оқыушылар искерлигиниң мазмуны дөгерекекниң өзиниң атынан келип шығады. Физикалық-техникалық дөгерекеклерде оқыушылардың мийнет объектлери, әдетте, түрли моделлер болады. Бунда оқыушылар физика курсында үйренилетуғын белгили бир нызамлықларды мысаллар менен айдынластыруға мууапық болады. Бул бир тәрәптен пән тийкарларын өзлестириуге жәрдем береди, ал екинши тәрәптен оқыушылар модел конструкциясын ислей алыу көнликпелерин кәлиплестиреди. Физикалық-техникалық дөгерекеклерге бир уақыттың өзінде физика хәм мийнет оқытушылары басшылық етеди.

Пәннен тыскары дөгерекеклер хәзирги уақытта класстан тыскары жұмыста кеңирек тарқалған. Оқыушылар искерлигиниң мазмунына қарай бул дөгерекеклер хәр қыйлы болыуы мүмкин. Бундай жағдайда олардың жұмыс алып барыулары ушын мектеп устаханаларынан материаллық база ретінде пайдаланылады.

Пәнлерден тыскары дөгерекеклерге басшылық етиуге көбинесе база сыпатында алынған кәрхана хызметкерлери, ата-аналар шақырылады. Ал оқытушы оларға методикалық жәрдем көрсетеди.

Дөгерекеклер жұмысының мазмуны дәстүрлерде белгилеп бериледи. Бул дәстүрлерди халық билимлендириу министрлиги қасындағы методикалық бирлеспелер, сондай-ақ, «Баркамал әулад» балалар орайлары ислеп шығады. Дәстүрлер бир хәм еки оқыу жылына мөлшерленген болады.

Дөгерекек шынығыулары, әдетте, хәр хәптеде бир мәрте еки сааттан өткериледи, бирақ оқыушылар арасында бул менен қанаатланбайтуғын талапшан оқыушылар да ушырасады. Олар менен көбирек шынығыулар өткерий мүмкин, бирақ буның ушын класс басшысы менен келисиу керек, себеби ол хәр бир оқыушының басқа пәнлерди қандай өзлестириуйн жақсы биледи. Дөгерекеклер киши жастағы, орташа жас хәм үлкен жас топарларына бөлинеди. Хәр бир топарда 12-15 бала болады.

Бир дөгерекекте он бестен артық оқыушы болмауы керек, кери жағдайда олардың хәр бирине жеке тәризде басшылық етиу қыйынласады.

Алдыңғы мектеплердиң ис тәжирийбесиниң көрсетиуйинше, мектеп устаханаларына тийкарланған дөгерекек шынығыуларының структурасы аралас сабақ структурасына жақын. Буған себеп, хәр қандай дөгерекек шынығыуында, әдетте, бир қатар дидактикалық мәселелер шешиледи. Белгили бир мийнет объектин таярлауды оқыушылар дөгерекек шынығыуға гөзленген тийкарғы максет деп биледи.

Әдебиятлар:

1. Давлатов К. Мехнат ва касб тәлим-тәрбиясидан амалий машғулотлар. - Т.: Ұкитувчи, 1995. 267 б.
2. Туракулов Х.А., Шарипов Ш.С. Талабалар ихтирочилик иждокорлигини ривожлантириш. Услужий тавсифнома. - Жиззах, 1998. 36 б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада умумий ўрта таълим мактабларида синфдан ташқари ишларни ташкил этишнинг методикаси берилган.

В данной статье представлена методика организации внеклассных занятий в общеобразовательных школах.

This article presents the method of organizing extracurricular activities in secondary schools.

ФАНЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Олимов Қ. Т.

педагогика фанлари доктори, профессор.

Аишурова С. Ю.

педагогика фанлари номзоди, доцент Ўзбекистон Республикаси

Мактабгача таълим вазирлиги

Таянч сўзлар: интеграция, олий таълим, таълим интеграцияси, сифат ва самардорлик.

Ключевые слова: интеграция, высшее образование, интеграция образования, качество и эффективность.

Key words: integration, higher education, integration of education, quality and efficiency.

Мамлакатимизми озлий педагогик таълим муассасаларида касбий педагогик таълим интеграцияси ва узвийлигини таъминлаш каби ўз ечимини кутаётган долзарб муаммо мавжуд бўлиб, бугунги узлуксиз таълим талабларидан келиб чикиб, мазкур муаммо юзасидан йиғилган фикр-мулоҳазаларга илмий-амалий асосланган аниқликлар киритиш ҳамда касбий-педагогик таълим тизими узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлашни амалга ошириш фурсати етиб келди.

Иқтисодий қайта куриш шароитларида тезда мослашувини таъминлайди.

Касбий таълим тизими бу ўзгаришларга тезда мослашиши керак. Бунинг учун олий таълимнинг йўналишлари мутахассисликлари классификаторида икки, уч турдош соҳалардан иборат бўлган касблар бўйича ўқитиш кўзда тутилган. Бу ёшларнинг меҳнат бозоридаги касбий ҳаракатчанлигини ва янгиланаётган ишлаб чиқариш шароитларида тезда мослашувини таъминлайди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришишига бағишланган тантанали маросимда, яъни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нуткида “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”, – деб таъкидлаганлари бежиз эмас [1,36].

Узлуксиз таълим тизимининг энг муҳим жиҳатларидан бири унинг босқичлари ўртасидаги, фанлараро интеграция ва узлуксизликни таъминлаш, ихтисослик ва мутахассислик фанлари интеграциясини таъминлашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам таълимда интеграция, узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш масаласи бугунги

қуннинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Жумладан, ихтисослик ва педагогик-психологик фанлари интеграция таъминлаш асосида таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга қўмаклашувчи методикаларни таълим жараёнига жорий этиш ўқув фаолиятини қафолатланган натижаларга олиб келиши мумкин.

Интеграция янги билимлар ва маҳоратларни эгаллашнинг чуқурлиги ва тўлиқлиги, мавжуд бўлган билимлар ва маҳоратлар билан нақадар мустаҳкам ва кўп томонлама алоқадорлиги билан боғлиқдир. Манбаларда «интеграция» тушунчасига турлича таъриф берилган.

Интеграция – таълим-тарбия жараёнини муайян кетма-кетлик асосида ташкил этилишини ифодаловчи муҳим сифат бўлиб, у маълум босқичда аввалги босқич ўқув фаолияти мазмунини ташкил этувчи билим, кўникма ва малакаларнинг мустаҳкамланишини, кенгайтирилиши ва чуқурлаш-тирилишини таъминлайди [3, 71-76 б.].

Тадқиқотчилар фан ва таълимдаги янгиликларни ўзлаштириш жараёнида қуйидаги талабларга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайдилар:

- жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги – тизимлилик, яъни олий таълим тизими босқичлари (бакалаврият ва магистратура) узвийлиги;
- фанлар блоклари орасидаги интеграция – ихтисослик ва педагогик-психологик фанларнинг ўзаро интеграция жараёнлари;
- фанлар блоклари ичидаги интеграция, яъни таълим жараёнида фанлар мазмуни, ўқиш методи, технологияси ва ўқитиш воситаларининг ўзаро боғлиқлиги [4, 24-25 б.].

Интеграциялаш асосларига таъсир этувчи бир қанча қуйидаги асосий омиллар мавжуд: фанлар ривожланишининг объектив қонуниятлари; илм-фан тараққиётини ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунини белгилаш; Давлат таълим стандартлари; таълим вазибалари; билимлар синтези; таълим жараёни ва мазмуни бирлиги; ўқув режа ва дастурларининг бир-бирини ўзаро белгилаши; моддий техник база; педагогик ва ахборот технологиялари [2, 84 б.].

Таълим интеграцияси дейилганда, нафақат билимларни предметлараро боғланиши, балки ўқитиш технологиялари, усул ва шакллари интеграцияси ҳам тушунилади. Ўқув жараёнида самарадорликка эришиш учун интеграциянинг турли даражаларидан фойдаланиш мумкин. Масалан,

- ўқув дастурларидаги интеграция (мавзулараро уйғунлик);
- модуллашган интеграция (турдош ўқув фанларига оид билим ва тушунчаларни тизимлаштирган ҳолда тақдим этиш);
- интегратив дастурлар (дастурларда бир неча ўқув предмети ёки ўқув фанларига оид мавзуларни уйғунлаштирган ҳолда тақдим этиш);
- мавзулараро интеграция (айни бир курс доирасида бериладиган ўқув материалларини бошқа бир курс ўқув материали билан уйғунлаштириш);
- мавзуларни кетма-кет баён этиш асосидаги интеграция (ўқув материални баён этишдаги концентризм тамойили, яъни олдинги ўқув материалнинг кейингисини мазмунан тўлдириши);
- ахборот технологиялари асосидаги интеграция (ўқув фанларини компьютер технологиялари асосида ўқитиш) [5, 25 б.].

Бугунги кунда олий таълимда бакалаврият таълим йўналишларида ихтисослик ва педагогик-психологик фанлар орасидаги узлуксизлик ва узвийликни тўлиқ таъминлаш орқали таълим олувчиларда касбий билим, кўникма ва малакаларини

тармоқ таълим стандартлари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг битирувчига кўяётган малака талаблари даражасида тўлиқ шакллантиришнинг илмий асосланган тизимини яратиш устида изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, касбий

таълим ўқув режаларини ва махсус фанлар дастурларини бакалаврият ўқув режаси ва фан дастурлари билан мувофиқлаштириш ва ўзаро интеграциясини таъминлаш ҳам асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Изланишлар шуни кўрсатдики, олий таълимда ўқув жараёнини ихтисослик ва педагогик-психологик фанлари интеграциясини таъминлаш асосида ташкил этиш талабаларнинг билим олиш имкониятларини ошириш, уларнинг мустақил ишлаш қобилиятларини ва амалий кўникмаларини ўрганиш даражаларини ривожлантиришда ижобий самара беради. Шунингдек, бугунги кунда олий таълимда ихтисослик ва педагогик-психологик фанлари ўқув адабиётлари узвийлигини таъминлаш ҳам муҳим масалалардан ҳисобланади.

Демак, олий таълимда ихтисослик ва педагогик-психологик фанларининг интеграциясини таъминлаш орқали талабаларнинг фанларни самарали ўзлаштиришига эришиш мумкин. Шунингдек, замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига жорий қилиш билан бирга ихтисослик ва педагогик-психологик фанлари интеграциясига йўналтирилган фан дастурлари асосида ўқитиш – ўқув мақсадларига кафолатли эришишни таъминлайди. Шу нуқтаи назардан ўқув фанлари орасида ўзаро узвийликни ва интеграцияни таъминлаш муаммоси ҳам ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Фанлар интеграциясини таъминлаш мавзуларнинг такрорланмаслиги, вақтни тежаш, яъни кам вақт сарфлаб катта ҳажмдаги материални ўзлаштириш имконини беради ва ўзида ташкилотчилик вазифасини ҳам ифода қилади. Юқорида кўрсатилганлар ҳисобга олинганда ўқитишнинг рентабеллиги ҳам ошади.

Психологияда интеграция мураккаб психологик ривожланиш қонуниятлари, ёш билан боғлиқ бўлган ўзгаришларни ўрганиш; билимларни босқичма-босқич ўзлаштириш; фаолиятнинг етакчи турлари ўзгариши доирасида кўриб чиқилади. Педагогик жиҳатдан интеграция дидактик тамойил (ўқув жараёнининг мазмуни, ташкилий шакл ва усулларини белгилаб берувчи асосий қоида), шароити (таълим жараёнини самарали ташкил этишга кўмаклашувчи ҳолатлар), ҳаракатга келтирувчи куч (таълим жараёнини амалга оширишга ёрдам берувчи омил), таълим ривожланиши ва тарбия жараёнида мажбурий бажарилиши керак бўлган талаб сифатида изоҳланади.

Интеграция таълим турлари ҳамда ўқув фанлари орасидаги интеграцияни англатади. Бунда, биринчидан, таълимнинг навбатдаги тури мазмуни аввалгисини нафақат давом эттириши, мазмунан ўзаро узвий боғланган ҳолда кейинги таълим турида ривожлантирилиб борилиши лозим, шунингдек, фанлараро интеграция амалга оширилиши зарур.

Демак, интеграция – бу таълим турлари орасида, фанлараро ва мавзулараро ўзаро боғлиқлик ва муносабатларни тўғри ўрнатилишини таъминлашдан иборат бўлиб, интеграция – таълим-тарбия жараёнининг сифатига таъсир кўрсатувчи муҳим тушунча бўлиб, таълимнинг маълум босқичи, фан ёки мавзуларининг муайян кетма-кетлик ва изчиллигини таъминлаш орқали талабалар билимини чуқурлаштириш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли

мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармокларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори.

2. Абдирасилов С., Икромов Х. Тасвирий санъат фанини ўқитишда таълим интеграцияси ва инновацияси // Педагогик таълим. – Тошкент, 2008. – № 2. – Б. 84.

3. Алиев И.Т. Математика фани ўқув дастурларида интеграция муаммоси // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2004. – № 5. – Б. 71-76.

4. Афанасьева И.В. Вопросы интеграции науки и образования // Таълим технологиялари. – Тошкент, 2007. – № 4 – С. 24-25.

5. Отабаева Ф.Т. Таълимда интеграция муаммоси // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2008. № 2. – Б. 25.

6. Химматалиев Д.О. Касбий фаолиятга тайёргарликни диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграцияси. Монография. – Тошкент, Ўзбекистон. -2018 – 168 б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада таълим тизимида фанлар интеграциясини таъминлашнинг мазмун-моҳияти, педагогик-психологик масалалари ёритиб берилган. Фанлар интеграциясини таъминлаш орқали таълим сифати ва самарадорлигини ошириш имкониятлари кенгайтирилиши таъкид-лаб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрыта сущность интеграции науки в систему образования, педагогические и психологические проблемы. Подчеркивается, что возможности для повышения качества и эффективности образования будут расширяться за счет интеграции науки.

SUMMARY

The article reveals the essence of the integration of science in the educational system, pedagogical and psychological problems. It is emphasized that the opportunities for improving the quality and effectiveness of education will expand through the integration of science.

ИНТЕГРАЦИЯ ТЕОРИИ И ПРАКТИКИ – ЗАЛОГ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО ПРОЦЕССА

Химматалиев Д. О.

доктор педагогических наук (DSc), и.о.профессор

Пулатов Ж. С.

ассистент,

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Таянч сўзлар: интеграция, илмий билимлар, назария ва амалиёт, таълим жараёни, самарадорлик.

Ключевые слова: интеграция, научные знания, теория и практика, учебный процесс, эффективность.

Key words: integration, scientific knowledge, theory and practice, learning process, effectiveness.

Процесс интеграции (от лат. integratio – соединение, восстановление) представляет собой объединение в единое целое ранее разрозненных частей и элементов системы на основе их взаимозависимости и взаимодополняемости. Интеграция возникает в том случае, если имеются ранее в чемто разобщенные объекты

и есть объективные причины их объединения; объединение осуществляется с помощью синтеза и в результате такого объединения возникает новая система, обладающая свойством единства и целостности [1, с. 60].

Идея о единстве научных знаний встречалась уже в работах древнегреческих философов Платона и Аристотеля и нашла свое отражение в трудах таких философов, как Кант и Гегель. Отражение этой проблемы встречается также и в трудах отечественных ученых И.П. Павлова, Н.И. Вавилова, А.Н. Берга и др.

Интеграция является сложным междисциплинарным научным понятием, употребляемым в целом ряде гуманитарных наук: философия, социология, психология, педагогика и др. Проблемы интеграции в педагогике рассматриваются в разных аспектах в трудах многих исследователей. В работах В.В. Краевского, А.В. Петровского, Н.Ф. Тальзиной рассматриваются вопросы интеграции педагогики с другими науками. Г.Д. Глейзер и В.С. Леднёв раскрывают пути интеграции в содержании образования. В работах Л.И. Новиковой и В.А. Караковского раскрыты проблемы интеграции воспитательных воздействий на ребёнка.

Интеграция в организации обучения рассматривается в трудах С.М. Гапеенкова и Г.Ф. Федорец. Названными и другими учёными определены методологические основы интеграции в педагогике: философская концепция о ведущей роли деятельности в развитии ребёнка; положение о системном и целостном подходе к педагогическим явлениям; психологические теории о взаимосвязи процессов образования и развития [1, с. 43]. Опираясь на выделенные методологические положения, учёные выделяют ряд понятий: процесс интеграции, принцип интеграции, интегративные процессы, интегративный подход.

Под интеграцией в педагогическом процессе исследователи понимают одну из сторон процесса развития, связанную с объединением в целое ранее разрозненных частей. Этот процесс может проходить как в рамках уже сложившейся системы, так в рамках новой системы. Сущность процесса интеграции – качественные преобразования внутри каждого элемента, входящего в систему. Принцип интеграции предполагает взаимосвязь всех компонентов процесса обучения, всех элементов системы, связь между системами, он является ведущим при разработке целоположения, определения содержания обучения, его форм и методов. Интегративный подход означает реализацию принципа интеграции в любом компоненте педагогического процесса, обеспечивает целостность и системность педагогического процесса. Интегративные процессы являются процессами качественного преобразования отдельных элементов системы или всей системы. Многие исследования в отечественной дидактике и в теории воспитания опираются на выше перечисленные положения при разработке конкретных путей совершенствования образовательного процесса.

Рассматривая интегративность как всеобщий принцип развития общества, науки, производства, образования, который обеспечивает междисциплинарную комплексность, обобщенность, уплотненность знаний, методов и средств познания, а также как новообразования в образовательных структурах мы вычленим в системе профессиональных компетенций педагога интегративную компетенцию.

Понятие «интеграция» в образовании употребляется широко и чаще всего понимается как суммирование знаний из различных предметов. Например, интегрированные уроки или элективные курсы, когда одна тема освещается с помощью разных наук. В таких случаях интеграция отождествляется с межпредметными связями, функцией которых является создание объемной картины изучаемого явления и углубление знаний о тех или иных теориях. Эта трактовка интеграции не отражает ее специфики. Интеграция, по мнению А.П. Беляевой, предполагает не простое объединение (дополнение) элементов обучения (знаний, методов и т.д.), но разрешение противоречий, неразрешимых средствами одного предмета [2, с. 39].

Безрукова В.С., размышляя об интеграции как научной категории в педагогике, выделяет два направления: педагогическая интеграция как принцип развития педагогической теории и практики; педагогическая интеграция как процесс установления связей между объектами и создания новой целостной системы [1, с. 8].

Мы согласны с Гриценко Л.И., что интегративное обучение предполагает реализацию интегративного подхода, который представляет собой разработку методов деятельности, конструирование сложных развивающихся объектов и процесс его исследования на основе объединения в единое целое различных свойств, моделей, концепций (принцип интеграции).

Объектом конструирования и исследования выступает обучение, рассматриваемое как система и как процесс установления интегративных связей.

Таким образом, интегративный подход включает интеграцию как принцип конструирования системы (обучения) и как процесс установления связей между элементами системы. При этом выявляется методологическая функция интеграции в образовании (по сравнению с межпредметными связями) – создание качественно нового продукта (идеи, смысла, элемента и т.д.) на основе разрешения противоречия. Это означает, что процесс интегративного обучения осуществляется в режиме постоянного творческого саморазвития, выработки инновационных педагогических средств конструирования целостного педагогического процесса [3, с. 72].

Одной из важнейших задач в обучении студентов является интеграция теории и практики. Практика остается широким полем проверки теоретических знаний, накопленных студентами в вузе; она представляет собой базис для глубокого усвоения проблем, имеющих место в социальной сфере.

Интеграция обучения в настоящее время применяется для повышения качества, как среднего, так и высшего образования. Использование комплексности и системности при структурировании содержания образования, а также организация учебного процесса на интегрированной основе имеет следующие преимущества:

- интегрированное содержание обучения является информационно более емким и направлено на формирование способности мыслить системно;
- интегрированные понятия позволяют сформировать ориентировочную основу действий высокого уровня обобщения;

- интегрированное содержание обладает большими возможностями формирования альтернативного мышления студентов, позволяющего свободно оценивать факты и находить принципиально новые методы решения поставленных задач;
- построение учебного процесса на интегрированной основе способствует развитию симультанного мышления, то есть способности видеть общее во внешне разнокачественных явлениях и процессах;
- интегрированное обучение направлено на формирование диалектического мышления учащихся, то есть позволяет рассматривать проблемные ситуации различного уровня сложности;
- при интеграции образно-эмоционального и логического компонентов процесса обучения достигается целостное восприятие мира, привлечение различных механизмов познавательной и исследовательской деятельности;
- интеграция разнохарактерного содержания способствует реализации ценностного подхода к обучению, повышает уровень личной и профессиональной мотивации студентов [3, с. 123].

Таким образом, интегративный подход открывает перспективу использования общенаучных методов теоретического исследования в педагогике. Применение интегративного подхода в педагогике способно сформировать качественно новую систему – интегральное образовательное пространство.

Литература:

1. Безрукова В.С. Системообразующие понятия в реализации педагогической интеграции. Свердловск, 1988. С. 8
2. Беляева А.П. Интегративно-модульная педагогическая система профессионального образования. Санкт-Петербург, Институт ПТО РАО, 1996. 226 с.
3. Гриценко Л.И. Теория и практика обучения: интегративный подход. М.: Издательский центр «Академия», 2008. 240 с.
4. Страшноков С.Ю. Интеграция на модульной основе гуманитарных дисциплин в техническом вузе для развития комплексных умений студентов. Дис. ... канд. пед. наук. Кемерово, 2003.

РЕЗЮМЕ

Мақолада интеграция тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, таълим жараёнида назария ва амалиёт интеграциясининг аҳамияти, таълим жараёни самарадорлиги омили масалалари ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье обсуждаются понятие интеграции, ее сущность, важность интеграции теории и практики в учебный процесс, фактор эффективности образовательного процесса.

SUMMARY

In the article the concept of integration, its essence, importance of integration of theory and practice in educational process, factor of effectiveness of educational process are discussed.

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ЗАМОН ТАЛАБИ

Химматалиев Д. О.

педагогика фанлари доктори, профессор в.б., ТИҚХММИ

Абдуназарова Н. Ф.

педагогика фанлари номзоди, доцент, Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ўқув ишлари бўйича проректори

Таянч сўзлар: интерфаол таълим, технология, ўқитувчи, талаба, талабалар гуруҳи, визуал маъруза, бинар маъруза, модулли тизим, “Кейс-стади”, “Блиц-сўров”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”.

Ключевые слова: интерактивные образовательные технологии, учитель, студент, группа студентов, визуальных, речевых, двоичная класс, модульная система, «дело-исследование» и «блиц опрос», «Диаграмма Венна», «Вставить».

Key words: interactive learning, technology, teacher, student, group of students, visual lecture, binary lecture, module system, Case Study, Blitz Interview, Venn Diagram, Insert.

Кадрларни тайёрлашда ўқитишнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Чунки тараққиётнинг шиддат билан илдамлаб бориши ва ахборот технологияларининг ривожланиши, таълим беришда «Ўқитувчи – маълумот манбаи» деган «эски» ёндашувдан воз кечишни ҳамда «Ўқитувчи – маълумот олишда йўл-йўриқ кўрсатувчи менежер» кўринишидаги ёндашувдан фойдаланишни тақозо этади.

Шунинг учун, таълим жараёнида саводли, юқори педагогик савияга эга, илгор педагогик технологияларни эгаллаган ўқитувчиларни тайёрлашга бўлган талаб Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизни ривожини таъминловчи омил сифатида қаралган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997йил 10 июндаги ПФ-1869 “Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5-январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва

жорий қилиш тўғрисида”ги 5-сонли Қарорида ўз тасдиғини топди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27-январдаги ПҚ-1721 сонли “Баркамол авлод йили” давлат дастури ҳақидаги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сонли Фармони, мазкур фармонни бажариш юзасидан ҳамда олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларининг касбий даражасини узлуксиз такомиллаштириш учун шарт-шароитларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 20 августдаги 242-сонли Қарори республикамызда таълим сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганлигининг яққол далилидир. [2,27-бет]. Фармоннинг мақсади – Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан оширишдан иборат.

Бу масалада мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаларида такидлаганларидек, таълим ва илм-фан, давлатнинг ёшларга доир сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги, замонавий усуллари, жумладан, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасидаги ишлар бунунги кун талабидир. Бу борадаги долзарб вазифаларни амалга ошириш ёшларимиз, жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келажиги учун стратегик аҳамиятга эга. [1,15-бет]. Бунда куйидаги вазифаларни амалга ошириш долзарб ҳисобланади:

- тажрибали педагог ва мутахассисларни жалб этган ҳолда ёшларга тарбия бериш, психология ва бошқа турли соҳаларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мураккаб вазифаларни бажариш;
- олий ўқув юртларидаги ўқитиш сифатини яхшилаш, замонавий ўқув режа ва услубларини жорий этиш;
- болалар ва ёшларга махсус фанлар, мамлакатимиз ва жаҳон цивилизацияси тарихини, орижий тилларни ва замонавий компьютер дастурларини чуқур ўргатиш;
- педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси, уларнинг махсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий кадриятларни шакллантириш жараёнига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур.

2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ПФ-4947 сонли фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди.

Ушбу ҳаракат стратегиянинг тўртинчи устувор йўналиши “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”да 4.4. “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” ва 4.5. “Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш” бандларида республикамызда келгусида таълим, фан ва ёшларга оид давлат сиёсатини олиб боришнинг устуворвазифалари белгилаб берилди. Хусусан, Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш:

- узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ, юқори малакали кадрлар

Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришга қаратилётган бундай юксак эътибор, кадрлар тайёрлашнинг замонавий тизимини, уларда ўзига хос ва ностандарт фикрлаш қобилиятини ўстиришни, ўз устида доимий равишда чидам ва матонат билан ишлаш кўникмаларини ривожлантиришни талаб қилади.

Маълумки, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда кўплаб илмий билимлар, тушунча ва тасаввурлар ҳажми кескин ортиб бормоқда. Бу, бир томондан, фан-техниканинг янги соҳа ва бўлимларининг тараққий этиши туфайли унинг дифференциаллашувини таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан, фанлар орасида интеграция жараёнини вужудга келтирмоқда.

Бугун барча давлатлар таълимга имкон қадар кўп янгилик киритишга интиломоқда. Бугунги янгиликлар уларга уюшган, режали, оммавий ёндашувни талаб этади. Янгиликлар келажак учун узоқ муддатли инвестициялардир. Новаторликка қизиқиш уйғотиш, янгилик яратишга интилувчан шахсни тарбиялаш учун таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унда ижодкорлик руҳи ва муҳити ҳукм суриши лозим. Ана шундай долзарбликдан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда педагогиканинг мустақил соҳаси – инновацион педагогика жадаллик билан ривожланиб бормоқда.

Таълим сифатини таъминлаш – битирувчиларнинг касбий тайёргарлик даражаси билан бирга ўқув жараёнининг қандай ташкил этилиши ва унинг белгиланган сифат мезонларига жавоб беришида кўринади.

Ушбу вазифа бир қатор қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларда, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш мисолида аниқ мақсадларга йўналтирилган кўрсатма ва тамойиллар кўринишида ўз аксини топган.

Ҳозирги даврда таълим самарадорлигини ошириш, мутахассисларнинг касбий компетентлик даражасини ривожлантириш, педагог кадрларни инновацион фаолиятга йўналтириш, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва мақсадли йўналтириш олий таълим тизимини модернизациялашдаги долзарб вазифалар сифатида белгиланган.

Олий таълим муассасалари ўқув жараёнига инновация киритишда илғор педагогик тажрибаларн ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш ҳамда педагогик-психологик фанларнинг ютуқларини амалиётга татбиқ этиш, замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиш орқали ўқув жараёнлари мазмуни ва методларини такомиллаштириш муҳим йўналишлардан саналади.

Бу эса ўз навбатида ўқув машғулотларини ташкил этишнинг самарали шакллари сифатида маъруза (муаммоли маъруза, маъруза-семинар, виртуал-технологик маъруза, визуал маъруза, бинар маъруза, кириш маърузаси, маъруза-конференция, ахборотли маъруза, маъруза баҳс-мунозара, шарҳловчи маъруза, on-Line маъруза) тренинг, видеотренинг, вебинарлар, интернет конференциялар, инновацион ўқитиш

методлари сифатида эса муаммоли методлар, интерфаол методлар, амалий ўйинлар, ўқув лойиҳалари, портфолиолар, график органайзерлар, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш заруратини юзага чиқаради. [5, 25-бет]

Замонавий шароитда таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул йўли – бу машгулотларнинг интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш деб ҳисобланмоқда. Хўш, интерфаол методларнинг ўзи нима? Улар қандай дидактик имкониятларга эга? Таълим жараёнида интерфаол методларнинг ўринли, мақсадга мувофиқ қўлланилиши қандай самараларни кафолатлайди ва у фанларни ўқитишда қандай қўлланилади? Куйида ана шу каби саволларга қисқача жавоб топилади.

“Интерфаол” тушунчаси инглиз тилида “interact” (рус тилида “интерактив”) тарзида ифодаланиб, луғавий нуқтаи назардан “inter” – ўзаро, “act” – ҳаракат қилмоқ каби маъноларни англатади.

Интерфаол таълим – талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим.

Интерфаоллик талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этиш лаёқатига эгаликлари.

Манتيкий нуқтаи назардан интерфаоллик, энг аввало, ижтимоий субъектларнинг суҳбат (диалог), ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракат, фаолиятни олиб боришларини ифодалайди.

Замонавий педагогик-психологик тадқиқотларнинг амалий йўналиши сифатида бугунги кунда педагогикада ўқитишнинг бир неча методлари фаркланади:

1. Пассив – таълим олувчи ўқитишнинг “объекти” сифатида намоён бўлади (тинглайди ва кўради);
2. Актив – таълим олувчи ўқитиш жараёнининг “субъекти” сифатида намоён бўлади (мустақил иш, ижодий топшириқлар);
3. Интерфаол – педагог ва таълим олувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги.

Интерфаол сўзи инглизча сўз бўлиб, «inter» - ўзаро ва «act» - ҳаракат қилмоқ маъноларини билдириб, уларнинг умумий мазмуни интерфаол - яъни ўзаро ҳаракат қилмоқ маъносини англатади. Бундай ўзаро ҳаракат турларига “талаба – ўқитувчи” ва “талаба-талаба”нинг мақсадли ҳаракатларини киритиш мумкин. Интерфаол ўқитишда ўқитувчи ўқув фаолиятининг фаол ташкилотчиси бўлиб, ўқувчи бу фаолиятнинг субъекти сифатида намоён бўлади.

Интерфаол ўқитиш бу билиш фаолиятини ривожлантиришнинг махсус ташкилий шакли бўлиб, интерфаол ўқитиш жараёнида таълим олувчи ўқитишнинг объектдан ўзаро ҳамкорликнинг субъектига айланиши, ўқув жараёнида фаол иштирок этиши билан тавсифланади.

Ўқитишнинг интерфаол методлари ҳаётий вазиятларни моделлаштириш, ролли ўйинлардан фойдаланиш, муаммоларни ҳамкорликда ечишда кўриб чиқилади. Интерфаол ўқитиш талабалардан ахборотларни ўзлаштириш жараёнида фаоллик, ижодкорлик, мустақилликни шакллантирибгина қолмай, таълим мақсадларининг тўлақонли амалга ошишига ёрдам беради.

Бугунги кунда таълим соҳасида қўлланилаётган энг оммавий интерфаол таълим технологиялари куйидагилар саналади:

1.Интерфаол методлар: “Кейс-стади”, “Блицсўров”, “Моделлаштириш”, “Ижодий иш”, “Муносабат”, “Режа”, “Сухбат” ва бошқалар. [3,100-бет]

2.Стратегиялар: “Аклий ҳужум”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Зиг-заг”, “Зинамина”, “Музёра”, “Ротация”, “Т-жадвал”, “Юмалокланган қор” ва ҳ.к.

3. График организаерлар: “Балик скелети”, “БББ”, “Концептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Инсерг”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?” ва бошқалар.

Бугунги кунда таълим жараёнида қўллаб кўрилиб, яхши самара бераётган илғор таълим тажрибаларидан бири модулли ўқитиш тизимидир. Чунки, у таълим олувчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига энг яхши мослашгандир.

“Модулли ўқитиш” атамаси халқаро тушунча бўлиб, унинг маъноси фаолият кўрсата оладиган ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат бўлган тугунни билдиради. Модул фаннинг фундаментал тушунчаларини – маълум ҳодиса ёки қонун, ёки бўлим, ёки маълум бир йирик мавзу ёки ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳини ўз ичига олади.

Модул – бу ўқув материалнинг мантиқан тугалланган бирлиги бўлиб, ўқув фанининг бир ёки бир неча фундаментал тушунчаларини ўрганишга қаратилгандир. Модулли ўқитиш – ўқитишнинг истикболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у одам бош миясининг ўзлаштириш тизимига энг яхши мослашгандир. Модулли ўқитишда, ўқув дастурларини тўла, қисқартирилган ва чуқурлаштирилган табақалаш орқали, ўқитишни табақалаш имконияти яратилади, яъни ўқитишни индивидуалаштириш мумкин бўлади.

Модулли таълим тизимида:

- аниқлаштирилган ўқув мақсадларини шакллантириш;
- интерфаол таълим технологияларига асосланган ўқув машғулотларини лойиҳалаш ва режалаштириш;
- шахсга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- инновацион таълим технологиялари асосида ўқув жараёнини “жонли”, биргаликда ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш;
- инновацион тафаккур юритиш орқали таълим жараёнида ижодий муҳитни яратиш;
- мутахасислик билан боғлиқликда инновацион таълим технологияларини реал амалиёт билан уйғунлаштиришга эришиш;
- замонавий ахборот технологиялари ёрдамида интерфаол маърузаларни ташкил этиш;
- амалий машғулотлар жараёнида кейс, лойиҳа ва ассисмент технологияларини қўллаш назарда тутилади. [7,13-бет]

Шундай қилиб, интерфаол таълим технологиялари таълим сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, ўқитувчи, талаба, талабалар гуруҳи, шунингдек, жамоа ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш, ғоявий ва руҳий бирликка эришиш, ягона мақсад сари интилиш, ҳар бир таълим олувчи талабанинг ички имконият-

ларини рўёбга чиқариш, шахс сифатида намоён бўлиши учун зарур шарт-шароит ҳамда муҳитни яратишда катта имкониятларга эга.

Интерфаол таълимнинг энг муҳим таркибий элементи бўлган интерфаол методлар ўз моҳиятига кўра таълим мақсадларни амалга оширишда маълум даражада самарадорликка эришишни таъминлайди. Энг муҳими ўқитувчилар интерфаол методларни танлашда ўрганилаётган мавзу, муаммо ёки ҳал қилиниши лозим бўлган масалага эътибор қаратишлари лозим. Қолаверса, интерфаол методларни қўллашда талабаларнинг ёш, психологик хусусиятлари, дунёқараш даражаси, ҳаётий тажрибалари инобатга олинса, дарс самарадорлиги янада ошади. Бу эса ўқитувчилардан касбий маҳорат, малака, билимдонлик, сезgirлик ва интуицияга эга бўлишни тақозо этади.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекитсон. 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони.
3. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В., Рихсимбоев О.К. Кейс-стади “Иктисодий олий ўқув юртидаги замонавий таълим технологияси”: Илмий-услубий қўлланма (“Замонавий таълим технологиялари” туркуми). – Т.: ТДИУ, 2009.–150 бет.
4. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013. – 115 б.
5. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Ҳ., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015. – 150 б.
6. Файзуллаева Д.М., Лутфуллаева Н. “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик”. УМК. –Т.:ТДИУ, 2016.-216 б.
7. Файзуллаева Д. М, Лутфуллаева Н. “Иктисодий фанларни ўқитишда замонавий таълим технологиялари” УМК.-Т.: ТДИУ.-2016. -156 б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада интерфаол таълим технологияларини таълим жараёнига жорий этилиши таълим сифатини яхшилаши, самарадорлигини ошириши, ўқитувчи, талаба, талабалар гуруҳи, шунингдек, жамoa ўртасида ўзарo ҳамкорликни қарор топтириши, ғоявий ва рухий бирликка эришиши, ягона мақсад сари интилиши, ҳар бир таълим олувчининг ички имкониятларини рўёбга чиқариши, шахс сифатида намоён бўлиши учун зарур шарт-шароит ҳамда муҳитни яратишда катта имкониятларга эга эканлиги тўғрисида фикрлар билдирилди.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается использование интерактивных образовательных технологий обучения, повысить эффективность улучшения качества образования, а также для укрепления сотрудничества между учителями, студентами, группой студентов, чтобы добиться единства идеологии, стремление к одной цели для реализации возможностей.

SUMMARY

In this article, the introduction of interactive learning technologies can improve the quality and effectiveness of education, build partnerships between teachers, students, student groups, and the community, to achieve ideological and spiritual unity, and to achieve each student's inner potential. It is thought that it has the necessary conditions and enormous potential to create an environment for the person to produce.

РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ТАЪЛИМ – БЎЛАЖАК МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИСИНING МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛИ

Джумагулов З.У.

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: шакллантириш, педагог, ўқув-тарбия жараёни, самарадорлик, талаба.

Ключевые слова: формирование, педагог, учебно-воспитательный процесс, эффективность, студент.

Key words: formation, teacher, teaching and vopitately process, efficiency, student.

“Меҳнат таълими ўқитиш методикаси” ўқув фани – меҳнат таълими йўналиши бўйича таълим олувчи бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг касбий тайёргарликларини оширишга йўналтирилган ўқув предмети ҳисобланади. Фанни ўзлаштириш меҳнат таълим педагогика фани методологияси, педагогик-психологик йўналишлардаги илмий тадқиқот ишлари билан узвий боғлиқ. Ҳозирги кунги таълим мазмунига жорий этилаётган илғор педагогик технологиялар, компьютер технологиялардан фойдаланиш, меҳнат таълим мазмуни ва ўқитиш методларига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади. “Меҳнат таълими ўқитиш методикаси” фанининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- меҳнат таълимда педагогик йўналишдаги билимлар тизимини шакллантириш;
- меҳнат таълимда педагогик технологиялар тизимини таҳлил қилиш малакаларини шакллантириш;
- меҳнат таълими амалиётидаги фаолиятлар узвийлигини таъминлаш;
- меҳнат таълимида педагогик муаммоларни ҳал қилишда инновацион ёндашувлардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш.

Шунингдек, ўқув материаллари мазмунини танлашда қуйидаги принципга амал қилиш талаб этилади:

- илмийлик, таълим мазмунини замонавий илм-фан тарақиёти даражасига мослиги;
- тизимлилик, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилари томонидан билимларни илмий-назарий жиҳатдан ўзлаштиришлари;
- касбий-педагогик тайёрлашни шахсга йўналтирилган ёндашувлар асосида ташкил қилиш.

Фанни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар асосида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилари қуйидаги билимларни эгаллашлари лозим:

- инновацион педагогика принципларини;
- меҳнат таълими ўқитилишининг педагогик тизими мазмунини;
- меҳнат таълимида инновацион йўналишларни.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилари қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши лозим:

- меҳнат таълими ўқитилишидаги инновацион тизимни таҳлил қила олиши;
- анъанавий ва инновацион методларнинг ўзаро боғлиқлигини билиш;
- меҳнат таълимда муаммони ҳал қилишга қаратилган инновацион ёндашувларни шакллантириш.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилари қуйидаги малакаларга эга бўлиши лозим:

- инновацион педагогиканинг илмий-терминологик хусусиятларини эгаллаш;
- инновацион педагогика билим, кўникма ва малакаларни меҳнат таълимда қўллаш билиш;

- меҳнат таълимдаги муаммоларга инновацион ёндашув;
- бир бутун, яхлитлилик ва функционаллик, ҳар бир фан тармоғининг ўзига хос хусусиятлари ва тузилишини ҳисобга олиш;
- модуллиқ, дидактик бирликларни мустаҳкамлашга йўналтириш.

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилари ривожланишининг юқори даражасига фақат ривожлантирувчи таълим орқали эришиш мумкин, бунда бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилари билимларнигина ўзлаштириб қолмай, балки билим олиш усулларини ҳам ўзлаштиради. Билим олиш усули бу – субъектив билиш воситалари бўлиб, уларсиз бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг ижодий фаолияти амалга ошмайди. Ривожлантирувчи тизимда билимлар бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг фаол мустақил билиш фаолияти жараёнида олинади, ўқитувчининг асосий вазифаси, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларига уларнинг бу билимларга бўлган эҳтиёжи ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳолда тайёр билимларни узатишдан иборат бўлган анъанавий тизимдан фарқли, бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилар фаолиятини бошқаришдан иборат бўлади.

Бугунги кунда янги таълим парадигмасига мос келиш учун, узлуксиз таълим тизимида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини мақсадли равишда ижодий шахс сифатида шакллантиришни ўрганиш жуда муҳим ҳисобланади. Таълим-тарбия жараёнида бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини нафақат ижтимоий-қасбий билимлар билан таъминлаш, балки унда танланган касбга хос сифатлар шаклланишига ҳам ёрдам бериш лозим. Таъкидлаш жоизки, таълим жараёни учта асосий мақсадларни ҳал қилиши лозим. Булар:

- Давлат манфаатларига мос ҳолда, ўқувчини бўлажак мутахассис сифатида тайёрлаш;
- Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини жамият аъзоси сифатида шакллантириб, ижтимоий тажриба ва кадрларни, меъёрларни англаган жамият манфаатлари билан ҳамоҳанг фаолият кўрсатувчи кадрни тайёрлаш;
- Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини фаол, ташаббускор, мантиқан фикрловчи индивид сифатида ривожлантириш.

Таълим-тарбия сифатини оширишнинг асосий омилли ўқитувчи ва бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг таълим жараёнидаги ва тадқиқот ишларидаги ўзаро муносабати, ўзаро алоқасидир. Ўқитувчи фақат ахборот узатувчи эмас, балки ташкилотчи, раҳбар, маслаҳатчи бўлиши, илмий методлар билан қуролланиб, таълим жараёни қонуниятлари ва механизмларини чуқур англаб, уни бошқариши лозим.

Ривожлантирувчи таълим ўқитувчи ва бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилари фаолиятларининг ривожланиш жараёнидир. Шунга асосан ўқитувчи ва бўлажак меҳнат таълими ўқитувчилар фаолияти, умуман олганда, олий таълим тизимида ўқув тарбиявий жараёни илмий ташкил қилиш муаммосини ҳал қилишга, хусусан, педагогик жараён субъектлари ўқитувчи ва бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларининг мустақил ижодий фаолиятининг шаклланганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, даврнинг ўта долзарб талабидан келиб чиққан ҳолда Республика миқёсида олий таълим муассасаларининг фаолиятига инновацион таълим технологияларини таъбиқ этиш борасида бир қатор қуйидаги ижобий ишларни амалга оширишни тавсия этамиз:

Адабиётлар:

1. Sharipov Sh.S., Muslimov N.A. Texnik ijodkorlik va dizayn. – Toshkent, Nizomiy nomidagi TDPU. 2007. – B. 134-137.
2. Симонов В.П. Диагностика личности и профессионального мастерства преподавателя. – Москва: Международная педагогическая академия, 1996. – С. 103.
3. Тургунов С.Т., Максудов А.А. Педагогик жараёнларни ташкил эти шва бошқариш. – Ташкент: Фан, 2009. – Б. 23.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ривожлантирувчи технологиядан фойдаланиб талабаларнинг рақобатбардошлик қобилиятини шакллантириш ва ўқитиш сифатини ривожлантириш масалалари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье освещаются вопросы формирования конкурентоспособности студентов и совершенствования качества обучения с использованием развивающей технологии.

SUMMARY

The article deals with the issues of forming students competitiveness and improving the quality of education on using development technology.

ЎҚУВЧИЛАРДА ВАТАНПАРВАРЛИК ҲИС-ТУЙҒУЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МАНТИҚИЙ АСОСЛАРИ

Мансуров Н.А.

Низомий номидаги ТДПУ доценти

Расулов М.А.

Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчиси

Таянч сўзлар: умумбашарий қадрият, ватанпарлик туйғулари, маданий мерос, миллий анъана, ижодий услуб, тасвирий санъат

Ключевые слова: глобальная ценность, чувства патриотизма, культурное наследие, национальные традиции, творческий метод, изобразительное искусство.

Key words: universal values, feelings of patriotism, cultural heritage, national tradition, creative style, fine arts.

Маданий меърос ва юсак бадийлик миллий анъаналарини ривожлантириш, ундан фойдаланиш, ундаги ижодий амалиёт услубларини жорий этиш, табиий материаллар билан ишлаш, инсонларда, айниқса, ёшларда кунт, чидам, қатъият, тасвирий ва амалий санъатнинг фалсафий, психологик қирраларини ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Санъат дурдоналари таълим тизимида, яъни мактаб, лицей, касб-хунар коллежларида, олий ўқув юртиларида ўқувчи-ёшларни сиёсий-ғоявий ва эстетик руҳда тарбиялашда, уларни гўзалликни сеза билишга, санъат асарларини китоб ўқигандек ўқий олишга, улардан баҳра олишга ўргатишда, ёш авлоднинг изланувчанлик ва яратувчанлик қобилиятларини оширишда, ушбу санъатга бўлган қизиқишини кучайтириш, касб танлаш ва дунёқарашини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Борлиқни ва воқеликларнинг мусаввир ёки уста томонидан бажарилган асарлари ҳар бир инсонга ўзига хос руҳий таъсир этади. Шу ўринда рассомларнинг асарлари муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон тасвирий ва амалий санъатига назар ташлар экансиз, мусаввирларнинг асарларидаги ҳар бир чизиқ ва ранг ҳамда шаклларда бир дунё ҳикматлари яширинганини гувоҳи бўласиз. Жаҳон тасвирий санъатининг буюк рассомлари Леонардо до Винчи, Шарден Ж.Б.С., Брюлов К.П., Айвозовский И.К., Шишкин И.И., Ван Г.В., Пабло Пикассо ва бошқалар дунё манавият хазиналарига қатта ҳисса қўшганлар. Шулардан бири Француз рассоми О.Домьенинг “Эман” асарини бадий ва фалсафий таҳлил қилиб кўрамиз.

XIX аср санъатида графика қатта аҳамият кашф этди. Сиёсий карикатура, айниқса, ўзининг социал жиҳатидан ўткирлиги, кескинлиги билан ажралиб туради.

Домье Францияда сиёсий карикатуранинг энг йирик вакилларида эди. Онере Домьеннинг номи тилга олинар экан, француз ёзувчиси Андре Бюрмесернинг қуйидаги машхур сўзлари эсга келади: “Домье... бу халқ, унинг қахр-ғазоби, олижаноблиги, кўнгилчанглиги, куч-қудрати, ор-номусидир”. Рассом курашчи Домье, ижодининг бутун моҳияти, худди ойнадагидек, ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Домье Он оре Викторьен (1808-79) Франция графиги, рангтасвирчи ва ҳайкалтарош. 1814 йилдан Парижда яшаган. Қаламтасвир, рангтасвир ва литографиядан дарс олган. 1830 йилда инқилобдан сўнг, танқидий, сиёсий плакатлар ишлаган ва катта муваффақиятга эришган ҳамда халққа танилган. Танқидий плакатлари кўп нусхада чоп этилган. Унинг дунёқараши кенглиги, тасвир тилини яхши билиши билан инсонлар қалбига ўз фикр-мулоҳазаларини етказа оладиган маҳоратга эга бўлган. Унинг “Кир ювувчи” (1859-60), “Учинчи тоифали вагон” (1862-63), “Эман” каби асарлари дунёга машхурдир. Эман (дуб) дарахти ҳақида кўпгина рассомлар тасвирлаганлар. Масалан И.И.Шишкиннинг “Дублар” асари мисол бўлади.

Мусаввир О.Домье нима учун эман дарахтини танлаган? Аввал табиатдаги худди шунга ўхшаш дарахтни қўрган ва унга ғоя келган. Асарнинг ғоясига асосан, О.Домье композиция яратган. Композицияда асосий қахрамон қилиб эман дарахтини танлаган, уни картинанинг марказида динамик ҳолатда жойлаштирган, чунки рассом эман дарахтининг ўзига хос томонларини ва хусусиятларини яхши билган. Масалан, эман дарахти қанақа дарахт? Эман (дуб) - ёруғсевар, қурғоқчиликка чидамли бўлиб, у 1000 йилдан ортқ яшайди. Дарахтнинг баландлиги 20-25 метр, шох-шаббаси кенг бўлади. Илдизи ўқ илдиз бўлиб, 5 метр чуқурликка кириб боради. У атроф-муҳитга соғломлаштирувчи таъсири бўйича бошқа ўсимликлардан устун туради. Ёғочи авиация ва кемасозликда, қурилишда бочкасозликда қимматли хом ашё ҳисобланади. Намгарчиликка чидамли дарахт саналади.

Дуб – куч-қудрат, узок умр, чидамлилик, мардлик, улугворлик рамзи. Греция, Германия ва бошқа давлатларда дуб момоқалдирок худосига бағишланган бўлиб, у яшинга чидамли ҳисобланади. Баъзи мамлакатларда дуб дунё ўқи ва табиий ибодатхона ҳисобланган. Яна дуб эркаклик кучи ва донолик рамзи ҳисобланади. Дуб барги кўпгина давлатларда харбий белги сифатида ишлатилади.

О.Домье асарини таҳлил қилар экансиз, аввалам бор, асардаги асосий элементлар қуйдагилардан иборат эканлигига гувоҳ бўласиз: эман дарахтининг танаси, яшин, шамол, дарё, дарахтнинг илдизи, дарахтнинг шохи. Расмда эманнинг танаси инсон гавдасига ўхшатиб бир томонга қадди букилган ҳолатда тасвирланган. Қандай қилиб қалин танали эман дарахти бу ҳолатда букчайиб қолган? Бунинг сабаби шундаки, ушбу эман дарахти ниҳоллик давридан ҳозирги давргача бошидан жуда кўп қийинчиликларни ўтқизганлигини кўрсатиб турибди. Эман дарахти белидан синиб, ярим жонда бўлса-да, охириги қўқариб турган шохи ҳам синиш арафасида зўрға-зўрға шамол ва бўрон қаршилигига чидаб турган ҳолати акс эттирилган. Шунинг учун ҳам О.Домье асаридаги асосий қахрамон қилиб эман дарахтини танлаган ва асарни номини “Эман” деб номлаган. Асарда қўйилган ғоянинг ечимига ёрдамчи қилиб, атрибутлар, табиатга мос ҳолда воқелик танлаган. Яъни чақмоқ, қора булут, дарё, шамол ва дарё тасвирланган ва натижада муаллиф ўз олдига қўйган мақсадига эриша олган.

Йиллар давомида жуда кўп қарама-қаршликларни бошидан ўтказган дарахт танаси худди инсон танасига қийслаб эгик ҳолатда тасвирланган. Мусаввир аслида дарахтни рамзий маънода қўллаш орқали Франциянинг оғир вазиятга тушиб қолганлигини акс эттирган ва расм остига “Қашшоқ Франция” деб ёзиб қўйган. Бу орқали муаллиф Ватанни қашшоқ ва ночор ҳолатидан енгиб чиқиш кераклигини уқтиради. Бу

ҳолатни, яъни ғояни дунёда яшаётган ҳар бир инсон бошидан ўтадиган оғир дамларга ўхшатиш ҳам мумкин.

Рамда эман дарахтининг 300 йилдан ортиқ ёшдаги бақувват танаси тасвирланган бўлса-да, илдиз қисмида 500 ёшли бақувват эманнинг илдизи тасвирланган. Бунинг сабаби шунда бўлганки, илдиз тасвири орқали мусаввир аждодларнинг буюк маънавиятга ва моддий бойликларларга эғалигига ишора қилган. Бу илдизлар билан инсонлар ҳали минг йиллар давомида яшашларини билдиради.

Дарахтнинг чуқур ўк илдизга эғалиги, унинг ўз заминида мутаҳкам ва муқим тура олиши, дарахтни илдизи билан осонликча кўпориб ташлаш жуда мушкул эканлигига ишора. Яъни аждодларнинг қатта ва чуқур маънавий бойликларга ҳамда қадриятларга эғалигини билдиради. Ўз халқининг буюк тарихга эга эканлигига ишорадир. Эман дарахтининг ўз илдизи орқали кўпайиши эса келажак авлоднинг аждодлар маънавий қадриятларига асосланиб ривожланишига ишорадир.

Мусаввир эман дарахтининг танасини инсон гавдасига ўхшатиб, битта қўл кўришида охириги шохини қаттиқ шамолдан ва бўрондан саниш арафасида акс эттирган. Дарахтнинг шохи рамзий маънода сўнгги нажотни билдиради.

Дарё давр ва вақтни билдиради. Сув эса ҳаётни яъни умрни билдиради. Шамол ҳар қанча қаттиқ бўлмасин, сув ўз йўлида бир маромда давом этмоқда. Бу эса инсоннинг умри ўткинчи эканлигига ишорадир.

Мамоқалдиروق – кескинлик, тўсатдан келадиган қулфатни билдиради. Ҳаётнинг кескин оғирлашиши, бошга қулфат тушиши, кўрқинчли дамлар. Кўрқинчли туш каби ҳаётнинг ўтиши. Ночор ҳолатда тушиб қолинишига ишора.

Яшин – инсон бошига ёки мамлакатга тушган оғир қулфатни англатади. Инсонга ёки мамлакатга офат келиши, айрилиқни билдиради. Шунингдек, қарама-қаршилик, зиддият, ҳаётда турли-туман қаршиликларга учрашни ифодалайди. Ушбу қарама-қаршиликлар қандай бўлмасин, инсон сабр тоқатли, иродали бўлиши, мақсад сари интилиши ва эзгулик йўлида курашиши кераклигини ифодалайди. Қора булутли осмон борлиқни, табиатни, Ваганини ва инсонларнинг нотинчлигини билдиради. Оғир дамларни ва вақтни ҳамда оғир даврни англатади.

Шамол – инсон ҳаётидаги қарама-қаршиликлар. Инсон ҳаётида ҳар қандай қарама-қаршиликка учрамасин, у ўзини йўқотиб қўймаслиги, сабрли, иродали ўз эзгу мақсадлари учун курашиши лозимлигига ишора. Ҳар қандай нарсалар зиддиятлар асосида ривожланади ва тараққий этади, деган ҳаётий фалсафани акс эттиради.

Расмнинг фақат оқ ва қора рангларда тасвирланиши кескин, оғир аҳволни, зиддиятлар олами билдиради. Асарда оқ-қоранинг кескин берилиши унинг моҳиятида кўтарилаётган ғояни янада бўрттириб, томашабинга кучли таъсир этади. Томошабин бу ҳолат моҳиятини мушоҳада қилади ва мантиқий фикрлаб, тегишли хулосалар чиқарадилар.

Инсон синов дунёсида ҳар қандай оғир ҳолатга тушмасин, ўзининг кучли иродаси, сабр-тоқати билан чидай олса, у ўз олдига қўйган мақсадига эриша олади.

Ҳаёт эзгулик ва ёвузлик ўртасида курашдан иборатдир. Оламда зиддият бўлмаса, ҳаётда ривожланиш ва тараққиёт бўлмайди. Хулоса қилиб айтганда, дунёда ҳаракат бор экан, ҳёт бор, ҳаёт бор экан, кураш бор. Демак, ҳаёт кураш демакдир, деган мантиқий ғоя келади. Мусаввир Ватанининг оғир дамларини қалбан ҳис қилиб, ўз ватанига бўлган меҳр-муҳаббатыда ёниб, ички ҳис-туйғуларини бу тасвирлар орқали халққа етказга олган, халқни Ватан учун фидойиликка қақирган.

Домъе ижоди XIX аср танқидий реализмининг ёрқин ифодасидир, у ўз замонасининг санъатга бўлган демократик қарашлари билан чамбачас боғлиқ эди. Домъе

Ўзининг эллик йиллик ижодий фаолияти даврида тўрт мингдан ошдиқ литография, аквареллар, ёғочга ўйилган гравюралар, хайкал-портретлар яратди. Рассомнинг улкан бой мероси демократик ғоялар, ўз замонидаги одил ҳаракати билан чамбарчас боғлиқдир.

Кўринадики, О.Домьенинг “Эман дарахти” сурати бир караганда шохлари шамолда тебранаётган кекса дарахтни ифодаласа-да, унинг замирида юксак ҳаётий фалсафа мужассам. Инсон тақдирининг мураккаб вазиятларда тобланиши, ватан, халқ ва миллатнинг мутаҳкам тарихий илдишларга эга эканлигини мазкур суратда теран акс эттирилган. Тасвирий санъат асарларига айна жиҳатдан ёндашиб, улар мазмунидаги эстетик моҳиятни тўғри таҳлил ва талқин этиш ёш авлоднинг руҳий-маънавий тақомилига муносиб хизмат қилади. Умумбашарий кадрятлар, миллий-маънавий мерос ёшларда миллатсеварлик, ватанпарварлик туйғулариининг камол топиши ва мустаҳкамланишига мустаҳкам замин яратади.

Адабётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият- энгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
2. Алухтин О.К. Тасвирий санъат ҳақида суҳбатлар. – Т., Ўқитувчи, 1965.
3. Костерин Р.П. Учебное рисование. – М. Просвещение. 1984.
4. Популярная художественная энциклопедия: Архитектура. Живопись. Скульптура. Графика. Декоративное искусство. – М.: “Энциклопедия” Книга I. 1986.
5. Тресиддер Дж. Словарь символов /Пер. с. Англ. С. Палько. – М., ФАИР –ПРЕСС. 2001.

РЕЗЮМЕ

Мақолада эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида маънавий-ахлоқий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маърифатни юксалтириш, жаҳон андозаларига жавоб берадиган, янги авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири хусусида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются воспитание всесторонне развитой духовно-нравственной личности, развивать науку и образование, воспитание нового поколение, отвечающим международным стандартам в формировании свободного гражданского общество является приоритетной задачей политики государства.

SUMMARY

The upbringing of a fully developed spiritual and moral personality, the development of science and education, the upbringing of a new generation that meets international standards in the formation of a free civil society is a priority task of state policy. In the article, it is these parameters that are analyzed.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОМПОНЕНТЛАРИ

Кучкарова Н.М.

Урганч давлат университети

Таянч сўзлар: аксиологик, когнитив, компонент, коммуникатив, операцион, мотивация, интеллект, рефлексив.


Ключевые слова: аксиологический, когнитивный, компонентный, коммуникативный, операционный, мотивный, интеллектуальный, рефлексивный.

Key words: axiological, cognitive, component, communicative, operational, motivational, intellectual, reflective.

Талабаларга иқтисодий маданият тушунчасини сингдиришда энг аввало уларда умуминсоний кадриятларни белгиловчи, иқтисодий компетенцияларни, иқтисодий жараёнларда уларнинг шахсий имкониятларини амалга оширишларида субъект ва объект муносабатларини, унда фақат объект – истеъмолчи сифатида эмас, балки, субъект – мененжер, тадбиркор турли товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи ва иштирок этувчи сифатида шакллантириш.

Юқоридаги компетенцияларни таҳлил қилиш, иқтисодий маданиятни шакллантиришнинг учта асосий компонентини кўрсатиб беради. (1.1 Схема)

Иқтисодий маданиятга йўналтирувчи компонентлар



Талабаларда иқтисодий маданиятни шакллантиришнинг тизими: тизимнинг мақсади, унинг бошқарув тузилиши, мутахассислар билан таъминланганлиги, талабаларнинг хатти ҳаракатлари, ҳуқуқий ва молиявий таъминотини тартибга солиш ва моддий – техник баъза билан таъминлаш.

Талабаларда иқтисодий маданиятни шакллантириш жараёни: мақсади ва вази-фаси, принциплари, таркиби, методлари (қабул қилиш воситалари), шакллари. Шундай қилиб, педагогик лойиҳа мақсадга мувофиқ таркибий қисмлар ва элементларни танлаш, улар ўртасидаги муносабатлар ва ўзаро муносабатларни экологик маданиятни шакллантиришга йўналтиради.

Бўлажак мутахассисларнинг иқтисодий маданиятини ривожлантиришдаги жиддий тўсиқ, бу талабаларнинг иқтисодий билимларини пассивлиги қуйидаги омиллар билан белгиланади;

- уларнинг иқтисодий фаолият билан шуғулланиши, меҳнат натижаларини таҳлил қилиши ва баҳолашда имкониятларини чекланганлиги;
- шахсий молиявий ишларни ташкил қилиш имконияти етарлик эмаслиги.

Агар иқтисодий – маданиятни индивидуал даража деб ҳисобланса, замонавий адабиётларда бир нечта кўрсаткичларга ажратиб, таҳлил қилинганлигини кўришимиз мумкин :

- билим (когнитив компонент);
- қўникма (мазмунли - операцион);
- ўз – ўзини баҳолаш (баҳолаш - рефлексив);
- мулоқот (коммуникатив).


Шунингдек, иқтисодий – маданият кўрсаткичлари қуйидаги сифатларга ажратилади:

- иқтисодий билимларни;
- янгиликлар ва қўникмаларни;
- интеллектни;
- ижтимоий – иқтисодий фаолият ва муносабатлар жараёнида инсонлар мулоқотининг шакллари.

Иқтисодий маданият – мураккаб интеграл таълим саналади. Шу билан бир қаторда ижтимоий – иқтисодий маданиятнинг моҳиятини билиш, шу жумладан уни башорат

қилиш, шакллантириш, сақлаш ва мустахкамлаш усулларини ҳисобга олган ҳолда, инсоннинг ижтимоий аҳамиятга эга ҳаётий қадриятларини баҳолаш тизими. Инсоннинг иқтисодий маданияти, ижтимоий – иқтисодий хулқ – аъвори, ҳаётий фаолият давомида инсон ҳаётининг сифати билан тартибга солинади. Шахсни индивидуал даражада шакллантириш, ўз – ўзини англаши ва ривожлантириши бир қанча компонентларни ўз ичига олади: мақсадли, мазмунан, когнитив, технологик йўналишларда олиб борилади. Иқтисодий маданият педагогик жараёнда инсоннинг умумий маданиятининг асосий компонентларидан биридир.

Бундан ташқари бир қанча адабиётларда иқтисодий маданият компонентларининг бир қанча мезонлари ўрганиб чиқилган. Масалан иқтисодий таълим қуйидаги соҳаларга асосланади. (Схема 1.2)



Шу билан бир қаторда иқтисод тушунчаси сифатида иқтисодий маданиятнинг компонентлари алоҳида – алоҳида ўрганилади. Юқорида иқтисодий онгни ривожлантиришнинг бир нечта компонентларини кўришимиз мумкин.

Когнитив компонент – иқтисодий фикрлаш ва шахсият. Жамият, давлат, минтақа ва оила иқтисодий муносабатларидаги фактлар, тушунчалар, ғояларни тушуниш ва тушуниш учун зарур бўлган асосий иқтисодий маълумотларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Фаолият компоненти – таълим ва ҳаётга оид иқтисодий масалаларни ҳал қилишда амалий кўникмаларга эга бўлишни назарда тутати.

Мотивацион компонент – бу иқтисодий муаммоларнинг мазмуни ва аҳамиятини, уларнинг ҳуқуқий нормалари ва иқтисодий маданиятнинг маънавий – ахлоқий асослари билан ўзаро боғлиқлиги англаши билан белгиланади.

Рефлексив компонент – талаба шахсида ўзини катталардек тутиш ҳиссини шакллантиради, шу билан бирга иқтисодий муаммоларни катталарда ҳал қила олиш имконини беради.

Шахснинг иқтисодий маданиятини шакллантиришнинг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳар бир аниқ вазиятда ўзининг шахсий қобилиятини намойиш эта олишидир. Иқтисодий маданиятни шакллантириб боришда ўзига нисбатан талабчан бўлиши, иқтисодий билимларини доимий равишда ривожлантириб бориши ва керакли вазиятларда тўғри қарор қабул қила олиш ҳиссини ривожлантириш зарур.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб – интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. – Тошкент: «Ўзбекистан», 2018.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида / Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
3. Автономов В.С. Модель человека в экономической науке. - СПб: Экономическая школа, 1998. – 230
4. Влазнева С.А. Экономическая подготовка будущих педагогов профессионального обучения в вузе: дис. канд. пед. наук / С.А.Влазнева. - Пенза, 2009. - 167 с.
5. Саидов М.Х. Олий таълимда иқтисод, инвестиция ва маркетинг. – Тошкент: Молия, 2002. –332 б.
6. Инновационное развитие: Экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями / под общ. ред. Б.З. Мильнера - М.: ИНФРА-М, 2010. 624 с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола олий таълим муассасаларида талабаларнинг иқтисодий маданиятини ривожлантириш компонентларига бағишланган бўлиб, бунда иқтисодий маданиятга йўналтирувчи когнитив, операцион, аксиологик компонентлар, замонавий адабиётларда таҳлил қилинган кўрсаткичлар, иқтисодий таълим кўрсаткичлари ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена компонентам развития экономической культуры в высших учебных заведениях, описывает когнитивный, операционный, аксиологический компоненты, относящиеся к экономической культуре, показатели, проанализированные в современной литературе и показатели экономического образования.

SUMMARY

This article is devoted to the components of the development of economic culture in higher educational institutions, describes the cognitive, operational, axiological components related to economic culture, indicators analyzed in the modern literature, and indicators of economic education.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ СОҲАНИ ЎРГАНИШ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Акрамова Х. А.

ОЎМТВ ҳузуридаги Бош илмий-методик марказининг таянч докторанти

Таянч сўзлар: инновацион ҳамкорлик, замонавий технологиялар, инновацион таълим фаолияти, замонавий билим ва амалий кўникмалар, инновацион таълим.

Ключевые слова: инновационное сотрудничество, современные технологии, инновационная учебная деятельность, современные знания и практические навыки, инновационное обучение.

Key words: innovative cooperation, modern technologies, innovative educational activities, modern knowledge and practical skills, innovative training.

Сўнгги йилларда олий таълим муассасаларида инновацион ҳамкорликни амалга ошириш ва замонавий технологияларни ривожлантириш бўйича қатор ишлар олиб борилмоқда. Бунда таълим тизими компонентларини ривожлантириш бўйича турли илмий тадқиқотлар, турли босқичдаги ўқув жараёнларини инновацион бошқариш, инновацион жараёнларни моделлаштириш ва инновацион фаолият учун педагог кадрлар тайёрлаш зарурияти туғилди. Айнан шу сабабли таълим тизимини инновациялар қириштириш асосида ислоҳ қилишга эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда илм-фан ва замонавий технологияларни ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётни амалга ошириш борасида ҳал этилиши лозим бўлган устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Буларни қуйидагича қўришимиз мумкин, яъни олий ўқув юртлирининг инновацион салоҳиятини шакллантиришга йўналтирилган лойиҳаларни молиялаштириш, инновацион таълим фаолияти учун зарур ресурслар билан таъминлаш жараёнлари қандай амалга оширилишини аниқлаб олиш ва интеграцион режаларни амалга ошириш зарурлигини белгилаб олиш лозим.

Олий таълим муассасаларида бугунги кунда инновацион таълим ривожлантирилиб борилаётган экан, уни янада ривожлантириш бўйича қуйидаги тақлифларни бериш мумкин:

- юқори малакали мутахассисларни тайёрлашнинг замонавий методларини жорий этиш билан биргаликда инновацион ғояларни ишлаб чиқиш;
- кафедраларнинг илмий салоҳиятини кўтариш, жумладан, мутахассислик кафедраларини ҳам чет эл ва инновацион лойиҳаларда етакчи бўлишини таъминлаш, янгиликни идрок қилишга ўргатиш, ўқув сифатларини ошириш, раҳбар ва педагог кадрларнинг ҳамкорлигига талабаларни ҳам жалб этиш ва инновацион грант лойиҳаларини тарғиб этиш;
- давлат грантлари асосида олиб борилаётган тадқиқот ишларини мақсадли равишда кўламини кенгайтириш ва инновацион лойиҳаларни татбиқ эта оладиган бошқарувчиларни тайёрлаш;
- илмий салоҳиятли кадрларнинг ижод қилишлари учун зарурий шарт-шароитларни яратиб бериш ва инновацион лойиҳа ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш;
- ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш, уларнинг базасида тизимли асосда республикамиз олий таълим муассасалари магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;
- янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ва уларни олий таълим муассасаларининг таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, шу жумладан, энг янги хорижий адабиётлар сотиб олиш ва таржима қилиш, ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгилаб бориш;
- педагог кадрларнинг касб маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш, хорижда педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва стажировкасини ўтказиш, олий таълим муассасалари битирувчиларини PhD ва магистратура дастурлари бўйича ўқитиш, олий таълим муассасалари ва қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари ўқув жараёнига юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб қилиш;
- илғор педагогик технологияларни яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновация лойиҳаларини шакллантириш ва амалга ошириш йўли билан илм-фаннинг таълим амалиёти билан алоқасини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

Ривожланган давлатлар таълим тизимининг тажрибаси асосида Республикаимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги ишларни тубдан ўзгартириш, янги амалий-услубий ишланмалар ишлаб чиқиш ва замон талабига кўра инновацион таълимни ривожлантириш долзарб масалага айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун улкан шарт-шароит яратди. Қарорда олийтаълим тизимини келгусида комплекс ривожлантиришнинг энг муҳим вазифалари белгилаб берилган.

Шу жумладан, ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини яқиндан йўлга қўйиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, илмий-педагогик фаолиятга юқори малакали чет эл ўқитувчилари ва олимларини жалб этиш белгиланган.

Олий таълим тизимида педагог кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини сифат жиҳатдан мунтазам ошириб бориш, педагог ва илмий ходимларнинг стажировкадан ўтишини йўлга қўйиш, олий таълим муассасалари битирувчиларини PhD дастури ва хорижий магистратура дастурлари асосида ўқитиш ҳам назарда тутилган.

Қарорга мувофиқ олий таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида корхоналарнинг буюртмасига асосан амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини амалга оширадиган таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари юридик шахслардан олинadиган даромад солиғидан, ягона солиқ тўловидан, мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий тўлов ва қўшимча қиймат солиғидан озод қилиниши ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда бирлашмаларининг инновацион фаолиятини рағбатлантиришга, илмий изланиши ва ишланмалар рақобатдошлигини кучайтиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, олий таълим тизимида янги таълим ихтисослик йўналишлари ва мутахассисликларнинг, шунингдек, иқтисодийёт соҳалари ва ҳудудларни комплекс ривожлантиришнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган ва бакалаврият ва магистратурага талабалар қабул қилишнинг умумий кўрсаткичларини 2021 йилгача босқичма-босқич равишда 18 фоизгача оширишни назарда тутилаётгани юртимиз ёшларининг олий таълим олишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда олий таълим XXI асрда янги методологик асосларга ва инновацион технологияларга таянишни тақозо этади ва қуйидагиларни таъминлашга йўналтирилади:

- талабаларни индивидуал таълимий ҳаракат йўлига мос равишда ўқитишга;
- кенг қамровли ҳамда амалий тафаккурлашни, муайян муаммоларни ечиш қобилиятини ривожлантиришга;
- шахснинг руҳий фаоллигига тегишли барча соҳаларда ижодий салоҳиятни ривожлантиришга;
- ўқитувчи-педагог ҳамда талабалар ўртасида ўзаро шахсий муносабатларни психологик жиҳатдан тўғри ташкил этиш йўли билан кейингисининг ўқув фаоллиги зарурий мотивациялашга;
- талабаларнинг ўқув материални ўзларидаги устуворлик касб этадиган индивидуал когнитив усул ва стратегияларини ҳисобга олган ҳолда ўзлаштириш имкониятларига;
- шахснинг асосли эҳтиёжларини қаноатлантиришни тақозалайдиган ривожлантириш учун шарт-шароитларга;

- шахсий ва касбий муаммоларни ечиш жараёнида устуворликни ўқитишнинг маъруза шаклидан талабаларнинг мустақил ишларига қараб силжйтишга;
- инсоннинг ўзида сўз, ўзгарувчи тимсол ва ҳаяжонни бирлаштирган ахборотлар манбаларидан тўлиқ фойдаланишга;
- бугунги кун воқеликларига нисбатан бўлаётган мурожаатга таянадиган ўқитишнинг контекстли ёндашувиغا;
- ўзини ўзи ўқитиш ва ўзини ўзи тарбиялаш механизмларини шакллантиришга.

Жамиятимиздаги янгиланиш жараёни ёшлар тарбиясида ҳам йирик ўзгаришлар қилишни талаб қила бошлади. Эски буйруқбозлик тизимидан цивилизациялашган демократик жамият қуришга ўтиш тарбиядаги эски анъанавий қарашларнинг айримларидан воз кечишга, ҳаётга мос бўлган миллий хусусиятларни ўзида акс эттирган тарбиявий ишлар услубларини излаб топишга тўртки берди. Энди талаба-ёшлар онгига миллий маданиятимиз, халқимиз тарихи, миллий анъаналаримиз, урф-одағларимизни тўлиқроқ сингдиришга, уларни бошқа халқлар маданиятига яқинлаштириш, уларда миллиялараро муносабатлар маданиятини, биргаликда фаолият кўрсатиш амалиётини вужудга келтиришга асосий эътибор қаратилди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2015 йил 12 июнда “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасинин ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4732-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелда “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ- 2909-сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари тарбиячи-ўқитувчилари ва гуруҳ раҳбарлари учун амалий тавсиялар). – Т.: Истеъдод, 2010. – Б.141.

РЕЗЮМЕ

Мақола олий таълим тизимидаги ўқув-услубий соҳани ўрганиш ва унинг ўзига хосхусусиятлари масалаларини ўрганишга бағишланган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена изучению методики преподавания и обучения в системе высшего образования и ее специфике.

SUMMARY

The article is devoted to the study of methods of teaching and learning in the system of higher education and its specificity.

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ВИРТУАЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Оқназаров Т.Ж.

Самарқанд давлат университети ҳузуридаги ХТХҚТМОХМ ўқитувчиси

Таянч сўзлар: virtual, texnologiya, malakasi, dasturiy taʼminot, tahlil, professional, faoliyat.

Ключевые слова: виртуальные, технология, компетентность, программное обеспечение, анализ, профессиональная, деятельность.

Key words: virtual technology, competence, software, security, analysis, professional activities.

Бугунги кунда педагогиканинг муҳим тавсифи – таълимга виртуал технологияларни кириб келиш шароитида ўқитувчи томонидан ўқувчиларни ривожлантириш муаммолари ҳал этишни илгаридан топиш заруратини англади. Педагог учун шахсий аҳамият касб этадиган виртуал технологиялари соҳаси орқали ўз касбий ривожланиш жараёнига киришиши, унга виртуал технологиялар асосида таълим соҳаси мақсадларини янгилашга ва моҳиятини тушуниш учун шартларни яратишга имкон бериб, у ўз навбатида долзарб вазифа бўлиб қолади. Виртуал технологияларни фаол татбиқ этиш шароитида ўқитувчининг предметли йўналтирилиши – дарс ва дарсдан кейинги фаолият давомида ўрганилаётган объектлар, ҳодисаларни моделлаштириш мақсадида замонавий дастурий воситаларни ўрганиш ва улардан фойдаланишга интилиш билан аниқланади.

Ўқитувчилик касбини такомиллаштириш фаолиятли ва шахсий тавсифга эга бўлган яна бир муҳим омил билан характерланади – касбий компетентликдир. Педагогнинг касбий аҳамиятли сифатлари узоқ вақт давомида тадқиқотчилар диққат марказида бўлиб ва улар мазкур тушунчанинг мазмунини аниқлаганлар. Ўқитувчининг касбий компетентлик тушунчаси мазмунида фаолиятли, коммуникатив ва шахсий компонентлар ажратилиб кўрсатилади, улар:

1. Педагогик фаолиятни мустақил амалга оширишда билим, кўникма, малака ва яқка тартибдаги усуллар;
2. Билим, кўникма, малака ва педагогик мулоқотни ижодий амалга оширадиган усуллар;
3. Ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган талаб ҳамда ўз-ўзини такомиллаштиришдаги билим, кўникма, малака .

Тадқиқотимизда ўқитувчининг касбий компетентлиги учун муҳим компонент – виртуал технологиялар соҳасидаги компетентлиги ҳисобланади. Виртуал технологиялар соҳасидаги ўқитувчининг касбий компетентлигини биз ахборотлаштириш шароитида таълим натижаларини таъминловчи мажбурий шарт сифатида қараймиз.

Педагогларнинг виртуал технологиялар соҳасидаги компетентлигини ривожлантириш ва тоқмиллаштириш, маълумотларни компьютер технологиялари орқали қайта ишлаш, турли ҳолатларга (умумий, махсус, ўқувга) мўлжалланган дастурий таъминотни ўрганиш ва ундан касбий фаолиятда фойдаланишни таҳлили, виртуал технологиялардан фойдаланиш имкониятларини эътиборга олиб предметлар таълимнинг методик тизимини ўзгартириш, телекоммуникациялар ёрдамида педагогик тажриба алмашинуви маданиятига ўрганиш ҳамда шу қабиларни назарий ва амалий нуқтаи назардан ўрганиш орқали амалга ошади. Шундай қилиб, ҳозирги вақтда ўқитувчининг виртуал технологиялар соҳасидаги компетентлиги уларнинг касбий такомиллашуви долзарб тавсифи ҳисобланади.

Электрон таълим аспектида ўқитувчининг касбий фаолияти қуйидагиларни:

- ўқитиладиган предметдан электрон ўқув-методик мажмуа ярата олиш кўникмасинининг мавжудлиги;
- интерфаол, мультимедиали электрон таълим ресурсларини яратиш учун дастурий таъминотга эга бўлиш ва тайёр электрон таълим ресурсларидан фойдалана олишни билиш;

- тармоқда таълимий мулоқотларни ишлаб чиқиш ва олиб бориш: телекоммуникацион лойиҳалар, телеконференциялар, олимпиадалар ва бошқалар;
- компьютер коммуникациялари воситаларидан фойдаланишни билиш.

Замонавий электрон таълимни ривожланиш тенденцияларитармоқ фойдаланувчиларининг биргалликдаги фаолиятига асосланадиган Web 2.0 технологияларини татбиқи билан бевосита боғлиқдир. Масофавий таълим технологиялари ҳамда электрон таълимнинг дидактик ва технологик ечимини топиш масофавий таълим тизими татбиқига мўлжалланган бўлиб, улар: таълим жараёнини автоматик бошқарувини таълим контентида жойлаштириш учун ягона технологик платформага эга бўлиш, ўқув жараёнини режалаштириш ва ўқув жараёнининг барча иштирокчилари ўртасидаги масофавий коммуникацияни ташкил этишдан иборатдир.

Шундай қилиб, ўқитувчининг электрон ва масофавий таълим соҳасидаги касбий компетентлиги мажбурий компоненти – таълим олувчилар билан маҳсулдор мулоқотни ташкил этиш учун Web 2.0 технологияларини қўллашни назарда тутувчи масофавий таълим воситаларига эга бўлишдир.

Педагогни касбий такомиллашувининг муҳим талаби бўлиб, касбий мустақил таълим мотивацияси хизмат қилади. Ўқитувчининг мустақил таълим олиш фаолиятидаги мотивацион доира ўзига қуйидагиларни:

- ижодий фаолиятда мустақиллик мотивини амалга ошириш, ўқитувчининг таълимга оид муаллифлик дастурларини тайёрлаш бўйича мустақил ишлаш олиш имкониятларини назарда тутати;
- шахсий ривожланиш мотиви - касбий ўсиш ва карьера қилишга бўлган интилиш билан тавсифланади;
- ўзига ишонч мотиви -тажрибани умумлаштиришга, илмий-амалий ишларини чоп эттиришга тайёргарлик кўриш, очик мастер-класслар ўтказишга кўмаклашади;
- мусобока қилиш мотиви - касбга оид кўзга кўринарли конкурсларда қатнашишга кўрсатилиш, унвон, мукофотлар топширилишига, ҳамкасблар томонидан тан олинishiга кўмаклашади .

Мустақил таълим олиш дейилганда, инсоннинг ўз маънавий талабини қондиришга, ижод ҳамда ўз шахсий потенциалини очишига ва бойитишига қаратилган фаоллиги тушунилади. Таълимни ахборотлаштириш шароитида ўқитувчининг мустақил таълим олиш фаолияти, виртуал методик бирлашмалар шароитида аниқ психологик-педагогик, методика мавзуларида олиб борадиган тадқиқотчилик ишларида намоён бўлади. Педагогика фани ва етук педагогик тажриба ютуқларини мустақил ўрганиш, бугунги кунда электрон кутубхоналари материаллари, тажрибали педагоглар томонидан ўтказиладиган on-line тадбирлар ёрдамида амалга оширилади. Масофавий семинарларда, коференцияларда, педагогик ўқишларда ўқитувчининг маъруза ва ўз чиқишлари билан иштирок этиши – унинг мустақил таълим олиши устида интилишини кўрсатади.

Шундай қилиб, замонавий виртуал технологияларига эга бўлишпедагогнинг мустақил таълим фаолияти мотивини кучайтириб, касбий фаолиятида яқка тартибдаги ижодий маҳсулдорлигини шаклланишига, касбий маҳоратини ошишига, касбий фаолият сифатига в компетентлигини ривожланишига кўмаклашади. Агар, педагогик фаолият жараёнида виртуал технологиялардан фойдаланиб, долзарб касбий масалаларни ечиш ўқитувчига сифат нуктаи назаридан янги таълимий натижаларга эришиш имкониятини берса, у холда унинг педагогик ижодкорлиги ҳақида гапириш мумкин.

Таълимни ахборотлаштириш шароитида педагогик ижодкорлик қуйидагиларда:

- машғулотлар ўтиш жараёнида ўқитувчи томонидан мустақил яратилган электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш;
- предметлар, предметлараро, билимларни ижтимоий аҳамиятга эга соҳасида ўқувчилар учун тармоқ таълими ташаббускорлигини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- билиш фаолияти маҳсулдорлигини таъминлаш учун масофавий таълим технологияларини фаол татбиқ этиш;
- масофавий шаклда ўтказиладиган мастер-класслар, семинарлар, педагогик кенгашларда ҳамкасблар билан методик материалларни тайёрлаш ва расмийлаштириш юзасидан тажриба алмашишда намоён бўлади.

Касбий такомиллашувга интилувчи, таълимнинг янги педагогик ва ахборот технологияларини эгаллаган ўқитувчи, ҳамкасбларига ўз ижодий тажрибаларини касбий web-портфолио орқали тақдим эта олиши мумкин. Web-портфолиоўқитувчига шахсий ўқув-методик материалларини тизимлаштириш, ўз касбий фаолияти натижаларини таҳлил ва баҳолаш имкониятини беради. Материалларни ушбу кўринишда тақдим этиш шакли оралик ва якуний натижаларни фаолиятни турли кўринишларида белгилаб олиш имкониятини беради (таълимий, ижодий, ижтимоий, коммуникативлик), малакасини ошириш учун зарурий маълумотларни тўплаш, кенг оммага ўқитувчининг эришган ютуқларини тақдим этиш учун шароит яратади.

Шундай қилиб, замонавий шароитларда педагогларнинг касбий такомиллашуви виртуал технологияларни фаол татбиқ этиш орқали амалга ошади. Педагогнинг касбий такомиллаши дейилганда педагоглик фаолиятида касбий аҳамиятли билим, кўникма, малака ва қобилиятларни татбиқда кўринадиган таълимнинг замонавий ахборотлашуви даражаси нафақат таълимнинг янги шакллари ва касбий такомиллашувнинг усуллари киритади, балки, мазкур тушунчанинг моҳиятини сифат нуктаи назардан ўзгартиради, унда педагогик йўналтирилганлик, педагогик компетентлик, ижодий фаолият, мустақил таълим олиш фаолияти каби компонентларнинг янги характистикалари пайдо бўлади.

Адабиётлар:

1. Даутова О. Б. Самообразование учителя как условие его личного и профессионального развития //Иновации и образование: сборник материалов конференции. –СПб.:Санкт-Петербургское философское общество, 2003. – С. 309–317.
2. Митина Л. М. Психология труда и профессионального развития учителя / Л. М. Митина. – М. : Академия, 2004. – 320 с.

РЕЗЮМЕ

Maqolada kompyuterlarning axborot texnologiyalarini nazariy va amaliy o'rganish orqali amalga oshiriladigan o'qituvchilar virtual texnologiyalari sohasida malakasini shakllantirish va rivojlantirish masalalari; turli maqsadlarda dasturiy ta'minotni o'rganish va uni professional faoliyatda qo'llash imkoniyatlarini tahlil qilish haqida soz boradi.

РЕЗЮМЕ

В статье речь идет о формировании и развитии компетентности в области виртуальных технологий педагогов, которые реализуются через теоретическое и практическое изучение компьютерных технологий обработки информации; изучение программного обеспечения различного назначения и анализ возможности его применения в профессиональной деятельности.

SUMMARY

In article idea on the formation and development of competence in the field of virtual technologies educators who are sold through theoretical and practical studying of computer information processing technology; study of software for various purposes and analysis of its application in professional activity.

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ ТЕХНОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС АСПЕКТЛАРИ

Маннабов Ж.Т.

Самарқанд давлат университети ҳузуридаги ХТХҚТМОХМ ўқитувчиси

Таянч сўзлар: o'qituvchining professional texnologik malakasi, kasbiy o'sish, masofaviy ta'lim texnologiyalari, qo'shimcha professional ta'lim.

Ключевые слова: профессиональная технологическая компетентность педагога, профессиональный рост, дистанционное образовательные технологии, дополнительное профессиональное образование.

Keywords: professional technology competency educator professional development, distance education technologies, additional professional education.

Ҳозирги вақтда таълим тизимида доимий равишда ўз касбий такомиллашуви устида ишлайдиган ва ўз касбий ривожланиши учун зарурий йўналиш ҳамда шакллари танлай оладиган педагоглар зарур.

Замонавий ахборотлашган жамиятда таълимни ахборотлаштириш жараёни алоҳида аҳамият касб этиши сир эмас, ахборот коммуникацион технологиялар татбиқи эса доимий такомиллашув шароитида амалга ошади, бу педагог ходимларни педагогик фаолияти давомида ахборот коммуникацион технологиялари (АКТ)дан фойдаланиш соҳасида доимий равишда малакасини ошириш заруриятини аниқлайди.

Педагогнинг информацион коммуникацион технологиялар соҳасидаги компетентлигининг алоҳида аҳамият касб этиб боришини бир қанча етакчи олимлар (Н.Муслимов, О.Н.Шилова, М.Б.Лебедев ва бошқалар) қайд этишган. Ўқитувчининг АКТ компетентлиги дейилганда, ўз касбий фаолиятида ахборот коммуникацион технологияларидан мустақил фойдалана олишга тайёрлигини намоён эта олиши каби шахсий сифатини тушунилади.

Ахборот коммуникацион технологиялари компетентлиги шаклланиш жараёни ривожланиб боровчи тавсифга эга бўлиши лозим. Ўз касбий фаолиятини ахборот таълим муҳитида амалга ошира оладиги ўқитувчигина таълим жараёнини ташкил этилишини ўзгартиради ва таълим сифатини сезиларли равишда ошира олади.

Лекин, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги вақтгача кўпчилик педагог ходимлар ахборот таълим муҳитида ўз касбий фаолиятларини амалга ошириш учун ахборот коммуникацион технологиялари компетентлигига эга эмаслар. Шу сабабдан ҳам педагог ходимлар касбий маҳоратини такомиллаштириш билан шуғулланадиган, ўқитувчилар малакасини ошириш тизими замонавий ахборот коммуникацион технологиялари соҳасидаги ютуқларни амалиётга татбиқ этиш учун қулай шароитларни яратмоғи лозим.

Педагог ходимларнинг ахборот коммуникацион технологиялари компетентлигини такомиллаштиришнинг келажак бор йўналишларидан бири - таълим жараёни амалиётга масофавий таълим технологияларини татбиқ этилишидир. Масофавий таълим технологиялари дейилганда, таълим оловчи ва таълим берувчининг масофадан туриб, асосан ахборот телекоммуникацион тармоқларидан фойдаланган ҳолда амалга оширадиган таълим технологиялари тушунилади.

Масофавий таълим технологияларининг кундузги таълим шаклидан фарқи шундан иборатки, материалнинг бир қисми аудиторияда ўзлаштирилмасдан, балки тингловчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш орқали интернет-технологиялари

ёрдамида ўзлаштирилади. Педагог хоимларнинг ахборот коммуникацион технологиялари компетентлигини такомиллаштириш учун масофавий таълим технологияларидан фойдаланиш ижобий таъсир кўрсатади, чунки у: яқка тартибдаги таълим стратегиясини мустақил лойиҳалаштира олиш кўникмасини шакллантиради; доимий равишда маълумотлар билан ишлаш кўникмасини такомиллаштиради; ахборот коммуникацион технологияларини бевосита ўқув жараёнига татбиқ этишни, АКТ соҳасидаги малака ошириш жараёнига мустақил равишда аниқликлар киритиб боришни амалга оширади.

Масофавий таълим тизимидаги амалий тажрибаларимиз, таълим жараёнида масофавий таълимдан фойдаланиш қуйидагиларни аниқлаш имкониятини беради:

- тингловчиларнинг яқка тартибдаги талаб ва сўровларини қониқтириш имкониятини беради;
- янги фаолият усулларини ўзлаштириш имкониятини беради;
- ўзига қулай вақтда таълим олиш имкониятини беради (таълим жараёни графикага мослашиш зарурати мавжуд эмас);
- психологик нуқтан назардан қониқлиқни таъминлайди;
- ўқув жараёнини боришини янги шаклда белгилаб олиш ва хужжатлаштириш имкониятини беради.

Яна шуни қайд этишимиз ҳам муҳим масофавий таълим технологияларидан фойдаланган ҳолда таълимни ташкил этиш, анъанавий таълимдан шуниси билан фарқланадики, у янги ахборот таълим муҳитини яратади, унда тингловчи ўзи учун айнан қандай билим, кўникма ва малака лозимлигини тушунган ҳолда келади. Шу билан бирга масофавий таълим технологияларининг фарқланадиган ўзига хослиги шундан иборатки, ахборот ресурсларидан (маълумотлар базаси, электрон кутубхона, таълим берувчи назорат қилувчи муҳит ва шу қабилардан) фойдаланиб, тингловчиларга ўзларига зарур бўлган билимларни олиш имкониятини яратилишидир.

Аммо, педагог ходимларни малакасини ошириш тизимида масофавий таълимни татбиқ этилишига қийинчилик туғдирувчи қатор муаммолар ҳам мавжуд. Биринчидан, масофавий таълим технологияларида таълимнинг ўзига хос бўлган метод, восита ва шакллари мажмуасидан фойдаланиш билан тавсифланади. Энг аввало уларга ахборот коммуникацион технологиялари тегишли бўлиб, малака ошириш тизимида масофавий таълимдан фойдаланишнинг асосий шarti – педагогларнинг компьютер, янги ахборот ва телекоммуникацион технологиялари билан ишлаш олиш кўникмасига эга бўлишлиги ҳисобланади. Иккинчидан, педагог ходимлар малакасини ошириш тизимида масофавий таълимдан фойдаланиш ўзига хос моҳиятга эга, чунки унда педагогик маълумотга эга инсонлар иштирок этишмоқда, улар нафақат шахсий касбий компетентлигини масофавий шаклда ошириши балки, мазкур таълим шаклидан шахсий педагогик амалиётда фойдаланишга ҳам тайёр бўлиши лозим. Чунки, педагогнинг касбий стандарти, ҳар бир педагог ходим томонидан таълим жараёни иштирокчиларини масофавий ўзаро ҳаракатларини таъминловчи жиҳозлардан ва таълим контенти бошқарувидан фойдалана олишни назарда тутлади. Бунинг учун таълим муассасида натижаларга олиб келувчи масофавий таълим тизими таъминоти яратилган бўлиши лозим.

Умуман олганда, масофавий таълим тизими эркин тарқатилувчи Moodle (Modular Object-Oriented Dynamic Learning Environment) веб-иловаси асосида қурилган бўлиши керак. Moodle – сифатли масофавий курслар яратиш учун мўлжалланган электрон таълимни бошқарув тизимидир. Мазкур дастурий маҳсулотдан дунёнинг юздан ортиқ университетлари, мактаблари ва мустақил ўқитувчилари томонидан

фойдаланиб келинмоқда. Ушбу тизимнинг ютуқлари сифатида қуйидагиларни келтиришимиз:

- аниқ таълим лойиҳасига, қўшимча модулларни ишлаб чиқишга, бошқа тизимлар билан интеграциялашувга мослаштириш имконияти мавжуд бўлган тизим;
- ўқув вазибаларини биргаликда ечиш жараёнида таълимни фаол шаклда ташкил эта олиш, ўзаро билимлар алмашиши имкониятининг мавжудлиги;
- коммуникация учун кенг имкониятларнинг: макбул форматдаги файллар алмашишуви, жўнатмалар, форум, чат, тингловчилар ишларини тақриз қила олиш имконияти, ички почтанинг ва шу кабиларнинг мавжудлиги;
- баҳолашнинг ҳар қандай тизимдан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги (балли, сўзли);
- тингловчилар ишлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш (фаоллиги, ўқув ишларининг мазмуни ва вақти);
- турли жисмоний имконияти чекланган (инвалидлар ҳам бўлиши мумкин) ва таълим даражалари турли бўлган инсонлар ишлашини таъминловчи дастурий интерфейсларнинг мавжудлиги.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, амалиётга кўра, масофавий таълим технологиялари ҳар қандай ёшдаги, бошланғич тайёргарлиги турли даражадаги инсонларга қўшимча сифатли касбий таълим олиш имкониятини беради. Ҳозирги вақтда ахборот коммуникатив технологияларни яхши ўзлаштирган, ўз касбий компетентлигини доимий равишда такомиллаштириб боровчи педагог ходимларга бўлган талаб юқориликча қолмоқда, бу таълимнинг мазкур шакли катталар учун малакасини оширишнинг истиқболли шакли бўлиб қолишligини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Бакач, Е. В. Проблемы и перспективы дистанционного обучения в учреждении дополнительного профессионального образования/ Е.В. Бакач, Ю.Б. Шутько// Научно-методическое обеспечение оценки качества образования. - 2016. - №1 - С.38-44.3.
2. Петрова, М.В. Формирование ИКТ-компетентности бакалавров на основе проектного обучения//Сборник научных трудов по итогам международной научно-практической конференции. - Волгоград, 2014. - 170 с.

РЕЗЮМЕ

Ushbu maqolada o'qituvchining professional texnologik bilimlarini yaxshilash, pedagogik jarayonda axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishda o'qituvchining professional o'sishini ta'minlash masalalarini muhokama qiladi. O'qituvchilarning qo'shimcha kasb ta'limi tizimida masofaviy o'qitish imkoniyatlarini ko'rib chiqilgan.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются совершенствование профессиональной технологической компетентности педагога, обеспечивающие профессиональный рост педагога в области использования информационных и коммуникационных технологий в педагогическом процессе. Рассмотрены возможности дистанционного обучения, в системе дополнительного профессионального образования педагогических работников.

SUMMARY

This article discusses the improve professional technological competence of the teacher, providing teacher professional growth in the use of information and communication technologies in teacher training process. The possibilities of distance learning, additional vocational education teachers.

ЎҚИТУВЧИДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНИШИНИ АЛГОРИТМЛАШТИРИШ

Умаров Л.М.

Қарши давлат университети

Таянч сўзлар: электрон, ахборот, ресурс, дarslik, faoliyat, o'qituvchi, algoritm.

Ключевые слова: электрон, информации, ресурс, учебный, деятельность, учитель, алгоритм.

Keywords: electron, information, resource, educational, work, teacher, algorithm.

Кўп асрлар давомида алгоритм тушунчаси сонлар ва улар билан оддий амалларни бажаришга нисбатан боғлиқ ҳолатлар тушунилиб келинди, чунки математика асосан амалий ҳамда ҳисоблашлар ҳақидаги фандир. Лекин, алгоритм атамаси мулоқот жараёнида асосан электрон ҳисоблаш машиналари пайдо бўлиши кириб келди. Аста-секинлик билан бу агама математикага тааллуқли бўлмаган соҳа ва қоидаларга ҳам татбиқ этила бошланди. Ҳозирги вақтда ҳаракатлар алгоритми дейилганда, навбати билан бажариладиган, қандайдир мақсадга эришиш учун ёки қўйилган вазифани ечишга йўналтирилган аниқ амаллар кетма-кетлиги тушунилади. Тадқиқотимизга нисбатан қуйидаги таъриф: алгоритм дейилганда, мавжуд қандайдир синфга тегишли ҳар қандай масалани ечиш учун аниқ ва бир қийматли қоидаларни кетма-кет бажариш тушунилади [2, 232-б]. Дастур ва алгоритмларни ишлаб чиқиш учун алгоритмлаштиришдан – қўйилган амалий масалани ечимини топиш учун тизимли равишда алгоритмларни тузиш жараёнидан фойдаланилади. Алгоритмлаштириш жараёнида алгоритмик қадамлар деб аталувчи алоҳида боғланган қисмларга ажратиб чиқилади.

Компетентликни шакллантиришни тадқиқ этарганимиз, албатта алгоритмларни касбий фаолиятнинг умумлаштирилган усуллари сифатида қараш лозим бўлади. Мазкур алгоритмлар ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар орқали таъминланади.

Электрон ахборот таълим ресурс (ЭАТР)лари воситасида ўқитувчиларнинг ахборот коммуникацион технологиялар (АКТ) компетентлигини шакллантиришни алгоритмлаштириш жараёни имкониятларини қараб чиқамиз. Яъни, ЭАТРлар билан боғлиқ, ўқитувчининг АКТ компетентлигини шакллантириш учун зарур, мос тадбирлар кетма-кетлигини аниқлаймиз. Шу билан бирга, ўқитувчиларда АКТ компетентлигини шакллантиришда ЭАТРлар ва уларни татбиқ этилиш воситаларини аниқлаштириб борамиз.

Замонавий таълимий натижаларга эришиш учун ўқитувчи янги ўқув фаолиятларини яратиши зарур, буни ўқитувчи таълимнинг анъанавий воситалари билан ташкил эта олмайди, натижада электрон таълим ресурсларига мурожаат этиш зарурати пайдо бўлади. Шундай қилиб, уларни таълим жараёни билан табиий интеграцияси амалга ошиб боради. Ҳозирги вақтда ўқитувчилар учун ЭАТРлардан фойдаланишларининг жуда катта имкониятлар мавжуд. Уларни татбиқини мўлжаллаб, мақсадли ва методика нуқтаи назаридан ўзининг таълим бериш методик тизимини яратиш, танлаш учун ўқитувчи қуйидагиларни билиши муҳим:

- мазкур ресурслар ёрдамида қандай таълимий вазифаларни ҳал этиш мумкин;
- улар қандай методик функцияларни бажаради;
- қандай ўқув фаолиятини яратишга имкон беради.

Шундай қилиб, ўқитувчиларнинг АКТ компетентлигини шакллантириш учун яна бир муҳим вазифа – режалаштириладиган таълим натижалари билан бирга ЭАТРлар

методик функцияларини ва дидактик имкониятларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришдир.

Таълим жараёнига ЭАТРларни татбиқида тадқиқотчилик фаолияти қуйидаги босқичларни ўзида жамлайди:

1. Когнитив диссонанс, интеллектуал ва эмоционал дискомфортни ҳис этиш ва улардан холос бўлиш истаги.
2. Умумий муаммони аниқлаш ва ифода қилиш, уларни қатор қисмий муаммоларга ажратиш.
3. Аниқланган муаммони ечимини таъминловчи, адекват мақсадни ифодалаш.
4. Изланаётган натижанинг мумкин бўлган муқобил ҳолатларини аниқлаш.
5. Кутилаётган, мумкин бўлган натижани фикран тасаввур этиш ва лойиҳалаштириш.
6. Натижага эришишга йўналтирилган кадам ва ҳаракатлар режасини лойиҳалаштириш.
7. Ҳаракатлар режасини амалга ошириш, уни дастлабки баҳоланиши ва аниқликлар киритиш.
8. Эришилган мақсаднинг натижавий таҳлили.
9. Тадқиқ этишнинг кейинги йўналишларини аниқлаш.

ЭАТРлар компетентлигини шакллантириш воситаси сифатида мазкур кетма-кетликдан фойдаланиш биринчи босқич учун ўринли бўлиши мумкин. Ушбу босқичда мос мотивацион-қадриятли компонентни шакллантиришдан асосий мақсад – ўқитувчининг касбий фаолиятига ЭАТРни татбиқ этишдир. Ўқувчиларда янги ўқув фаолият кўринишларини татбиқ этиш зарурати, уни шакллантириш учун ишлаб чиқилган ва таклиф этаётган алгоритм аниқлайди:

1. Офф-лайн ресурслари, уларнинг интерфейслари ва дидактик имкониятлари билан танишиш натижасида ўқитувчи ЭАТРлар ҳамда уларнинг дидактик имкониятлари ҳақида тасаввурга эга бўлади.
2. ЭАТРларни ўзлаштириш: малака ошириш курсларида, ЭАТРлар муаллифлари ёки ЭАТРлардан фойдаланаётган ўқитувчилар томонидан ташкил этиладиган тадбирларда (мастер-класслар, очик дарслари, семинарлар ва бошқаларда) иштирок этиш; ўқитувчилар порталларида тайёр ЭАТРлар ва улардан фойдаланиш методикалари билан танишиш; баъзи-бир ЭАТРларни мустақил равишда ўзлаштириш (масалан, “Электрон дарслар ва тестлар”, “Атрофимиздаги олам”, “Табиатшунослик” ва бошқалар). ЭАТРлар воситасида АКТ компетентликни шакллантириш учун уларнинг интерфейс элементлари олдинги ўринга чиқади (тест ўтказиш элементлари ва бошқалар).
3. Натижани лойиҳалаштириш – “У ёки бу ЭАТРдан фойдаланиб нимага эришиш мумкин?” саволига жавоб излаш.
4. Юқорида қайд этилган ЭАТР воситаларидан фойдаланиб дарсларни ишлаб чиқиш.
5. Баъзи машғулотларда ЭАТРлардан фойдаланиш.
6. Олинган натижани кўйилган мақсад билан солиштириш – “Ўйлаган янги фаолият кўринишларига ўқувчиларни қизиқтириб, жалб эта олдимми?” саволига жавоб излаш.
7. Рефлексия. 6-пунктдаги саволга ижобий жавоб бўлганида – бошқа ЭАТРларни ўзлаштириш, салбий жавоб бўлганида – 4-ва 5- пунктларга мос равишда кадамларга аниқликлар киритиш.

бунда A, B, C, D, E пүтин санлар. Тастыйыклаў дәлилленди.

2-мысал. $n \in N$ болғанда $(4^n + 15n - 1)$:9 болатуғынын дәлиллен.

Шешіү. Берилген аңлатпаны (3) формуладан пайдаланып төмендегише түрлендиремиз:

$$4^n + 15n - 1 = (3 + 1)^n + 15n - 1 = (9A + 3n + 1) + 15n - 1 = 9A + 18n$$

бунда A пүтин сан. демек берилген аңлатпа 9 ға бөлинеди. Тастыйыклаў дәлилленди.

3-мысал. n қәлеген он сан болғанда $(2^{5n+3} + 5^n \cdot 3^{n+2})$:17 болатуғынын дәлиллен.

Шешіү. Берилген аңлатпаны (1) формуладан пайдаланып төмендегише түрлендиремиз:

$$2^{5n+3} + 5^n \cdot 3^{n+2} = 8 \cdot 32^n + 9 \cdot 15^n = 8 \cdot (17 + 15)^n + 9 \cdot 15^n = 8 \cdot (17A + 15^n) + 9 \cdot 15^n = 8 \cdot 17A + 17 \cdot 15^n = 17B$$

бунда A, B пүтин санлар. Демек, n қәлеген пүтин сан болғанда $2^{5n+3} + 5^n \cdot 3^{n+2}$ аңлатпасы 17 ге бөлинеди.

4-мысал. $n \in N$ болғанда $(3^{2n+3} + 40n - 27)$:64 болатуғынын дәлиллен.

Шешіү. Берилген аңлатпаны төмендегише түрлендиремиз:

$$3^{2n+3} + 40n - 27 = 27 \cdot 9^n + 40n - 27 = 27 \cdot (8 + 1)^n + 40n - 27 = 27 \cdot (64A + 8n + 1) + 40n - 27 = 27 \cdot 64A + 27 \cdot 8n + 27 + 40n - 27 = 27 \cdot 64A + 256n$$

бунда A пүтин сан. демек берилген аңлатпа 64 ке бөлинеди. Тастыйыклаў дәлилленди.

5-мысал. $n \in N$ болғанда $((5^n(5^n + 1) - 6^n(3^n + 2^n)))$:91 болатуғынын дәлиллен.

Шешіү. Берилген аңлатпаны n ниң қәлеген натурал мәнисинде бир ўақытта 7 ге хәм 13 ке бөлінетуғынын көрсетемиз. Буннан 7 хәм 13 әпиўайы санлар хәм $7 \cdot 13 = 91$ болғанлықтан n ниң қәлеген натурал мәнисинде берилген аңлатпаның 91 ге бөлінетуғыны келип шығады.

Берилген аңлатпаны төмендегише жазамыз:

$$5^n(5^n + 1) - 6^n(3^n + 2^n) = 25^n + 5^n - 18^n - 12^n$$

Бул аңлатпаның алдын 7 ге бөлинетуғынын, кейин 13 ке бөлинетуғынын дәлиллеймиз:

$$25^n + 5^n - 18^n - 12^n = (7+18)^n + 5^n - 18^n - (7+5)^n = (7A+18^n) + 5^n - 18^n - (7B+5)^n = 7A+18^n + 5^n - 18^n - 7B-5^n = 7A-7B$$

бунда A, B пүтин санлар.

$$25^n + 5^n - 18^n - 12^n = (13+12)^n + 5^n - (13+5)^n - 12^n = (13C+12^n) + 5^n - (13D+5^n) - 12^n = 13C-13D$$

Демек, берилген аңлатпа бир ўақытта 7 ге хэм 13 ке бөлинеди, олай болса бул аңлатпа $7 \cdot 13 = 91$ геде бөлинеди.

Әдебиятлар:

1. В.Н. Литвиненко, А.Г. Мордкович, «Практикум по элементарной математике», М.: Просвещение, 1991.- 352 с.
2. Э.Э. Шувалова, Б.Г.Агафонов, Г.И. Богатырев. «Повторим математику», Издательство «Высшая школа» Москва, 1969, 465 с.
3. В.В. Вавилов, И.И. Мельников, С.Н. Олехник, П.И.Посиченко. «Задачи по математике» Издательство «Наука» 1987, 432 с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада сонларнинг бўлиниш белгиларига оид мисоларни Ньютон биноми формуласидан фойдаланиб исботлашга бир неча мисоллар кўрсатилган.

РЕЗЮМЕ

В статье приведены методы доказательства делимости чисел с применением формулы биннома Ньютона.

SUMMARY

The methods of proving the divisibility of numbers using the Newton binomial expansion are given in the article.

GEOMETRIYA PA'NINEN IS TA'JIRIYBE

O'razbaeva Sh.

Taxiatash rayoni 1-sanli mektep o'qitwshisi'

Таянч сўзлар: геометрия, тажриба, дарс ишланмаси, синус теоремаси, дарс, диалог, дарсни ташкил этиш.

Ключевые слова: геометрия, эксперимент, теория урока, синусная теорема, урок, диалог, организация урока.

Key words: geometry, experiment, lesson theory, sine theorem, lesson, dialogue, lesson organization.

Klass: 9

Pa'n: geometriya

Tema: Sinuslar teoremasi'.

Sabaqti'n' maqsetleri:

Bilim beriwshi: Oqi'wshi'lar sinus teoremasi' oni'n' qa'siyetleri' haqqi'nda uluwma tu'siniklerdi o'zlestiredi;

Ta'rbiyalawshi': Oqi'wshi'lar toparlarda birge islesiwde o'zgeler pikirin hu'rmet yetiwidin' ha'm sheshim qabi'l yete ali'wdin' a'hmiyetin tu'sinedi;

Rawajlandi'ri'wshi': Oqi'wshi'larda o'zbetinshe ma'seleler ha'm yesaplardi'

sheshiwde sinus teoremasi'n qa'siyetlerin qollana ali'w ko'nlipeleri ha'm uqi'pli'li'qlari rawajlanadi';

Paydalanilgan kompetensiya: kommunikativ kompetensiya, o'zin ozi rauajlandirushi kompetensiya milliy umummadeniy kompetensiya

Sabaqtin' tu'ri: aralas

Sabaqtin' metodi: Kishi toparlarda jumis islew, dialogliq usi'l.

Sabaqtin' qurallandiriw: sabaqliq, sizg'sh, por, sizilma sizilg'an plakat,slaydlar ,baha qoyilg'an belgiler h.t.b.

Sabaqtin' barisi:

Sabaqtin' barisin rejelestiriw:	Waqit
Sho'lkemlestiriw :	2-3 minut
U'y tapsirmasin soraw:	9-10 minut
Taza temani' tu'sindiriw:	10 minut
Taza temani' bekkemlew:	10 minut
Juwmaqlaw	5 minut
Bahalaw	3 minut
U'yge tapsi'rma beriw	2 minut

1. Sho'lkemlestiriw

Sa'lemlesiw, klassti'n tazali'g'I'na itibar beriw, oqi'wshi'lardi'n' sabaqqa qatnasi'n barlaw, oqi'wshi'lardi' geometriyali'q figuralar ja'rdeminde toparlarg'a bo'linedi.

2. U'y tapsirmasi'n soraw. Bo'lingen ha'r topardan bir oqi'wshi'dan u'y tapsi'rmasi'n soray.

3. Taza tema: Sinuslar teoremasi. (slayd 4,5)

Teorema (Sinuslar teoremasi). U'shmu'yeshliktin' ta'repleri qarsi'si'ndag'i mu'yeshlerdin' sinuslari'na proporcional

$$\Delta ABC, AB=c, BC=a, CA=b \implies \frac{a}{\sin A} = \frac{b}{\sin B} = \frac{c}{\sin C}$$


Teorema (Sinuslar teoremasi').

U'shmu'yeshlikti'n' ta'repleri qarsi'si'ndag'I' mu'yeshlerdi'n' sinuslari'na proporcional

$$\Delta ABC, AB=c, BC=a, CA=b$$

$$\frac{a}{\sin A} = \frac{b}{\sin B} = \frac{c}{\sin C}$$

Da'llilew: U'shmu'yeshlikin' maydani'n mu'yeshiti'n' sinusi'c arqali' tabi'w formulasi' boyinsha



$$aS = \frac{1}{2}ab\sin C, \quad S = \frac{1}{2}bc\sin A, \quad S = \frac{1}{2}ac\sin B.$$

Bul ten'liklerdin' birinshi ekewi boyi'nsha

$$\frac{1}{2}ab\sin C = \frac{1}{2}bc\sin A, \quad \text{demek} \quad \frac{a}{\sin A} = \frac{c}{\sin C}$$

Sonday-aq, tenliklerinin' birinshi ha'm u'shinshisinen $\frac{c}{\sin C} = \frac{b}{\sin B}$ Ten'ligin payda

yetemiz. Solay yetip, $\frac{a}{\sin A} = \frac{b}{\sin B} = \frac{c}{\sin C}$

Teorema da'llilendi.

1-ma'sele. ABC u'shmu'yeshliginde $AB=14\text{dm}$, $\angle A=30^\circ$, $\angle C=65^\circ$. BC ta'repin tabin'.

Sheshiliwi :Sinuslar teoremasi' boyi'nsha $\frac{AB}{\sin C} = \frac{BC}{\sin A}$. Onan

$$BC = \frac{AB \cdot \sin A}{\sin C} = \frac{14 \cdot \sin 30^\circ}{\sin 65^\circ} \approx 7,78 \text{ (dm)}.$$

Taza temani' bekkemlew :

Kim shaqqan?

Shinig'iw sha'rti : Qaysi' topardin' oqi'wshi'si' tez ha'm duri's shig'arg'an oqi'wshi'g'a bes balli'n qoyaman.



Eger ABC u'shmuyeshlig'inde:

a) $\sin A = 0,4$; $BC = 6\text{sm}$ ha'm $AB = 5\text{sm}$ bolsa , $\sin C$ ni

b) $\sin B = \frac{3}{5}$; $AC = 8\text{ dm}$ ha'm $BC = 7\text{ dm}$ bolsa, $\sin A$ ni

c) $\sin C = \frac{4}{7}$; $AB = 6\text{m}$ ha'm $AC = 8\text{ m}$ bolsa, $\sin B$ ni tabin'.

d) $\sin A = 0,6$; $BC = 4\text{sm}$ ha'm $AB = 7\text{sm}$ bolsa $\sin A$ ni tabi'n.

Testler:

1. $\cos 60^\circ$ nege ten'?

A) 1 B) $\frac{\sqrt{2}}{2}$ D) $\frac{\sqrt{3}}{2}$ E) $\frac{1}{2}$

2. $\sin \alpha = \frac{1}{2}$ bolg'an α suyir muyeshin ko'rsetin'

A) 30° B) 45° D) 90° E) 60°

3. $\cos \alpha = \frac{1}{2}$ bolsa, α suyir muyeshin ko'rsetin'

A) 30° B) 45° D) 90° E) 60°

4. $\text{tg } \alpha = 1$ bolsa , α suyir muyeshin ko'rsetin'

A) 30° B) 45° D) 90° E) 60°

5. $\sin 60^\circ$ titabi'n'

A) $\sqrt{3}$ B) 1 D) $\sqrt{2}$ E) $\frac{\sqrt{2}}{2}$

Testler :

1. $\cos 60^\circ$ nege ten'?

A) 1 B) $\frac{\sqrt{2}}{2}$ D) $\frac{\sqrt{3}}{2}$ E) $\frac{1}{2}$

2. $\sin \alpha = \frac{1}{2}$ bolg'an α suyir muyeshin ko'rsetin'

A) 30° B) 45° D) 90° E) 60°

3. $\cos \alpha = \frac{1}{2}$ bolsa, α suyir muyeshin ko'rsetin'

A) 30° B) 45° D) 90° E) 60°

4. $\text{tg } \alpha = 1$ bolsa , α suyir muyeshin ko'rsetin'

A) 30° B) 45° D) 90° E) 60°

5. $\sin 60^\circ$ ti' tabin'

A) $\sqrt{3}$ B) 1 D) $\sqrt{2}$ E) $\frac{\sqrt{2}}{2}$

Qarap turib aljasma shi'ni'g'i'wi'.

Shinig'iw sha'rti: Jazi'lg'an formula qali'p qoyi'lg'an elementi tawi'p jazi'n

$$\sin(90^\circ - \alpha) = \cos \alpha \quad \cos(-\alpha) = \sin \alpha$$

$$\sin^2 \alpha + \frac{1}{\cos^2 \alpha} = 1$$

$$1 + \frac{1}{\cos^2 \alpha} = 1$$

$$\frac{1}{\cos^2 \alpha} = 1 - 1$$

$$\frac{1}{\cos^2 \alpha} = 0$$

$$1 + \frac{1}{\cos^2 \alpha} = 0$$

Juwmaqlaw ushi'n sorawlar:

1. Bu'gingi sabaqtan nelerdi bilip aldi'n'i'z?
2. Sinuslar teorema degenimiz ne?
3. Mu'yeshitin' sinusi' arqali' u'shmu'yeshliktin' maydani' qalaytabi'ladi'?
4. U'shmu'yeshliktin' maydani'n' sinuslar teoremasi' boyi'nsha qalay tabami'z?
5. Shini'g'i'widi' toparlarda ori'nlaw bari'si'nda bir-birinin' pikirlerin hu'rmet etiw sezildi me?
6. O'zgelerg pikirlerin hu'rmet etiw sizge keleshekte ne beredi?

Oqi'i'wshi'lardi'n' bilim bahalaw: Sabaq processinde toparlardi'n' toplag'an kartoshkalarl' esaplani'p bahalanadi'. Alg'an ballari' oqi'wshilarg'a esittiriledi.

5-ball



4-ball



3-ball



U'yge tapsirma. U'yge 5- ma'seleni ori'nlap keliw beriledi.

A'debiyatlar :

1.B. Haydarov , E.Sarikov, A. Qoshanov. Geometriya. 9 klass. «Ozbekstan milliy ensklapediyasi» Ma'mleketlik ilimiy baspasi'. Tashkent -2014

2.Sayt :www. 1septenber.ru Дидактические игры на уроках математики.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада геометрия фанидан янги педагогик технологиялар асосида дарс ишлан-маси берилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье дано разработка урока по геометрии на основе новой педагогической технологии.

SUMMARY

In this article, the development of a lesson in geometry on the basis of a new pedagogical technology is given.

(X-A) (X-B) (X-C) (X-D)=A ТҮРИНДЕГИ ТЕНДЕМЕЛЕР ШЕШИҮ

Джумабаев Н.

Әжинияз атындагы НМПИ доценти, п. и. к.

Нукусбаев Б.

Әжинияз атындагы НМПИ талабасы

Таянч сўзлар: Тенгламалар.

Ключевые слова: Уравнения.

Key words: Equations.

 $(x-a)(x-b)(x-c)(x-d) = A$ түріндеги теңдемелерди шешиўди карап өтейик:

Бундай түрдеги теңдемелерди шешиўдин еки усылы бар. Теңлемени шешиўдин

1-усылы. Берилген теңлемени шешиў ушын төмендеги шәртлер орынланыўы шәрт: $a < b < c < d$ хәм $b-a = d-c$. Егер бул келтирилген шәртлер орынланса берилген теңлемени шешиў төмендеги белгилеў аркалы ансат шешиледи:

$$y = \frac{1}{4}((x-a) + (x-b) + (x-c) + (x-d)) = x - \frac{a+b+c+d}{4}$$

1-мысал. $(x+4)(x+6)(x-6)(x-8) = 585$ теңлемесин шешиңШешиў. Берилген теңлеме ушын орынланыўы тийис болған шәртлерди тексеремиз: бунда $a = -4$, $b = -6$, $c = 6$, $d = 8$. Олай болса, $-4 < -6 < 6 < 8$, $-4 - (-6) = 8 - 6$ шәртлер орынлы. Жаңадан белгилеў киргиземиз:

$$y = \frac{1}{4}((x+4) + (x+6) + (x-6) + (x-8)) = x - 1$$

буннан $x = y + 1$ болады. Бул анлапаны берилген теңлемеге қоямыз:

$$(y+5)(y+7)(y-5)(y-7) = 585$$

$$(y^2 - 25)(y^2 - 49) = 585$$

$$y^4 - 74y^2 + 1225 = 585$$

$$y^4 - 2 \cdot 37y^2 + 1369 - 144 = 585$$

$$(y^2 - 37)^2 = 729$$

$$y^2 - 37 = \pm\sqrt{729} = \pm 27$$

$$1). y^2 - 37 = 27 \Leftrightarrow y^2 = 64 \Leftrightarrow \begin{cases} y_1 = -8 \\ y_2 = 8 \end{cases}$$

$$2). y^2 - 37 = -27 \Leftrightarrow y^2 = 10 \Leftrightarrow \begin{cases} y_3 = -\sqrt{10} \\ y_4 = \sqrt{10} \end{cases}$$

Бул табылған мәнислерди белгилеген жерге қойып x тың мәнислерин табамыз: $x_1 = -7$, $x_2 = 7$, $x_3 = 1 - \sqrt{10}$, $x_4 = 1 + \sqrt{10}$.**2-усыл.** Берилген теңлемени төмендеги түрде жазамыз:

$$(x+4)(x-6)(x+6)(x-8) = 585$$

$$(x^2 - 2x - 24)(x^2 - 2x - 48) = 585$$

бул теңлемеден $x^2 - 2x - 24 = y$ деп белгилеймиз хәм оны шешемиз:

$$y(y - 24) = 585 \Leftrightarrow y^2 - 24y - 585 = 0 \Leftrightarrow \begin{cases} y_1 = -15 \\ y_2 = 39 \end{cases}$$

Бул табылган мәнислерди белгилеген жерге коямыз:

$$\begin{aligned} 1). x^2 - 2x - 24 = y_1 &\Rightarrow x^2 - 2x - 24 = -15 \Leftrightarrow x^2 - 2x - 9 = 0 \Leftrightarrow \begin{cases} x_1 = 1 - \sqrt{10} \\ x_2 = 1 + \sqrt{10} \end{cases} \\ 2). x^2 - 2x - 24 = y_2 &\Rightarrow x^2 - 2x - 24 = 39 \Leftrightarrow x^2 - 2x - 63 = 0 \Leftrightarrow \begin{cases} x_3 = -7 \\ x_4 = 9 \end{cases} \end{aligned}$$

Жууабы. $\{-7, -\sqrt{10}, 7, \sqrt{10}\}$

2-мысал. $(12x - 1)(6x - 1)(4x - 1)(3x - 1) = 5$ теңлемесин шешин Шеший. Берилген теңлемени төмөндөгиче жазамыз:

$$\left(x - \frac{1}{12}\right)\left(x - \frac{1}{6}\right)\left(x - \frac{1}{4}\right)\left(x - \frac{1}{3}\right) = \frac{1}{3 \cdot 4 \cdot 6 \cdot 12}$$

Теңleme ушын орынланыуы тийис болган шартлерди тексеремиз:

$$\frac{1}{12} < \frac{1}{6} < \frac{1}{4} < \frac{1}{3} \quad \text{хэм} \quad \frac{1}{6} - \frac{1}{12} = \frac{1}{3} - \frac{1}{4}$$

шартлер орынлы болганлыктан жаңадан белгилеу киргиземиз:

$$y = \frac{1}{4} \left(\left(x - \frac{1}{12}\right) + \left(x - \frac{1}{6}\right) + \left(x - \frac{1}{4}\right) + \left(x - \frac{1}{3}\right) \right) = x - \frac{5}{24}$$

буннан $x = y + \frac{5}{24}$. Бул мәнисти берилген теңлемеге коямыз:

$$\begin{aligned} \left(y + \frac{3}{24}\right)\left(y + \frac{1}{24}\right)\left(y - \frac{1}{24}\right)\left(y - \frac{3}{24}\right) &= \frac{5}{3 \cdot 4 \cdot 6 \cdot 12} \\ \left(y^2 - \left(\frac{1}{24}\right)^2\right)\left(y^2 - \left(\frac{3}{24}\right)^2\right) &= \frac{5}{3 \cdot 4 \cdot 6 \cdot 12} \\ y^4 - \frac{10}{24^2}y^2 + \left(\frac{5}{24^2}\right)^2 - \left(\frac{5}{24^2}\right)^2 + \left(\frac{3}{24^2}\right)^2 &= \frac{5}{3 \cdot 4 \cdot 6 \cdot 12} \\ \left(y^2 - \frac{5}{24^2}\right)^2 - \frac{16}{(24^2)^2} &= \frac{5}{3 \cdot 4 \cdot 6 \cdot 12} \\ \left(y^2 - \frac{5}{24^2}\right)^2 &= \frac{16}{(24^2)^2} + \frac{5 \cdot 4 \cdot 24 \cdot 4}{(24^2)^2} \\ \left(y^2 - \frac{5}{24^2}\right)^2 &= \frac{16}{(24^2)^2} + \frac{1920}{(24^2)^2} \\ \left(y^2 - \frac{5}{24^2}\right)^2 &= \frac{1936}{(24^2)^2} \end{aligned}$$

$$y^2 - \frac{5}{24^2} = \frac{44}{24^2} \Leftrightarrow y^2 = \frac{49}{24^2} \Leftrightarrow y = \pm \frac{7}{24}$$

Берилген тенглеменинг кореньлерин табамыз:

$$1). y_1 = -\frac{7}{24} \Rightarrow x_1 = -\frac{7}{24} + \frac{5}{24} = -\frac{1}{12}$$

$$2). y_2 = \frac{7}{24} \Rightarrow x_1 = \frac{7}{24} + \frac{5}{24} = \frac{1}{2}$$

Жуўабы. $\left\{ -\frac{1}{2}, \frac{1}{2} \right\}$.

3-мысал. $(x-4)(x-5)(x-6)(x-7) = 1680$ тенглемесин шешин Шешийў. Берилген тенглемени төмендегише жазамыз:

Әдебиятлар:

1. В.Н. Литвиненко, А.Г. Мордкович, «Практикум по элементарной математике», М.: Просвещение, 1991.- 352 с.
2. Э.Э. Шувалова, Б.Г.Агафонов, Г.И. Богатырев. «Повторим математику», Издательство «Высшая школа» Москва, 1969, 465 с.
3. В.В. Вавилов, И.И. Мельников, С.Н. Олехник, П.И.Посиченко. «Задачи по математике» Издательство «Наука» 1987, 432 с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада $(x-a)(x-b)(x-c)(x-d) = A$ кўринишдаги тенгламаларни ечиш усуллари бир неча мисоллар орқали ечиб кўрсатилган.

РЕЗЮМЕ

В статье приведены примеры методов решения уравнений типа $(x-a)(x-b)(x-c)(x-d) = A$.

SUMMARY

In the article the methods of solving equations of $(x-a)(x-b)(x-c)(x-d) = A$ type are given.

ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, РАДИОТЕХНИКА ВА ЭЛЕКТРОНИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Орынбетов Н.

НДПИ. Мехнат таълими кафедраси катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: ахборот технологиялари, виртуал стендлар, ахборот-коммуникация технологиялари, электрон маълумотлар базаси, эксперт тизимлари, электрон кутубхона, видеоконференция, телеконференция, анимация, виртуал лаборатория, электрон почта, мультимедияли дарслик, электрон доска.

Ключевые слова: информационные технологии, виртуальные стенды, информационные и коммуникационные технологии, электронные базы данных, экспертные системы, электронная библиотека, видеоконференция, телеконференция, анимация, виртуальная лаборатория, электронная почта, мультимедийный учебник, электронная доска.

Key words: information technologies, virtual posters, information and communication technologies, electronic databases, expert systems, electronic library, videoconference, teleconference, animation, virtual laboratory, e-mail, multimedia textbook, electronic board.

Электротехника, радиотехника ва электроника фанини ўқитишда замонавий ахборот технологияларидан асосан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- талабаларда фанини ўрганиш ва мустақил таълим олишда компьютерлардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш;
- виртуал стендлар асосида мураккаб лаборатория ишларини бажариш методикасини ўргатиш;
- электротехник жараёнларни моделлаштириш;
- ахборот-ўлчов техникасидан фойдаланишда кўникма ҳосил қилиш;
- ахборот, уни сақлаш, узатиш методлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш.

Шу ўринда ахборот ва янги педагогик технологияларга тегишли тушунчаларга тўхталиб ўтиш ўринлидир.

Ахборот технологияси - объект, жараён ёки ходисанинг ҳолати ҳақида янги сифат ахбороти олиш учун маълумотлар йиғиш, ишлов бериш ва узатишнинг восита ва услубларининг жамланмасидан фойдаланадиган жараёндир.

Телекоммуникация-компьютер тармоқлари ва замонавий техника алоқа воситалари негизда маълумотларни масофадан узатишдир.

Замонавий ахборот технологияси компьютер техникаси ва алоқа воситалари соҳасидаги ютуқларга таянади. Ҳозирда компьютер техникаси ва ахборот технологияларининг жадал ривожланиши турли хил ахборотдан самарали фойдаланишга қаратилган ахборот жамиятининг ривожланишига тўртки бўлди. Ахборот жамиятида кўпчилик ишловчилар ахборот, унинг олий шакли бўлмиш билимларни ишлаб чиқиш, сақлаш, ишлов бериш ва амалга ошириш билан банд буладилар. Ахборот жамиятида компьютерлаштириш жараёни одамларга ишончли ахборот манбааларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ахборотга ишлов беришни автоматлаштиришнинг юқори даражасини таъминлашга имкон беради.

Таълим тизимида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) турлари: Уларга

- электрон маълумотлар базаси;
- эксперт тизимлари;
- электрон кутубхона;
- видеосалоқа;
- телеконференция;
- адаптив таълим тизимлари;
- интернет технологиялари қиради.

Ҳозирги замон педагогининг АКТ ни ўзлаштириши ва ўзлаштиришга қаратилган замонавий ёндашуви деганда қуйида келтирилган замон талабини ташкил этувчи асосий таянч иборалар билан яқиндан танишиш ва улар билан ўз педагогик илмий ишларини боғлаш тушунилади:

Анимация — динамик ва овозли жараёнларни ифодалашга имконият берадиган график ахборотларни ташкил этиш усули.

Билимлар омбори – бирор предмет соҳасига оид бўлиб, ўзида объектларнинг хоссалари, жараён ва ходисаларнинг қонуниятлари ҳақида маълумотларга ва сўралган вазиятларда ушбу маълумотларни қарорлар қабул қилиш учун фойдаланиш қондаларига эга бўлган ҳолда ташкил этилган билимлар йиғиндиси.

Видеоанжуман – узоклаштирилган фойдаланувчи гуруҳлари орасида (рақамли видео ёзув ёки оқимли видео кўринишида маълумотларни алмашиш) йиғилиш ва мунозаралар ўтказиш жараёни.

Виртуал лаборатория – ўрганилаётган ҳақиқий объектларда бўлаётган

жараёнларни имитация қиладиган масофали (узоклаштирилган) киришга эга бўлган аппарат дастурий мажмуа.

Виртуал синф – ўқитиш тизимидан фойдаланиб, турли хона ёки бинолардаги ўқувчилар гуруҳи билан ўтказиладиган дарс (машғулот).

Виртуал университет (ВУ) – одатда анъанавий ўқув юртининг атрибутлари (бинолари, синфлари, лабораториялари, ётоқхоналари) га эга бўлмаган таълим тузилмаси бўлиб, унда турли бўғинлар (деканат, кафедра ва ҳақозо) географик нуқтаи назардан ажратилган, лекин Интернет глобал тармоғи ёки бошқа компьютер тармоғи орқали фаол ва унумли алоқада бўладилар. Бундай ўқув юртининг тузилиши, одатда, марказий ваколатхона, минтақавий ва худудий ваколатхоналардан ташкил топади.

Гиперматн – ассоциатив боғланган блоklar кўринишида тақдим этилган (бошқа матнли хужжатларга йўл кўрсатувчи) матн.

Интеллектуал тизим – билимлар интеллектуал тизимнинг хотирасида сақланиб, аниқ фан соҳасига тегишли ижодий масалаларни еча оладиган техник ва дастурли тизим.

Интранет (Intranet) – Интернетнинг кўпгина функционал имкониятларига эга бўлган ташкилот ёки корпорациянинг ички тармоғи. Интранет Интернетга уланган бўлиши ҳам мумкин.

Интернет– минглаб маҳаллий ва минтақавий компьютер тармоқларини бир бутун қилиб бирлаштирувчи бутун дунё компьютер тармоғи.

Форум (ингл. www-conference) — сайтда мулоқат қилиш асбоблари. Форумдаги ахборотлар қайсидир томонидан почтага ухшайди уларнинг ҳар бири муаллиф, мавзу ва ўзининг мазмунига эгалар. Лекин форумга маълумот жўнатиш учун ҳеч қандай қушимча дастур зарур эмас фақат сайтда мос шаклни тўлатиш керак.

Электрон почта–фойдаланувчиларга қоғозли ташувчиларни фойдаланмасдан маълумотлар ёки хужжатлар билан алмашиши имкониятини берадиган тармоқли хизмат.

Чат (ингл. to chat-вайсаш, суҳбат) — гап ҳақиқий вақтда олиб бориладиган интернетдаги мулоқат.

Мультимедиа–ахборотни (матн, расм, анимация, аудио, видео) тасвирлашнинг кўп каналлик усули.

Мультимедияли дарсликлар–мультимедиа муҳит ёрдамида тасвирий материалларни юқори тартибли динамикаси билан CD дисклардаги дарсликлар. Мазмуни, одатда, табиий маърузалар, тасвирланган айтиб беришлар, малакали диктор томонидан касбий овоз берилган ва кинематографик йиғиш қонуниятларини сақлаган ҳолда бирлаштирилган бўлади.

On-line машғулот – барча қатнашувчи (талабалар ва ўқитувчи) лар Интернет орқали ахборот алмашиши йўли билан ўзаро алоқа қиладиган ўқув машғулот кўриниши. У ўз ичига онлайн муҳокама (форумлар, чатлар ва электрон почта орқали), шахсий ва гуруҳий вазибалар бажариш, маърузалар тайёрлаш ва тестлар топширишларни олади.

On-line ўқиш — Интернет технологияларига асосланган таълим муҳитидан фойдаланиб ўқув материалларини мустақил ўрганиш ва сертификат олиш жараёнини ташкил этиш усули.

Очиқ таълим – асосини ўқитишнинг виртуал муҳити (ЎВМ) ташкил этиб, ўқувчиларга мақсадли йўналтирилган, назоратли, жадал, унга ўқиш маъқул ерда ва қабул қилиш даражасида, ўзининг турар жойида мустақил ижодий ишини таъминлайдиган умр бўйи ўқиш имкониятига эга бўлган масофали таълимнинг ривожланган шакли.

Очиқ таълим тамойиллари – танловсиз ўқишга кириш, ўқиш жойи, даражаси ва

йўлини танлаш эркинлигини, умр бўйи таълим, ўқувчига билимларни етказиш, шахсининг ижодий салоҳиятини ривожлантиришларни таъминлайдиган имкониятлар.

Очиқ таълим тизими (ОТТ) – очик таълимнинг жараёни ва тамойилларини амалга ошириш учун мўлжалланган очик тизим бўлиб, бошқа мураккаброқ тизимнинг компонентаси сифатида қатнашиши мумкин ва бу ўз навбатида бошқа даражадаги тизимнинг компонентаси бўлиши мумкин.

Очиқ тизим - янги технологияни доимий адаптация қилишга йўналтирилган ва фойдаланувчига: кенгаювчанлик, мобиллилик, интероперабеллик, дўстоналикни таъминлаш учун етарли бўлган очик, жараён томонидан қўллаб қувватланадиган интерфейслар, хизматлар ва маълумотлар форматларига умум кириш имкониятига эга бўлган хусусиятли тизим.

Педагогик ахборот технологиялари – компьютер ва тармоқ технологияси ва дидактик воситаларни фойдаланишга асосланган таълим.

Электрон дарслик - бир ёки бир неча муаллифлар жамоаси томонидан ишлаб чиқилган ва электрон ташувчига машина формати (WORD, HTML ва хоказолар) да ўрнатилган дарслик.

Электрон кутубхона - аниқ нашрни тезликда излаш ва унга киришга мўлжалланган электрон ташувчилардаги ўқув адабиётларнинг сақловчиси.

Электрон почта - қоғоздан фойдаланмасдан ЎВМ ўқитувчилари орасида матн, нутқ, тасвир ёки хужжатларни узатувчи восита.

Электрон ўқув қўлланма – дарсликни қисман ёки тўла алмаштира оладиган ва ушбу кўринишдаги нашр сифатида расман тасдиқланган электрон дарслик.

Электрон педагогика - замонавий АКТ муҳитида таълимни ташкиллаштиришга бағишланган фан. Унинг объекти-электрон таълим ҳисобланади, предмети эса - замонавий АКТ муҳитида ташкиллаштирилган педагогик тизим.

E-learning (Elektronic Learning) – электрон ўқитиш (ёки Интернет ўқитиш). E-learning – Интернет тармоғи ёки корпоратив интернет тармоғи орқали компьютер ўқув дастурлари (courseware) га киришни таъминлаш. E-learning нинг синоними WBT (Web-based Training) атамасидан иборат бўлиб, веб орқали ўқитиш деган маънони англатади.

Замонавий ўқитувчи куйидаги ўқув воситаларидан фойдаланишни ва ўз дарсига тадбиқ этишни билиши зарур:

1. Электрон доскадан фойдаланишнинг методикаси.
2. Мультимедиади проектордан фойдаланишнинг методикаси.
3. Таълим жараёнида планшетлардан фойдаланиш.
4. Чат ва ундан таълим жараёнида фойдаланиш.
5. Форум ва ундан таълим жараёнида фойдаланиш.
6. Электрон почта ва ундан таълим жараёнида фойдаланиш.
7. Электрон тестлар яратиш дастурлари ва уларнинг технологияси.
8. Мультимедиади тақдимоғ яратиш технологияси.
9. Видеомаърузалар тайёрлаш ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш.
10. Виртуал лаборатория улардан таълим жараёнида фойдаланиш.

Ҳозирги вақтда шу нарса аниқки, таълим системасининг стратегик ривожланиш йўналиши - шахсга йўналтирилган таълим бериш муаммоларининг ечимини топиш яъни бу йўлда энг асосийси билим бериш фаолиятидир [1, 110-113].

Ўқитувчи билим бераётган талабаларида ривожланаётган камчиликларни ўз вақтида малакали фаолияти, оқилона ҳамда тўғри ёндошиши билан йўқотишга ёрдам бериши учун, у ўз талабаларига аниқ ташхис қўя олиши керак, яъни талабаларини

характерини иложи борича тўлароқ билиши шарт ва зарурдир. Бу ҳамда шунга ўхшаш вазифаларни бажариш анъанавий ўқитиш усулига нисбатан анча мураккаб бўлиб, у ўқитувчидан жуда юқори даражадаги малака ва маҳоратни талаб қилади.

Ҳозирги замонда илмий фикрлаш ва илмий техника прогресси кескин ва интенсив рўй бермоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда замонавий профессор – ўқитувчилар яъни мураббийлар замон билан ҳамнафас бўлишлари шарт ва зарурдир.

Компьютер технологияларининг таълим жараёнида қўлланилиши маъруза дарсларининг ҳам шаклини ўзгартиришни талаб этмоқда. Маърузачи чекланган ҳажмдаги вақт орлиғида белгиланган мавзу бўйича асосий тушунчаларни ўрганишга йўналтирувчи кўрсатма ва изоҳлар беради. Бундай шароитда ўқитиш сифати ва самарасини ошириш учун ўқув материални визуаллаштириш муҳим ўрин тутади. Анъанавий усулда маъруза дарсларида доска ва плакатлар каби воситалардан кўп фойдаланилган. Улар ҳам ўз вақтида етарли даражада самара бериб келган. Лекин плакатлар статистик характерга эга бўлиб уларга ўзгартириш киритиб бўлмаган. Доскага маълумотларни ёзиб-ўқитишга кўп вақт сарфланган. Ўз-ўзидан маълумки белгиланган материалларни талабалар эътиборига тўлиқ тақдим этиш имконияти чегараланган. Компьютерга уланган сонли видеопроекторларнинг қўлланилиши анъанавий ўқитиш усулидан ахборотларни электрон шаклда тасвирлаш имконига эга янги интеграллашган ўқитиш усулига ўтказди.

Маъруза ўқитувчиси доска ўрнига ахборотларни турлича кўринишларда тасвирловчи жуда катта имкониятга эга бўлган замонавий воситаларга эга бўлди. Бунда ўқитувчи ўқув материални тақдим этиш шакли ва кетма-кетлигини ўзи аниқлайди.

Ўқув материалнинг манбаи сифатида CD диск ва HTML ҳужжатлари хизмат қилади.

Талабалар берилаётган материалларнинг асосий қисминигина конспект қилиб, кўпроқ вақтини тинглашга ва саволлар беришга сарфлаш, ўқув материални мустақил ўрганишда адабиётлар қидиришга кўп вақт сарфламасдан, CD дискдаги тайёр ўқув материаллардан ўрганиши мумкин бўлади. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, мультимедиа маърузаларда ўқув материалнинг график, тасвир ва анимациялар билан кенг қамраб олинishi ўқитувчига мавзу бўйича кўпроқ ахборот бериш ва тушунтириш учун чегараланган вақтдан унумли фойдаланиш имконини беради. Тақдим этилаётган материалларнинг визуаллиги талабаларнинг эсда сақлаб қолиш даражасини ҳам оширади.

Таълим жараёнида мультимедиа воситалари ёрдамида дарсларнинг самарадорлигини ошириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидандир. Ҳозирда амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, мультимедиа воситалари ёрдамида ўқувчиларни ўқитиш икки баробар самарали бўлмоқда. Мазкур восита ёрдамида ўқитишда анъанавий таълим усулларига нисбатан ўртacha 30 фоизгача вақтни тежаш мумкин ҳамда олинган билимлар ўқувчилар хотирасида узоқ муддат сақланиб қолади.

Таълим соҳасида мультимедиа воситалари ёрдамида талабаларга билим бериш куйидаги афзалликларга эга:

- таълим жараёнида берилаётган материалларни чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштириш имкониятининг мавжудлиги;
- маълумотларни визуаллаштириш имконияти;
- дарс жараёнида билим олиш вақтининг қисқариши натижасида вақтни тежаш имкониятига эришуви.

Одагга амалий ва лаборатория машғулотларида ахборот технология воситаларинан кам фойдаланилади. Лекин ўқитиш технологиялари соҳаси тадқиқотлари шуни кўрсатмоқдаки, айнан ушбу ўқитиш шаклларида ўқитиш сифатини оширишнинг

захиралари яшириниб ётибди. Гап шундаки анъанавий ўқитиш усулларида гуруҳни фаол ишлашга жалб этиш ва уларнинг ўзлаштиришини назорат қилиш ҳамма вақт ҳам кўнгилдагидек бўлавермайди. Уқув материалининг электрон шаклда бўлиши, материални (матнли, графикли, овозли, анимацион) компьютер экранда кўриш, ўрганиш, ўзгартириш киритиш ва ёзиб олиб янада чуқурроқ ўрганишга имкон беради. Мавжуд локал тармоқ орқали топшириқларни кўпчилик (корпоратив) бўлиб ечиш ва ахборот алмашиш имкониятлари пайдо бўлади.

Олий таълим тизимида профессор-ўқитувчилар томонидан талабаларга ахборот коммуникация технологиялари ва педагогик технологиялар асосида дарс (машғулот) ўтишни ва бу ўрганилган материаллар асосида ўқитиш тизимининг барча бўғинларида дарс (машғулот)ларни ташкил қилиш ҳозирги куннинг энг долзарб масаласи ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. З.М.Ибрагимова педагог кадрларнинг акт ва хорижий тилларни ўзлаштиришида замонавий ёндашувлар. «Инновацион фан-таълим тизимини ривожлантиришнинг баркамол авлодни вояга етказишдаги роли ва аҳамияти» республика илмий-амалий конференция материаллари, ТДАУ, Т., 2014 йил

2. Ишмухамедов Р., Абдукадиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. -Т, Истеъдод, 2008.

РЕЗЮМЕ

Мақолада электротехника, радиотехника ва электроника фанини ўқитишда ахборот технологияларининг ўрни, таълим сифатини оширишдаги аҳамияти ҳамда унда қўлланиладиган тushunchалар тўғрисида маълумот берилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена роли и значению информационных технологий при обучении и повышении качества преподавания предмета электротехники, радиотехники и электроники, а также изложению её основных понятий.

SUMMARY

The article is devoted to the role and importance of information technology in teaching and improving the quality of teaching the subject of electrical engineering, radio engineering and electronics, as well as the presentation of its basic concepts.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА “ИНФОРМАТИКА” ФАНИ БЎЙИЧА ТАЛАБАЛАР ЭҒАЛЛАШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН УМУМКАСБИЙ ВА МАЛАКАВИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАР

Ильясова З. К.

НДПИ катта ўқитувчи

Таянч сўзлар: компетенция, билим, кўникма, малака, “Информатика” курси, талабалар, малакавий компетенциялар, умумкасбий компетенциялар.

Ключевые слова: компетенция, знания, навыки, квалификация, курс «Информатика», требования, квалификационные компетенции, профессиональные компетенции.

Key words: competence, knowledge, skills, qualifications, the course «Informatics», requirements, qualification competencies, professional competencies.

Замонавий ўқитувчи кадрларни тайёрлашда таълим-тарбиянинг асосий мақсадларидан бири бўлган информатиканинг фан сифатида ўзига хослиги, унинг замонавий фанлар тизимида тугтан ўрни ва аҳамиятидан, ҳозирги жамият ҳаётидаги

аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда Информатика таълими олдига кенг мақсад кўяди.

Куйида педагогик олий таълим муассасасининг бакалавриат йўналиши 5110700 – Информатика ўқитиш методикаси йўналишида ўқитиладиган “Информатика” ўқув фани таълими унинг мазмуни, мақсади, вазифалари ва талабалар ўзлаштирилиши лозим бўлган компетенциялар тўғрисида тўхталамиз.

5110700 – Информатика ўқитиш методикаси таълим йўналиши бўйича талаба куйидаги умумий малакавий компетенцияларга эга бўлиши лозим:

а) умумий малакавий компетенциялар:

- интеллектуал, маданий, ахлоқий, жисмоний ва касбий ўз-ўзини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўналишига кўра ва амалга ошира олиш;
- тарихий мерос ва маданий анъаналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ижтимоий ва маданий тафовутларни бағри кенглик билан қабул қила олиш;
- тарихий жараённинг ҳаракатлантирувчи кучлари ва қонуниятларини; тарихда зўравонликнинг роли, инсоннинг тарихий жараёндаги, жамиятнинг сиёсий тузилишидаги ўрнини тушуна билиш;
- дунёқараш, ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган фалсафий муаммоларни тушуниш ва уларнинг таҳлил қилиш;
- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиш;
- ахлоқий ва ҳуқуқий меъёр ҳамда мажбуриятларни ҳисобга олгани ҳолда мақсадга эришиш йўлида қатъиятни намоён қилиш;
- оғзаки ва ёзма ҳамда фикрлаш маданиятига асосли, аниқ баён қилиш қобилиятини эгаллаш;
- тўпланган тажрибани танқидий қайта англаш, зарур ҳолларда ўз касбий фаолият тури ва характерини ўзгартира олиш;
- ҳаётий фаолият хавфсизлиги шароитларини умумий баҳолай олиш, ишлаб чиқариш ходимлари ва аҳолини тасодифий ҳалокат, табиий офатлардан ва замонавий қурол воситаларини қўллаш оқибатларидан ҳимоя қилиш, уларнинг асоратларини бартараф қилиш бўйича чора-тадбирларни қўллаш олиш;
- касбий фаолиятда табиий фанларнинг асосий қонунларидан, математик анализ ва моделлаштириш, назарий ва экспериментал тадқиқот методларидан фойдалана олиш;
- замонавий ахборотлашган жамиятда ахборотнинг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш бу жараёнда юзага келадиган таҳдид ва хавфларни англай олиш, ахборот хавфсизлиги бўйича асосий талабларга риоя қилиш, жумладан давлат сирини сақлаш;
- ахборотни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий метод, усул ва воситаларини эгаллаш, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиш;
- глобал компьютер тармоқларида ахборот билан ишлай қобилиятига эга бўлиш;
- чет тиллардан бирини сўзлашув даражасидан паст бўлмаган даражада эгаллаш;
- ишлаб чиқариш ходимлари ва аҳолини тасодифий ҳалокат, табиий офатлардан ҳимоя қилишнинг асосий методларини эгаллаш;
- жисмоний тарбия ва саломатликни мустаҳкамлашнинг мустақил, методик жиҳатдан тўғри воситаларини эгаллаш, тўлақонли ижтимоий ва касбий фаолиятни таъминлаш учун жисмоний тайёргарликнинг зарур даражасига

эришишга тайёр бўлиш.

б) касбий компетенциялар, жумладан:

Умумкасбий компетенциялар:

- назарияни амалиётга татбиқ этиш бўйича: назарий информатика, ижтимоий ва иктисодий информатика, маълумотлар ва билимлар базаси, уларни бошқариш тизимлари, ахборот тизимлари ва технологиялари, алгоритмлаш ва дастурлаш тиллари, компьютер тармоқлари, ахборотни ҳимоялаш ва ахборот хавфсизлиги, компьютернинг замонавий техник ва дастурий таъминоти, компьютер графикаси ва дизайнларига оид билимларни эгаллаш, Информатиканинг долзарб масалаларини сеза олиш ва ўқувчиларга етказа олиш;
- метод ва технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш бўйича: анъанавий ва ноанъанавий методлар, илғор таълим технологияларни фан ва мавзуларни ўргатиш вақтида танлай олиш, ўз фанида метод ва технологияларни ижодий қўллай олиш, фактларни таҳлил қилиш, умумлаштириш ва шу асосда хулоса чиқара олиш;
- илмий-методик ишларни амалга ошириш бўйича: ҳар бир мавзунинг илмий-назарий, илмий-методик, психологик хусусиятларини ёрита олиш, ўқитишнинг илмий асосларини таҳлил қилиб бориш, методик бирлашмаларда умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мазмунида фаннинг ўрнини белгилай олиши ва унинг илмий муаммолари бўйича педагогик ўқишларда маърузалар ўқиш, мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида дифференциал таълимни йўлга қўя олиш, ўқув жараёни билан боғлиқ барча ҳужжатларни юрита олиш;
- маънавий-маърифий ишлар бўйича: ҳар бир ўқувчининг руҳий, ахлоқий ҳолатини билиш, яқка тартибда ўқувчилар билан ва гуруҳ билан ишлай олиш, маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиш, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини синдириш, диний экстремизмга қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва бошқариш бўйича: дарс типларини билиш ва уларни мақсадга мувофиқ ташкил этиш, ўқув режа ва фан дастури, тематик режани тайёрлай олиш, таълим муассасаси методик бирлашмаси ишини режалаштириш ва раҳбарлик қила олиш, дарс жадвалининг тузилиш тамойилларини билиш, таълим муассасасига раҳбарлик қилишни билиш керак.

Касбий маҳорат бўйича ўз билими ва кўникмасини эгаллаган лавозимида мустақил фаолият кўрсатиш талабларига ва касбий лаёқат талабларига жавоб бериши керак.

Информатика фанини ўқитишдан мақсад – ахборот назарияси, информатиканинг математик асослари, ахборот ва билим назариясининг асослари ва талабаларда ахборотлашган жамият ҳақида билимларни шакллантириш, ахборот маҳсулотлари ва ахборот хизмати бозори тузилишини кўрсата билиш, оммавий, бошқарув ва иктисодий характердаги масалаларни ечишда информатиканинг ўрни, ролини тушунтириш бўйича билим ва кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Информатика фанининг вазифаси:

- ахборот ва унинг турлари, тасвирлаш усуллари, ахборотли жараёнлар, хоссалари, ахборот ўлчови бирликлари ҳақидаги тасавурларини бойитиш;

- ахборотли моделлаштириш ва формаллаштириш ҳақида тушунча, компьютернинг дискретлилик характери, тўр ва графларда оптималлаш алгоритми ва унинг татбиқлари, информатиканинг математик асослари ҳақидаги тасавурларини кенгайтиришдан иборат.
- Замонавий ахборот технологиялари ҳақида умумий тушунчалар бериш ва улардан амалиётда фойдаланишни ўргатиш;
- ахборотлашган жамият, жамиятни ахборотлаштиришнинг муҳим хусусиятлари ва имкониятларини очиб бериш;
- кадрлар тайерлашда ахборий маданият шакллариини ўстириш масалалари. Таълимни ахборотлаштириш ҳақида тушинчалар бериш;
- ижтимоий информатика курсининг мақсад ва вазибалари тушинтириш;
- иқтисодий информатиканинг мақсад ва вазибалари, унинг фанлар билан алоқодорликдаги ривожланиши имкониятларини очиб бериш;
- ҳисоблаш техникасидан фойдаланишнинг ташкилий шалллари. Амалий дастурлар пакети. Амалий дастурлар пакетининг асосий турларидан фойдаланишни ўргатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар куйидалардир.

“Информатика” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- ахборот, унинг турлари ва кўринишлари, ахборотни тасвирлаш усуллари, узлуксиз ва дискрет ахборотлар, ахборотли жараёнлар: ахборотни сақлаш, узатиш, қабул қилиш ва унга ишлов бериш, ахборотнинг хоссалари, ахборот ўлчови бирликлари, компьютер ахборотга ишлов беришнинг универсал воситаси, ахборотли моделлаштириш ва формаллаштириш ҳақида тушунча, компьютернинг дискретлилик характери, тўр ва графларда оптималлаш алгоритми ва унинг татбиқлари, информатиканинг математик асослари, ахборот ва билим, ахборотлашган жамиятнинг ўзига хосликлари, жамиятни ахборотлаштириш масалалари; мамлакат иқтисодий ривожланишидаги янги ахборот-коммуникация технологиялар ва уларнинг аҳамияти; информатика ва ахборот технологияларининг ҳар бир инсон ҳаётидаги ва жамиятнинг ривожигадаги ролини очиб бериш фазовий-техникавий ахборотлар ҳақида, ахборотлашган жамиятда инсоннинг ўрни ва роли, иқтисодий информатика фанининг асосий тушунчалари; иқтисодий информатикада амалий дастурий таминотни ва унинг аҳамияти ва ўрни, жамиятдаги ахборот имкониятлари, ахборот ресурслар ҳақида билиши керак.
- ахборотни тасвирлаш, ахборотни сақлаш, узатиш, қабул қилиш ва унга ишлов бериш, ахборот ўлчаш, компьютер ёрдамида ахборотни излаш ва қайта ишлаш, алгоритмлаштириш, компьютерда моделлаштириш, компьютернинг математик асосларини қўллаш, билимларни компьютер ёрдамида олиш бўйича кўникмаларига ега бўлиши керак;
- ахборотни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида сақлаш, узатиш, қабул қилиш, ишлов бериш ва қайта ишлаш, масалаларни алгоритмлаштириш ва компьютерда моделлаштириш, билимларни компьютер ёрдамида олиш ва ўқув жараёнида фойдалана олиш, турли ахборот-коммуникация технологиялари билан ишлаш, компьютерда иқтисодий масалаларни ечиш, амалий дастурларни иқтисодий соҳаларда

куллай олиш, интеллектуал системалар билаш ишлаш, интеллектуал тизимлар ёрдамида асосли қарорлар қабул қилиш малакаларига эга бўлиш керак.

Адабиётлар

1. “Информатика” фани дастури./ Тузувчилар Абдуқодиров А. ва бошқалар. ТДПУ. 2017 й. 19 бет.
2. Ильясова З. “Информатика” фани ишчи дастури. Нукус ДПИ. 2018 й 15 бет.

РЕЗЮМЕ

Мақолада олий таълим тизимида замонавий ўқитувчиларни тайёрлашда Информатика курси мазмунининг асослари ёритилган. Шунингдек, олий таълим тизимида Информатика фани бўйича талабалар эгаллаши лозим бўлган умумқасбий ва малакавий компетенциялар аниқлаштирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье раскрываются основы курса информатики при подготовке современных преподавателей в системе высшего образования. Кроме того, система высшего образования определяет профессиональные и квалификационные компетенции, которые необходимы студентам в области компьютерных наук.

SUMMARY

The article describes the basics of the informatics course in the training of modern teachers in the higher education system. In addition, the higher education system determines the professional and qualification competencies that students need in computer science.

ANIQ INTEGRALLARGA BOG'LIQ LIMITLARNI HISOBLASHNING BIR USULI

Hakimov A., Tursunova E. M., Qodirova Sh. T.

Navoiy davlat pedagogika instituti

Tayanch so'zlar: Eyler formulalari, limit, xosmas integral.

Ключевые слова: формула Эйлера, предел, несобственные интегралы.

Key words: Euler formulas, limit, indefinite integral.

Ushbu maqolada matematika chuqur o'rganiladigan akademik litseylarda DTSdan chiqmagan holda talabalarning matematik bilim, ko'nikma va malakalarini muntazam ravishda oshirish zamonaviy mehnat bozori, shaxs, davlat va jamiyatning dinamik ravishda o'sib boruvchi ehtiyojlarini hisobga olgan holda mustaqil o'qitish dinamikasini shakllantirish muayyan kasbni egallashga yo'naltirilgan bo'lajak mutaxassislar tayyorlashning asosiy mezonidan iboratdir.

Maqolada moduli birga teng kompleks sonning trigonometrik shakli va Eyler formulalaridan

$$\cos x = \frac{e^{ix} + e^{-ix}}{2} \quad (1), \quad \sin x = \frac{e^{ix} - e^{-ix}}{2i} \quad (2) \quad \text{foydalanib} \quad \lim_{n \rightarrow \infty} \int_a^b f(n, \cos x) dx \quad (3) \quad \text{va}$$

$\lim_{n \rightarrow \infty} \int_a^b f(n, \sin x) dx \quad (4)$ va boshqa ko'rinishdagi ya'ni trigonometrik funksiya va aniq integrallarga bog'liq limitlarni hisoblash masalalari, hisoblash asosida talabalarga mustaqil ishlarni bajarish dinamikasining metodikasi tavsiya etiladi. [1], [2]

Umumiy holda limitlarni hisoblashni universal usullari yoki algoritmi mavjud emas. Shuning uchun bu masalalarni xususiy masalalarda hal etishni maqsadga muvofiq deb o'ylaymiz.

Masalalarni hal etish uchun kerakli bo'ladigan formulalarni keltirib o'taylik

$$\cos^{2m} x = \left(\frac{e^{ix} + e^{-ix}}{2} \right)^{2m} = \frac{1}{2^{2m-1}} \sum_{k=0}^{m-1} \cos(2(m-k)x) + \frac{C_{2m}^m}{2^{2m}} \quad (5)$$

$$\cos^{2m+1} x = \left(\frac{e^{ix} + e^{-ix}}{2} \right)^{2m+1} = \frac{1}{2^{2m}} \sum_{k=0}^{m-1} C_{2m+1}^k \cos(2m-2k+1)x \quad (6)$$

1 – teorema.

$$\lim_{n \rightarrow \infty} \varphi(n) = \lim_{n \rightarrow \infty} \int_0^{\frac{\pi}{2}} \cos^n x dx = 0 \quad (7)$$

munosabat o'rinli.

Isbot. (3) munosabatni o'rinli ekanligini isbotlashni qaraymiz.

1 – hol. $n=2m$,

$$\begin{aligned} \varphi(2m) &= \int_0^{\frac{\pi}{2}} \cos^{2m} x dx = \int_0^{\frac{\pi}{2}} \left[\frac{1}{2^{2m-1}} \sum_{k=0}^{m-1} C_{2m}^k \cos 2(m-k)x + \frac{C_{2m}^m}{2^{2m}} \right] dx = \\ &= -\frac{1}{2^{2m}} \sum_{k=0}^{m-1} \frac{1}{m-k} \sin 2(m-k)x \Big|_0^{\frac{\pi}{2}} + \frac{1}{2^{2m}} x \Big|_0^{\frac{\pi}{2}} = \\ &= -\frac{1}{2^{2m}} \sum_{k=0}^{m-1} \left(C_{2m}^k \sin(m-k)\pi - C_{2m}^k \sin 0 \right) + \frac{\pi C_{2m}^m}{2^{2m+1}} = \frac{\pi C_{2m}^m}{2^{2m+1}} \end{aligned} \quad (8)$$

$$\lim_{m \rightarrow \infty} \varphi(2m) - \lim_{m \rightarrow \infty} \frac{C_{2m}^m}{2^{2m+1}} = 0$$

bu erda yetarli katta m lar uchun $C_{2m}^m \leq 2^m$ munosabatdan foydalandik.

2 – hol. $n=2m+1$:

$$\varphi(2m+1) = \int_0^{\frac{\pi}{2}} \cos^{2m+1} x dx < \int_0^{\frac{\pi}{2}} \cos^{2m} x dx$$

Oxirgi munosabatda $n \rightarrow \infty$ limitga o'tsak:

$$\lim_{m \rightarrow \infty} \varphi(2m+1) = \lim_{m \rightarrow \infty} \int_0^{\frac{\pi}{2}} \cos^{2m+1} x = 0 \text{ ekani ayon.}$$

$$2 - \text{teorema. } \lim_{n \rightarrow \infty} \varphi(n) = \lim_{n \rightarrow \infty} \int_0^{\frac{\pi}{2}} \sin^n x dx = 0 \text{ o'rinli.} \quad (9)$$

Isboti. Yuqoridagi munosabatni isbotlash uchun quyidagi chiziqli almashtirishni bajarsak:

$$x = \frac{\pi}{2} - t, \quad x = 0, \quad t = \frac{\pi}{2}, \quad x = \frac{\pi}{2}, \quad t = 0, \quad dx = -dt$$

Bu almashtirishni (4)ga qo'ysak

$$\lim_{n \rightarrow \infty} \varphi(n) = \lim_{n \rightarrow \infty} \int_0^{\frac{\pi}{2}} \sin^n x dx = -\lim_{n \rightarrow \infty} \int_{\frac{\pi}{2}}^0 \sin^n \left(\frac{\pi}{2} - t \right) dt = \lim_{n \rightarrow \infty} \int_0^{\frac{\pi}{2}} \cos^n t dt = 0$$

kelib chiqadi.

Endi umumiy holda $\lim_{n \rightarrow \infty} \int_0^{\frac{\pi}{2}} \sin mx \cos kx \cos^n x dx = 0$ ekanligini ko'rsataylik.

$$\left| \lim_{n \rightarrow \infty} \int_0^{\frac{\pi}{2}} \sin mx \cos kx \cos^n x dx \right| \leq \lim_{n \rightarrow \infty} |\sin mx| |\cos kx| \cos^n x < \lim_{n \rightarrow \infty} \int_0^{\frac{\pi}{2}} \cos^n x dx = 0$$

Xuddi shunday $\lim_{n \rightarrow \infty} \int_0^{\frac{\pi}{2}} \sin mx \cos kx \sin^n x dx = 0$ ekanligini isbotlash mumkin.

1 – masala. $\lim_{n \rightarrow \infty} \int_0^{\frac{\pi}{2}} \cos nx \cos^n x dx = 0$ (10)

ni o'rinli ekanligini isbotlaylik.

Buni Eyley formulasini ikkiga qo'llaylik

$$\cos nx = \frac{e^{inx} + e^{-inx}}{2}, \quad (\cos x)^n = \left(\frac{e^{ix} + e^{-ix}}{2} \right)^n$$

(9) munosabatdagi integralni quyidagi ko'rinishga keltirish mumkin:

$$J_1 = \int_0^{\frac{\pi}{2}} \cos nx \cos^n x dx = \int_0^{\frac{\pi}{2}} \left(\frac{1}{2^n} + \frac{1}{2^n} \sum_{k=0}^n \cos 2kx \right) dx = \left[\frac{x}{2^n} + \frac{1}{2^n} \left(\frac{\sin 2kx}{2k} \right) \right]_0^{\frac{\pi}{2}} = \frac{\pi}{2^{n+1}} \quad (11)$$

(11) qiymatni (10) limitga qo'ysak uning o'rinli ekanligi o'z-o'zidan ko'rinib turibdi.

2 – masala. $\lim_{n \rightarrow \infty} \int_0^{\frac{\pi}{2}} \sin nx \sin^n x dx = 0$ (12)

ekanligini isbotlang.

Buning uchun 2 – teoremani isbotlashdagidek almashtirish bajarsak

$$x = \frac{\pi}{2} + t, \quad x = 0, \quad t = -\frac{\pi}{2}, \quad t = 0, \quad x = \pi, \quad x = \frac{\pi}{2}$$

$$\begin{aligned} J_2 &= \int_0^{\frac{\pi}{2}} \sin nx \sin^n x dx = \sin \frac{n\pi}{2} \int_{-\frac{\pi}{2}}^{\frac{\pi}{2}} \cos nt \cos^n t dt + \cos \frac{n\pi}{2} \int_{\frac{\pi}{2}}^{\pi} \cos^n t \sin ntdt = \\ &= \sin \frac{n\pi}{2} J_1 = \left(\sin \frac{n\pi}{2} \right) \frac{\pi}{2^{n+1}} \end{aligned} \quad (13)$$

$$\lim_{n \rightarrow \infty} J_2 = \lim_{n \rightarrow \infty} \left(\frac{\sin \frac{n\pi}{2}}{2^{n+1}} \right) = 0$$

kelib chiqadi.

(13) dan

$$\int_{-\frac{\pi}{2}}^{\frac{\pi}{2}} \cos^n t \sin ntdt = 0$$

ekanligi quyidagi munosabat kelib chiqadi $(-a; a)$ oralqida $\varphi(t)$ integrallanuvchi va $\varphi(x)$ toq bo'lsa $\int_{-a}^a \varphi(t) dt = 0$

3. Integralni hisoblash:

$$J_4 = \int_0^{\pi} \frac{\sin nx}{\sin x} dx = \int_0^{\pi} f(x) dx \quad f(x) = \begin{cases} \frac{\sin nx}{\sin x}, & \text{agar } x \in (0, \pi), \\ n, & \text{agar } x = 0, \\ (-1)^{n+1} & \text{agar } x = \pi, \end{cases}$$

Endi ba'zi aniq integrallarni Eylar formulasi yordamida hisoblaylik:

$$f(x) = \frac{e^{inx} - e^{-inx}}{e^{ix} - e^{-ix}} = \left| \frac{x^n - y^n}{x - y} = (x^{n-1} + x^{n-2}y + \dots + y^{n-1}) \text{ formuladan foydalansa} \right| =$$

$$= \begin{cases} 2(\cos(n-1)x + \cos(n-3)x + \dots + \cos x), & \text{agar } n - \text{juft bo'lsa,} \\ 2(\cos(n-1)x + \cos(n-3)x + \dots + \cos x) + 1, & \text{agar } n - \text{toq bo'lsa.} \end{cases}$$

Quyidagi munosabatdan foydalansak $\int_0^{\pi} \cos kx dx = 0$ hisobga olib oxirgi integralni qiymatini ixcham ko'rishda yoza olamiz.

$$J_4 = \int_0^{\pi} \frac{\sin nx}{\sin x} dx = \begin{cases} 0, & \text{agar } n = 2m \text{ bo'lsa,} \\ \pi, & \text{agar } n = 2m+1 \text{ bo'lsa.} \end{cases} \quad J_5 = \int_0^{\pi} \frac{\cos(2n+1)x}{\cos x} dx = \int_0^{\pi} f(x) dx$$

$$f(x) = \begin{cases} \frac{\cos(2n+1)x}{\cos x}, & x \in \left(0, \frac{\pi}{2}\right) \cup \left(\frac{\pi}{2}, \pi\right) \\ (-1)^n (2n+1) & x = \frac{\pi}{2}. \end{cases}$$

$$\frac{\cos(2n+1)x}{\cos x} = \frac{e^{i(2n+1)x} + e^{-i(2n+1)x}}{e^{ix} + e^{-ix}} = \left| \frac{a^{2n+1} + b^{2n+1}}{a+b} = a^{2n} - a^{2n-1}b + a^{2n-2}b^2 + \dots + b^{2n} > a+b \right| =$$

$$= 2 \sum_{k=1}^n (-1)^{k-1} \cos 2(n+1-k)x + (-1)^n = f(x)$$

$$\int_0^{\pi} f(x) dx = 2 \int_0^{\pi} \sum_{k=1}^n (-1)^{k-1} \cos 2(n+1-k)x dx + (-1)^n \int_0^{\pi} dx =$$

$$= -2 \sum_{k=1}^n (-1)^{k-1} \frac{\sin 2(n+1-k)x}{2(n+1-k)} \Big|_0^{\pi} + (-1)^n \pi$$

4. $\int_0^{\pi} \ln(1 - 2\alpha \cos x + \alpha^2) dx = J$ ni hisoblash:

Bu erda $|\alpha| < 1$ va $|\alpha| > 1$.

Integralni hisoblash uchun $[0, \pi]$ n ta bo'lakka bo'laylik $x_k = \frac{\pi k}{n}$

$f(x) = \ln(1 - 2\alpha \cos x + \alpha^2)$ ni Eyley formulalari (1) va (2) orqali ifodalaylik so'ngra J qiymatni topish uchun aniq integral hisoblash formulasini qo'llaylik:

$$f(x) = \ln(\alpha - z)(\alpha - \bar{z}) \quad (14)$$

$$\frac{\pi}{n} \sum_{k=0}^{n-1} \ln \left(\alpha - e^{\frac{\pi k i}{n}} \right) \left(\alpha - e^{-\frac{\pi k i}{n}} \right) = \frac{\pi}{n} \ln \prod_{k=0}^{n-1} \left(\alpha - e^{\frac{\pi k i}{n}} \right) \left(\alpha - e^{-\frac{\pi k i}{n}} \right) = \frac{\pi}{n} \ln \frac{(\alpha - 1)(\alpha^{2n} - 1)}{\alpha + 1}$$

$$\int_0^{\pi} \ln(1 - 2\alpha \cos x + \alpha^2) dx = \lim_{n \rightarrow \infty} \frac{\pi}{n} \ln \frac{(\alpha - 1)(\alpha^{2n} + 1)}{\alpha + 1} = \begin{cases} 0, & \text{agar } |\alpha| < 1, \\ 2\pi \ln |\alpha|, & \text{agar } |\alpha| > 1 \end{cases}$$

$$z = \cos x + i \sin x$$

Yuqorida qo'llanilgan usullar yordamida ayrim boshqa ko'rinishdagi aniqmas integrallarni topishda va aniq integrallarni hisoblashda qo'llashni tavsiya etamiz.[3]

$\alpha = 1$ holni alohida qaraylik.

$$f(x) = \ln(1 - \cos x + 1) = \ln \left(4 \sin^2 \frac{x}{2} \right) = 2 \ln 2 + 2 \ln \sin \frac{x}{2}$$

$$\int_0^{\pi} f(x) dx = 2 \ln 2 \int_0^{\pi} dx + 2 \int_0^{\pi} \ln \sin \frac{x}{2} dx = 2\pi \ln 2 + 2 \int_0^{\pi} \ln \sin \frac{x}{2} dx$$

$$\int_0^{\pi} \ln \sin \frac{x}{2} dx = \left. \begin{array}{l} \frac{x}{2} = t, \quad dt = \frac{dx}{2} \\ x = 0, \quad t = 0, \quad x = \pi, \quad t = \frac{\pi}{2} \end{array} \right| = \int_0^{\frac{\pi}{2}} \ln \sin t dt$$

$$\int_0^{\frac{\pi}{2}} \ln \sin t dt = \left. \begin{array}{l} t = 2z, \quad t = 0, \quad z = 0 \\ dt = 2z dz, \quad t = 0, \quad z = \frac{\pi}{4} \end{array} \right| = 2 \int_0^{\frac{\pi}{4}} \ln \sin 2z dz = 2 \int_0^{\frac{\pi}{4}} \ln(2 \sin z \cos z) dz = \frac{\pi \ln 2}{2} +$$

$$+ 2 \int_0^{\frac{\pi}{4}} \ln \sin z dz + 2 \int_0^{\frac{\pi}{4}} \ln \cos z dz$$

$$\int_0^{\frac{\pi}{4}} \ln \cos z dz = \left. \begin{array}{l} z = \frac{\pi}{2} - y, \quad z = 0, \quad y = \frac{\pi}{2} \\ dz = -dy, \quad z = \frac{\pi}{4}, \quad y = \frac{\pi}{4} \end{array} \right| = - \int_0^{\frac{\pi}{4}} \ln \cos \left(\frac{\pi}{2} - y \right) dy = \int_0^{\frac{\pi}{4}} \ln \sin y dy$$

$$\text{Demak } \int_0^{\frac{\pi}{4}} \ln \sin z dz = \int_0^{\frac{\pi}{4}} \ln \cos z dz$$

Yuqoridagilarni hisobga olib

$$\int_0^{\pi} \ln(4 \sin^2 \frac{x}{2}) dx = \pi \ln 2, \quad \int_0^{\pi} f(x) dx = \begin{cases} 0, & \text{agar } |\alpha| < 1 \\ \pi \ln 2, & \text{agar } \alpha = 1 \\ 2\pi \ln \alpha & \text{agar } |\alpha| > 1 \end{cases}$$

Endi misol keltiramiz:

$$\int_0^{\frac{\pi}{2}} \ln \sin x dx = \left| \begin{array}{l} x = 2t, \quad dx = 2dt \\ x = 0, \quad t = 0, \quad x = \frac{\pi}{2}, \quad t = \frac{\pi}{4} \end{array} \right| = 2 \int_0^{\frac{\pi}{4}} \ln(\sin 2t) dt = \quad (A)$$

$$= 2 \int_0^{\frac{\pi}{4}} (\ln 2 + \ln(\sin t \cos t)) dt = \frac{\pi}{2} \ln 2 + 2 \int_0^{\frac{\pi}{4}} \ln \sin t dt + 2 \int_0^{\frac{\pi}{4}} \ln \cos t dt$$

$$\int_0^{\frac{\pi}{4}} \ln \cos t dt = \left| \begin{array}{l} t = \frac{\pi}{2} - x, \quad dt = -dx \\ t = 0, \quad x = \frac{\pi}{2}, \quad t = \frac{\pi}{4}, \quad x = \frac{\pi}{4} \end{array} \right| = - \int_{\frac{\pi}{2}}^{\frac{\pi}{4}} \ln \cos \left(\frac{\pi}{2} - x \right) dx = \int_{\frac{\pi}{2}}^{\frac{\pi}{4}} \ln \sin x dx \quad (B)$$

(B) ni (A) ga qo'ysak:

$$\int_0^{\frac{\pi}{2}} \ln \sin x dx = \frac{\pi}{2} \ln 2 + 2 \int_0^{\frac{\pi}{2}} \ln \sin x dx$$

Bundan :

$$\int_0^{\frac{\pi}{2}} \ln \sin x dx = -\frac{\pi}{2} \ln 2$$

Yuqoridagi aniq integrallarga bog'liq limitlarni hisoblashga, o'rta qiymat haqidagi teorema va xosmas integrallarning yaqinlashish haqidagi teoremlardan ham foydalanish mumkin edi, lekin usulni qo'llash juda ko'p vaqt sarflashga to'g'ri keladi

Keltirilgan teoremlardan foydalanib $(-\pi, \pi)$ oralig'qidagi uzluksiz bo'lgan funksiyani Furye qatoriga yoyishdagi

$$f(x) = \frac{a_0}{2} + \sum_{n=1}^{\infty} (a_n \cos nx + b_n \sin nx)$$

Furye koeffitsentlarini yaqinlashishini osongina isbotlash mumkin.[4]

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР АСОСИДА ОЛИЙ МАТЕМАТИКАНИ ЎҚИТИШ

Кўчқаров М. У.

Андижон машинасозлик институти катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: замонавий таълим, мустақил таълим турлари, педагогик технология, намуна бўйича бажарилувчи мустақил таълим, реконструктив мустақил таълим, вариатив мустақил таълим, ижодий мустақил таълим.

Ключевые слова: современное образование, самостоятельные формы обучения, педагогические технологии, образцовое обучение, реконструктивное самостоятельное обучение, альтернативное самостоятельное обучение, творческое самостоятельное обучение.

Key words: modern education, independent forms of instruction, pedagogical technologies, exemplary instruction, reconstructive independent instruction, alternative independent instruction, creative independent instruction.

Замонавий таълим жараёнида талабаларнинг онгли фаолият юритишлари, мустақил фикрлашлари ҳамда мустақил таълим олиш кўникмаларини шакллантириш ва малакасини ривожлантириш – келажақда улардан жамиятимиз, давлатимиз тараккиёти учун зарур, баркамол шахсларни шаклланишида бош омил бўлиб хизмат қилади.

Мустақил таълим педагогик технологиянинг таркибий қисми эканлигидан келиб чиқиб, таълим жараёнига педагогик технологияни қўллаш билан талабаларнинг мустақил ишлаш кўникмасини ривожлантириш мумкин. Мустақил таълим қуйидаги турларга ажратилади:

- намуна бўйича бажарилувчи мустақил таълим;
- реконструктив мустақил таълим;
- вариатив мустақил таълим;
- ижодий мустақил таълим.

Мустақил таълимнинг бундай турлари ривожлантирувчи ўқитиш талабларига мос келади, шунинг учун мустақил таълимнинг ҳар бир турларини билиш муҳим.

Намуна бўйича мустақил таълим тўлалигича намуналар, мукамал қурилмалар асосида бажарилади, шунга кўра талабанинг идрок этиш фаоллиги ва мустақиллик даражаси ишлатилаётган фаолият доирасидан чиқиб кетмайди.

Олий математика ўқув фанида намуна бўйича мустақил таълим тўлиқ тарзда берилган шартлар, тайёр чизмалардан иборат кўп сонли типик мисол ва вазифалардан иборат бўлади. Ушбу ишларнинг бажарилишида талабалар вазифанинг шартларини шакллантиради, маълум бўлган ва изланаётган элементни аниқлайди, тегишли билимларни ишлатган ҳолда уни ечиш усуларини топади. Олий математика ўқув фанида намуна бўйича типик мустақил таълимлар бўлиб, ўқитиш (ўргатиш) амалиётида талабаларга мустақил ечишлари учун одатда тавсия этиладиган кўпгина машқ килдирувчи вазифалар ҳисобланади.

Намуна бўйича мустақил таълим олишда талабаларга янги материални баён этиб бўлингандан кейин, тегишли тарзда қайта ишлаши учун тавсия этилувчи барча бўлиши мумкин бўлган жадвал ва схемалар тааллуқлидир.

Намуна бўйича мустақил таълим олиш ўрганилаётган фан соҳасидаги таянч омиллар ва фаолият усулларини, укув ва кўникмаларни тўплашга, уларнинг мустаҳкам ўрнашувиغا кўмаклашади. Ушбу ишлар, талабаларга берилган вазифаларни яна ҳам юқори даражали идрок этиш фаоллиги ва мустақиллик билан бажаришга ўтиши учун зарурий шарт-шароитларни яратиб беради.

Талабалар реконструктив мустақил таълим олишда шакллантирилган тайёр ечим жояларини вазифанинг шартларига мослаган ҳолда муайян фаолият усулларига қайтадан шакллантириш заруратига олиб келади. Намуна бўйича мустақил таълим олишдан фарқли равишда, у кўпроқ кийинчиликлар билан характерланади-ки, бу эса табиийки, яна ҳам юқори даражали фаолиятини талаб этади.

Олий математикада – бу бўлиши мумкин бўлган барча турдаги масалалар бўлиб, унда кидирилаётган нарсани масала шартининг ташқи белгилари бўйича аниқлаб бўлмайди.

Масалан: Кетма-кетликнинг рекуррент усулда берилиши. Агар кетма-кетликнинг дастлабки бир нечта ҳадлари берилган бўлиб, кейинги ҳадларни шу берилган ҳадлар ёрдамида топиш имконини берувчи формула кўрсатилган бўлса, кетма-кетлик рекуррент усулда берилган дейилади.

Рекуррент сўзи лотин тилида қайтиш деган маънони беради.

Кетма-кетлик жадвал ёки график кўринишида ҳам берилиши мумкин. Кетма-кетликнинг графиги дискрет нукталар тўпламидан иборат бўлади.

Агар кетма-кетликнинг дастлабки бир нечта ҳадлари берилган бўлиб, кейинги ҳадларни берилган ҳадлар орқали ифодалаш усули айтилмаган бўлса, бу ҳадларнинг берилиши кетма-кетликнинг тўлиқ аниқланиши учун етарли бўлмайди.

1-мисол. $3; 5; 7; \dots$ кетма-кетлики иккидан қатта тоқ сонлар ёки иккидан қатта тўб сонлар кетма-кетлиги сифатида, шунингдек, $x_n = 2n + 1 + \sin \pi n$ формула билан берилган кетма-кетлик сифатида қараш мумкин.

2-мисол. $a_1 = 3, a_n = 2^n \cdot a_{n-1} - 4$ ($n \geq 2$) бўлса, $\{a_n\}$ кетма-кетликнинг a_2, a_3, a_4 ҳадлари

янгилиги ва мураккаблиги билан характерланади.

Олий математикада ижодий характердаги мустақил таълим олиш каторига шундайларини киритиш мумкинки, бунда уларнинг максаси масалаларни ечишдан иборат бўлади.

Мисол. $a_n = kn + m$ (бу ерда k, m — ўзгармас ҳақиқий сонлар) кетма-кетликнинг арифметик прогрессия, $b_n = ca^{kn+m}$ (бу ерда $c \neq 0, k \geq 0, m \geq 0$) кетма-кетликнинг эса геометрик прогрессия бўлишлигини исботланг.

Исбот. n нинг исталган натурал қийматида

$$d = a_{n+1} - a_n = (k(n+1) + m) - (kn + m) = k \quad \text{ва} \quad q = \frac{b_{n+1}}{b_n} = \frac{c \cdot a^{k(n+1)+m}}{c \cdot a^{kn+m}} = a^k$$

яъни, $a_{n+1} = a_n + k$, $b_{n+1} = b_n \cdot a^k$ тенгликлар ўринли. Демак, $\{a_n\}$ кетма-кетлик айирмаси $d = k$ бўлган арифметик прогрессия, $\{b_n\}$ кетма-кетлик эса махражи $q = a^k$ бўлган геометрик прогрессиядир.

Назарий материалларни мустақил ўрганиш талабалар томонидан, айниқса дарсдан ташқари фаолиятлар жараёнида бажарилади.

Талабаларнинг ижодий фаолиятлари турли хил даражада олиб борилади. Юқори даражадаги ижодий мустақилликнинг намоён бўлиши – бу талабаларнинг маълум бўлган вазиятлардаги муаммоларни ажратиб ва шакллантира олиши, янги муаммоларни қўйиш ва уларни ечиш режаларини ишлаб чиқиш, қидирув йўлларини аниқлаш, ушбу ечимларнинг гипотезаларини туза олишидан (қўникмасидан) иборат бўлади.

Олий таълим муассасаларидаги мустақил таълимнинг илмий асослари кўпгина томонлари билан оммавий таълим муассасаларидагига мос келади ёки ўхшайди, бироқ ўзига хос тамойиллари билан фарқ қилади.

Кейинги пайтларда олий таълим муассасаси талабаларининг деярли кўпчилиги дарсдан кейин ишлаётганлиги учун талаба мустақил таълими куйидаги хусусиятларга эга бўлиб қолмоқда:

ўқув дастурини ўрганиш (ўзлаштириш) учун ажратилган вақт бюджетининг чегараланганлиги;

бир гуруҳдаги талабаларнинг билимлари орасидаги сезиларли даражадаги фарқлар;

талабаларнинг асосий қисми дарсдан кейин ишлаганликлари учун уй вазифаларини бажаришда вақтнинг етишмаслиги;

иш кунидан кейинги вақт давомида билим олишга нисбатан паст (суст) даражадаги мойиллик;

узрли сабаблар бўйича мажбурий дарс қолдиришлар ва бунинг натижасида ўқув дастур материалларини мустақил тарзда ўрганиш зарурати.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, талабаларнинг мустақил таълим олиш кўникмаси кенг маънода, талабалар томонидан иқтисодий ёки техник мазмундаги математик масалалар, вазифалар ва машқларни нафақат мустақил тарзда еча олишларини, нафақат моделлар, чизмалар ва схемаларни тайёрлай олишларини ва балки мантикий худосалар чиқара олиш, умумлаштириш, масала ечимини, исбот ва теоремаларнинг янгича вариантларини яхши асослай олиш кўникмалари тарзида тушинишимиз ҳам зарур.

Адабиётлар:

1.Максимова В.Н. Межпредметные связи в процессе обучения.–М., Просвещение, 1988.–192 с.

2.Межпредметные связи естественно–математических дисциплин.–Под. редакцией В.Н. Федоровой. – М., Просвещение, 1980. – 208 с.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада мустақил таълимнинг турлари ва улар асосида олий математикани ўқитиш масалалари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье освещаются виды самостоятельного обучения и преподавания высшей математики на их основе.

SUMMARY

This article highlights the types of self-study and teaching of higher mathematics based on them.



БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

ОҚИТЎШИЛАРДИŇ САБАҚ ӨТИВ БАРИСИДА “СИНДИКАТ” МЕТОДИНАН PAYDALANIWDIŇ АҲМИЙЕТИ

Utemuratov I.

Kegeyli rayoni 42-sanlı mektep oqıtıwshısı

Muratkamalova R.

NMPI magistranti

Таянч сўзлар: метод, синдикат методи, дарс, ўқувчилар, фойдаланиш, электронли аср, мавзу, тарбия, ўқитиш, ўқитувчи.

Ключевые слова: метод, метод синдиката, урок, студенты, использование, электронная эра, тема, образование, инструктор, учитель.

Key words: method, method of syndicate, lesson, students, use, e-era, topic, education, instructor, teacher.

Bўgingi tinimsiz rawajlanıp baratırǵan elektronlı ásirde qaysı bir tarawdı alıp qaramayıq, ol jerde úlken jańalanıwlar, ózgerislerdiń júz berip atrǵanınıń gúwası bolamız. Bul bolsa, biz jaslarđı rawajlanıwlar menen teń qádem basıwımızǵa shaqıradı. Hár bir kásip iyesine óz ústinde ele de kóp izlenip, ilim, bilimlendiriw tarawına jańalıqlar kiritiwdi zaman talap etpekte. Solar qatarında kásipler arasında eń mashaqatlı kásip iyeleri bolǵan ustazlıq kásibine degen talap hám juwapkershilikler kún sayın artıp barmaqta. Hár bir oqıtıwshı óziniń sabaq ótiw usılın túrlishe usılda ótedi. Hár qıylı metodlardan paydalanıp sabaqta oqıwshılardıń sabaqqa degen qızıǵıwshılıǵın arttırıw maqsetinde interaktiv metodlardan paydalanıp sabaq ótiwdi zaman talap etpekte. Sol metodlardıń biri “Sindikat” metodi haqqında sóz etetuǵın bolsaq, “Sindikat” (grek tilinen alınıp, “birgelikte háreket qılıw” “birgelesip islew” mánisin ańlatadı) Bul metodtı oqıwshı (talaba)larda tema, másele, mashqalanı úyreniw barısında teoriyalıq bilimlerde ulıwmalastırıw izbe-izlik tiykarında pikirin qısqa hám anıq bayan qılıw qábiletin rawajlandırırǵa xızmet qıladı. Bul metodtı paydalanıp bir saatlıq is rejesin islep shıǵamız.

Sáne:

Klass:

Pán:

Tema:

Waqt:

Sabaq maqseti:

a) bilimlilik;

b) tárbiyalıq;

v) rawajlandırıw;

Sabaq túri:

Sabaq metodi:

Sabaq barisi:

I.Shólkemlestiriv:

II.Úyge tapsırma soraw:

III.Taza tema:

IV.Bekkemlew:

V.Úyge tapsırma soraw:

Bul sabaq islenbesindegi taza temanı bekkemlew barısında aldınıǵı sabaqta ótilgen tema menen baylanıstırıp barıw ushın “Sindikat” metodınan paydalanıw ornlı dep oylaymız. Metodtı qollanıw tártıbí tómendegishe:

- 1) Oqıtıwshı oqıwshı(talaba)lardı metodtıń mazmunı menen tanıstıradı.
- 2) Oqıwshı (talaba)lar úsh kishi toparlarǵa bólinedi.
- 3) Kishi toparlarǵa tapsırmalar beriledi.
- 4) Tapsırmanı ornılaw ushın waqıt kólemi (10-15 minut) belgilenedi.
- 5) Belgilengen waqıt juwmaǵına jetkennen soń hár bir kishi toparlardan bir qatnasıwshı ornlaǵan tapsırmaların túsindirip beredi.
- 6) Kishi toparlardıń isleri jámáát tárepinen oqıtıwshı basshılıǵında talıqlanadı hám eń jaqsı ornlaǵan tapsırma anıqlanadı.
- 7) Oqıtıwshı jámáát pikirin esapqa alǵan halda eń jaqsısın járiya qıladı.
- 8) Oqıtıwshı toparlar islerin bahalap,tapsırmanı juwmaqlaydı.

Bul metodtaǵı úsh kishi toparlarǵa bóliwde úyrenilip atırǵan tema áhmiyetliligin 1-topar “Sxema” kórinisinde, 2-topar “Klaster” metodında,al 3-topar bolsa “Keste”kórinisinde temanı túsingenligin jarıtıp beriwı kerek.

Ekinshi toparǵa “Klaster” metodında tapsırmanı ornılaw tapsırılǵan bolsa, eń dáslep oqıwshı (talaba)lar ortaǵa sheńber yaki usıǵan uqsas geometriyalıq sızılmalardan paydalanıp,tapsırmanı ornılawı kerek. Al,úshinshi topar bolsa “Keste” metodınan paydalanıp tapsırmanı ornılaydı.Tapsırmalardı ornılaw barısında álbette belgilengen waqıttan ótip ketpegenligin hám maǵlıwmatlardıń anıq hám durıs ekenligi kórip shıǵıladı.Eger toparlarda qáte-kemshiliklerge jol qoyılǵan bolsa,toparlarǵa túsindirilip, eń jaqsı ornlaǵan topardı anıqlap,bergen maǵlıwmatlarınıń durısılıǵın aytıp ótiwimiz kerek.Sebebi kópshilik penen ornlaǵan tapsırmalardıń bahalanıwı jeke oqıwshını bahalawǵa qaraǵanda qıyınshılıq tuwdıradı.Bergen maǵlıwmatlarınıń durıs yáki qáte ekenligi dálillenbese oqıwshı (talaba) larda oqıtıwshıǵa bolǵan kóz-qarasları ózgeri múmkin.

Әдебиятлар:

1. Джурраев Р.Х., Цой М.Н., Данияров Б.Х.,Гайер Т.В. Интерактивный комплекс в образовательном процессе. Ташкент-2011
2. Султанов Б., Тилегенов А., Бойназаров Ф. Янги педагогик технология асослари.(интерфаол дарслар) Тошкент-2007
- 3.Педагогика.Окыў колланбасы. Қ.Қосназаров, А.Пазылов, А.Тилегенов Нөкис, Билим баспасы, 2009 ж.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада ўқитувчиларнинг дарс ўтиш жараёнида «Синдикат» методидан фйодаланганининг йўллари кўрсатилган.

РЕЗЮМЕ

Эта статья учит учителей, как создать технику синдикации в процессе обучения.

SUMMARY

This article teaches teachers how to create a syndication technique in the learning process.

БАЛАЛАРДЫ МЕКТЕПКЕ ТАЯРЛАҰДЫҢ МАҚСЕТІ ХӘМ ҰАЗЫЙПАЛАРЫ

Садыкова Н.

НМПИ ассистент-оқытыушысы

Таянч сұзлар: балаларни мактабга тайерлаш, мақсад ва вазифалар, ривожлантириш, шаклантириш, боскич.

Ключевые слова: подготовка детей к школе, цели и задачи, развитие, формирование, этап.

Key words: preparation of children for school, goals and objectives, development, formation, stage.

Мектепке шекемги жасындағы балаларды раўажландырыў хәм мектепке таярлаў процесси алдына койылған мақсет хәм ұазыйпаларының орынланыўы «Мектепке шекемги жасындағы балалар тәлим-тәрбиясына койылатуғын Мәмлекет талаплары» арқалы қадағалап турылады. Мәмлекет талапларынан мектепке шекемги жасындағы балаларға берилетуғын тәлим-тәрбия мазмунының тийкарғы бағдарлары хәмде олардың мектепке таярлық дәрежесине койылатуғын минимал талаплар белгилеп берилген болып ол мәмлекет хұжжети сыпатында тән алынады.

Балаларды раўажландырыў хәм мектепке таярлаў процесси алдына койылған мақсет хәм ұазыйпалардың орынланыўына ерисиў «Балаларды раўажландырыў хәм мектепке таярлаў» таяныш дәстүри тийкарында әмелге асырылады.

Мәмлекет талаплары тийкарында дүзилген «Балаларды раўажландырыў хәм мектепке таярлаў таяныш дәстүри» не тийкарланып мектепке шекем жасындағы балалардың ата-аналары, тәрбияшылары, хәмде, өзлери ушын хәр түрли тараўлар бойынша дәстүрлер, қолланбалар, усыныслар, қызыклы китаптар, ақылы хәм физикалық жақтан раўажландырыўға жәрдем беретуғын хәр қыйлы ойыншықлар хәм тәлим тәрбия қураллары көрсетилген.

Мектепке шекемги жасындағы балалар тәлим-тәрбиясына койылатуғын Мәмлекет талапларында белгиленген көрсеткишлерге ерисиў 6-7 жасындағы балаларды мектепке толығы менен таярлаў, мектепте берилетуғын тәлимди бекем өзлестириўге, ғәрезсиз Өзбекстанның келешегі ушын хызмет ететуғын жетик инсан болып жетилисиўлери ушын жол жоба бериледи.

Мектепке шекемги тәлим шөлкемлеринде балаларды раўажландырыў хәм мектепке таярлаў процесси үш басқышта әмелге асырылады.

1. Балаларды физикалық жақтан раўажландырыў.
2. Балалардың сөйлеўин хәм ойлаўын раўажландырыў.
3. Балаларды руўхый жақтан раўажландырыў.

Мектепке шекемги тәлимнің мақсети хәм ұазыйпаларына таянған жағдайда «Балаларды Мектепке таярлаў методикасы» пәниниң мақсети талапларын мектепке шекемги жасындағы балаларды мектепке таярлаўдың метод хәм усыллары менен таныстырыўдан ибарат.

«Балаларды мектепке таярлаў методикасы» пәни төмендеги ұазыйпаларды өз ишине алады.

- Талабалар мектепке шекемги тәлимнің мақсети хәм ұазыйпаларын жақсы билиўлери;
- Балалардың мектеп тәлимине улыўма хәм арнаўлы таярлығы түсиниклерин билиўлери;

– Балаларды мектеп тәлиминә таярлаўды анықлаў жоллары хәм метод, усыллары ҳаққында билимге ийе болыўлары лазым.

Жас әуладты тәрбиялаў хәм оқытыў халық тәлими системасының басланғыш бөлими болған мектепке шекемги тәрбия орынларынан басланады.

Мектепке шекемги тәлим орынларында әмелге асырылатуғын тәлим-тәрбия жумысын дәуир талабы дәрежесинде алып барыў мақсетинде «Балалар бақшасында тәлим-тәрбия дәстүри» дүзилген. Өзбекстан халық билимлендириў министрлиги бул дәстүрин республикамыздың өзине сай тәрәплерин ықлым, географиялық, экономикалық, мәдений, миллий шараятларын есапка алып, оны қайта ислеп шықты. Дәстүр тамамланғаннан жети жасқа шекем болған балалар ийелеўи лазым болған билим хәм тәжирийбелер көлемин өз ишине алады. Ол мектепке шекемги тәрбия жасындағы балалардың психологиялық-физиологиялық хәм өзине сай қәсийетлерин есапка алған ҳалда оларды ҳәр тәрәплеме камал таптырыўын нәзерде тутады.

Балаларды мектепке таярлаўдың тийкарғы ўазыйпалары болса, Балаларды физикалық, акыльи, руўхый жактан камал таптырыў олардың саламатлығын сақлаў, Балалардың дәрәтиўшилиқ, ғәрәзсиз, еркин пикирлеў қәбилетлерин раўажландырыў ушын, шәрт-шараятлар жаратыў ўазыйпаларын қояды.

Балаларды мектепке таярлаў пәни бир қатар пәнлер менен байланыслы болып, тийкарынан, философия, этика, эстетика, биология, психология, жас психологиясы бәрше педагогика пәнлери менен байланыслы ҳалда раўажланады хәм байып барады.

Балаларды мектепке таярлаў пәни жәмийетлик хәдийсе сыпатында тәрбияны үйренер екен, философия пәни менен үзликсиз байланыслы болып табылады, соның ушын философия тәрбияның мақсети хәм ўазыйпаларын үйрениў методологиясын белгилейди.

Балаларды мектепке таярлаў пәни мине сол мағлыўматлар негизинде тәлим-тәрбия процессиниң нәгийжелилигин асырыў мәселелерин табыслырақ шеше алады, психикалық ўақыялар хәм процесслердиң айырым нызамлықларын тереңирек үйрениў имкәниятына ийе болады. Хәзирги заман физиологиясы ең әҳмийетли педагогикалық машқалаларын туўры шеше билиўде машқалаларды, балалардың раўажланыўына, оның қәбилетлерин қәлипестириўге шараят, нәсил хәм тәрбияның тәсири хәм сол сыяқлыларын белгилеўде жәрдем береді. Өсип атырған организм дүзилсиниң хәм ҳәрәкет қылыў нызамлықларының тийкарғы принциплерин алып бериўши жас физиологиясы тәлим-тәрбия бериў мәселелерин ислеп шығыў ушын үлкен әҳмийетке ийе. Бул қәсийетлерди билмей турып, тәрбияланыўшылардың жасына муўапық тәрбия қураллары хәм методларын, ол яки бул шынығыўларын, яки тәрбиялық иләжларды өткизиўдиң шөлкемлестириў формаларын туўры белгилеп болмайды. Физиологияның жоқары нерв хызмети, нерв системасының қәсийетлери ҳаққындағы жуўмақлар педагогика оқыў-тәрбия процесси методикасын ислеп шығыўда, балалар искерлиги ушын жақсырақ шәрт-шараят жаратыўда жәрдем береді.

Адебиятлар:

1. Karimov I.A. Barkamol avlod orzusi T.1999
2. Uchinch ming yillikning bolasi tayanch dastur T. 2001
3. Kalomenskiy Ya.L. Panko. E.A. Mug'allimge alti jastag`i balalardin` psixologiyasi haqqinda. No`kis 1991

4. Axmedov X. Bog`cha bolalarini savodga urgatish
5. Bolangiz maktabga tayermi dastur T, 2001
6. http://adalin.mospsy.ru/1_04_01.shtml
7. <http://www.ziyonet.uz/>
8. <http://www.педагог.uz/>

Ушбу мақолада болаларни мактабга тайёрлашнинг мақсади ва вазифалари тўғрисида сўзборади.

РЕЗЮМЕ

В этой статье речь идёт о целях и задачах подготовке детей к школе.

РЕЗЮМЕ

This article deals with the goals and objectives of preparing children for school.

SUMMARY

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЛОГОПЕД ВА ТАРБИЯЧИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

Абдумуродова З.У., Мингнорова С.Э.

ТерДУ Жисмоний маданият факультети

Таянч сўзлар: мактабгача таълим, нутқ, логопед, логопед, тарбиячи, шифокор, музика раҳбари, жисмоний тарбия йўриқчиси, психолог.

Ключевые слова: дошкольное образование, речь, логопед, логопед, педагог, врач, музыкальный руководитель, физический инструктор, психолог.

Key words: pre-school education, speech, speech therapist, speech therapist, teacher, doctor, music director, physical instructor, psychologist.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг нутқини ривожлантириш, уларда мавжуд бўлган нутқ камчиликларини бартараф қилиш асосан логопед ўқитувчилар томонидан амалга оширилади. Логопедик иш самарадорлигини ошириш учун ҳар бир логопед ва тарбиячи ўз устида тинимсиз ишлаши, изланишлар олиб бориши, янги методик манбаълардан, кўргазмали қуроллардан унумли фойдаланиши зарур. Ушбу фаолиятни инобатга олган ҳолда логоритмик машғулотлар ёрдамида болалар нутқини ривожлантириш учун бирқанча қўлланмалар ишлаб чиқилганлиги кўришимиз мумкин. Бунга мисол учун “Кувнок логоритмика” тақидлашимиз мумкин.

Ушбуда берилган машғулотлар нутқ нуқсонларининг олдини олиш вазифаларини амалга ошириш имконини беради. Шунингдек, бу машғулотлар болаларнинг фикрлаш доирасини кенгайтириб, ўз фикрини мустақил баён этишига ўргатади.

Қуйида тавсия қилинаётган логоритмика машғулот ишланмаларидан нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар ҳамда соғлом болалар билан коррекцион-ривожлантирувчи ишларни ўтказиш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Болаларнинг нутқи катталар нутқи асосида ривожланиб боради. Нутқнинг тўғри шаклланиши атрофдагилар нутқига, нутқий тажрибага, тўғри нутқ муҳити ва таълим – тарбияга боғлиқ.

Нутқ туғма қобилият эмас, балки ҳаёт давомида боланинг жисмоний ва ақлий ривожланиши билан мутаносиб равишда шаклланиб боради. Нутқнинг бузилишларини тушуниш, ўрганиш учун бола нутқининг тўғри ривожланиш йўлини, бу жараённинг ўзига хос хусусиятларини, нутқнинг муваффақиятли шаклланишида катта роль ўйновчи шароитни билиши лозим.

Логопедия нутқ фаолияти бузилишининг сабаблари, механизмлари, аломатлари, оқимлари таркибини ўрганади.

“Логопедия” термини грекча логес (сўз, нутқ), пейдео (тарбиялайман, ўқитаман) сўзларидан ташкил топган бўлиб, таржимада тўғри “нутқни тарбиялаш” маъносини англатади. Логопедияни ўрганиш объекти нутқ нуқсонига эга бўлган шахс.

Адабий тилда қабул қилинган нутқ нормасидан бир оз бўлса ҳам четга чиқиш – бу нутқ нуқсони деб ҳисобланади.

Логопедик таъсир этиш бу нутқнинг ривожланиши учун сезувчанлик қобилиятини ривожлантириш, уни ҳаракатга келтирувчи нутққа таъсир этувчи куч, яъни тафаккур, диққат, хотира каби барча психик процесслардир.

Логопедик жараёни ташкил этиш нутқ бузилишини тўғрилаш билан бир қаторда психофизик нутқларни ҳам тугатиш ёки енгиллаштириш учун шароит яратади. У педагогик таъсир қилишнинг муҳим мақсади бўлган шахсни ҳар томонлама камол топтириш имконини беради.

Логопед, тарбиячи, шифокор, мусика раҳбари, жисмоний тарбия йўриқчиси ва психолог ҳамкорлигидагина боланинг нутқ ривожланиш жараёни тўғри кечиши мумкин. Ҳамкорлик ишларидан бири эса логоритмика машғулоти ҳисобланади.

Логопедик ритмика – логопед фаолиятининг ташкилий қисмларидан биридир.

“Логоритмика” сўзи иккита сўздан келиб чиққан бўлиб, “логес” грекча - сўз, нутқ, ритмика италянча - ҳаракатлар аниқлигини ҳосил қилувчи машқлар тизими маъноларини англатади. Демак, логоритмика бу - нутқ ва ҳаракатнинг мутаносиблигини ҳосил қилувчи машқлар тизимидир.

Логоритмика–бу логопедик нуқсонларни мусика остида нутқ ва ҳаракат уйғунлиги ёрдамида бартараф этиш машғулоти дидир.

Мақтабгача таълим муассасаларида логоритмикани қўллаш муаммолари билан В.А. Гиляровский, Ю.А. Флоренская, В.А. Гринер, Г.А. Волкова каби кўпгина олимлар шуғулланганлар ва бу масаланинг назарий, услубий ва амалий тамойилларини тадқиқот қилганлар.

Логопедларнинг лексик мавзуларига биноан логоритмик машғулотлар тизимини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинди. Машғулотларни ишлаб чиқишда болаларда ўз – ўзини ташкиллаштириш, нутқини фаоллаштириш ва одобини босқичма – босқич камол топтириш инobatга олинди. Логоритмика машғулоти ҳафта давомида нутқни ривожлантириш, товуш маданияти, логопедик машғулотларга яқун ясайди. Махсус гуруҳларда ўтказиладиган логоритмик машғулотлар ижобий натижа беради: кўп болаларда нутқ нуқсонлари тўғрилианиб, салбий одатлар тузатилади.

Логоритмика воситалари:

- турли йўналишларда саф тортиб юриш;
 - артикуляция, овоз, нафасни ривожлантирувчи машқлар;
 - мушак тонусини соловчи машқлар;
 - диққатни ривожлантирувчи машқлар:
- а) ҳаракатнинг алмашуви машқлари;
 - б) диққатни турғунлаштирувчи машқлар;
 - в) диққатни тақсимлаш;
 - г) эшитиш ва нутқ диққатини ривожлантирувчи машқлар;
- мусика темпи ва тезлигини, сезги, иш кўникмаларини ривожлантириш машқлари (мусика раҳбари танловига кўра);
 - нутқий машқлар (мусика қўлланилмаган ҳолда);
 - ритмик машқлар;

- қўшиқ ижрочилиги;
- чолғу асбобларида машқ қилиш;
- ўйин фаолияти;
- сўз ва ҳаракат бирлигини (координация) ривожлантирувчи машқлар;
- майда қўл моторикасини ривожлантирувчи машқлар;
- нуткий ва мимик ҳаракатларни ривожлантирувчи машқлар;
- ижодий ташаббус ва гуруҳли ҳиссиётни ривожлантирувчи машқлар;
- яқуний машқлар, релаксация.

Машғулотлар ишланмаси режасини тузишда логоритмиканинг барча воситаларини қўллаш шарт эмас. Машғулотларнинг давомийлиги 30 – 35 даққадан ошмаслиги лозим. Маълумки, таълим самарадорлигига эришишда таълим жараёнини тўғри ташкил этишнинг аҳамияти катта.

Мактабгача таълим ёшидаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган Давлат талаблари йўналишларидан бири нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик йўналиши бўлиб, бу йўналишда ишлашда тарбиячи, логопед, мусиқа раҳбари, психологлар ҳамкорликда иш олиб боришади.

Логоритмика машғулотларини ўтказишда логопедлар педагог ходимлар билан ҳамкорликда иш олиб боради, айниқса, гуруҳ тарбиячиси, мусиқа раҳбари ва психолог логоритмика машғулотларини ташкил қилишда фаол иштирок этади.

Мактабгача ёшдаги фарзандларимизнинг замон талаби асосида ҳар томонлама етук инсон сифатида камол топишида ҳамда жамият ҳаётида фаол иштирок этишида уларни ҳар томонлама ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам мактабгача таълим муассасалари иш фаолиятига юксак масъулият юклатилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонун-Тошкент-1997 йил
2. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”-Тошкент-1997 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси “Ногиронлар ҳуқуқини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида”ги Қонун -1991 йил.
1. “Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун инклюзив таълим тўғрисида муваққат Низом”- ХТВ 234-сонли буйруғи- 2005 йил 19 сентябр.

РЕЗЮМЕ

Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг нутқини ривожлантириш, уларда мавжуд бўлган нутқ камчиликларини бартараф қилиш асосан логопед ўқитувчилар томонидан амалга оширилади. Логопедик иш самарадорлигини ошириш учун ҳар бир логопед ва тарбиячи ўз устида тинимсиз ишлаши, изланишлар олиб бориши, янги методик манбаълардан, кўргазмали куроллардан унумли фойдаланиши назарда тутилади.

РЕЗЮМЕ

Развитие речи детей в дошкольных образовательных учреждениях и устранение существующих речевых недостатков в основном осуществляется инструкторами-логопедами. Чтобы повысить эффективность логопедической работы, каждому логопеду и преподавателю придется усердно работать, исследовать и эффективно использовать новые методологические ресурсы и наглядные пособия.

SUMMARY

The development of the speech of children in preschool educational institutions and the elimination of existing speech deficiencies is mainly carried out by speech therapists. In order to increase the efficiency of speech therapy, each speech therapist and teacher will have to work hard, research and use new methodological resources and visual aids effectively.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИГА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ МАШҒУЛОТЛАРИ ТАЪСИРИ

Бердиев Б.Ч.

ТерДУ Жисмоний мадания факультети магистранти

Абдуллоев Я.М.

ТерДУ Жисмоний мадания факультети ўқитувчиси

Таянч сўзлар: жисмоний ривожланиш, жисмоний камолат, жисмоний тарбия, жисмоний тарбия воситалари, ёш оид жисмоний тарбия, махсус машқлар, физиологик хусусиятлари.

Ключевые слова: физическое развитие, физическая подготовка, физическая культура, физическая культура, физическая культура, специальные упражнения, физиологические характеристики.

Key words: Physical development, physical fitness, physical education, physical training, physical education, special exercises, physiological characteristics.

Мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга оид бир қанча фармон, қонун ва қарорлар тасдиқланмоқда. Шунинг билан биргаликда “Болажон” дастури, “Илк қадам” дастури тасдиқланди. Ушбу дастурларнинг мазмунида шундай нарсалар тадбиқ қилинганки айни мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган болаларни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Жисмоний тарбия машғулотларида болаларнинг ривожланиш хусусиятларини турли машғулотлар орқали кўриш мумкин

5-7 ёшли боланинг умуртка поғонаси деформацион таъсирни сезувчан бўлади. Скелет мускуллари пайнинг, айрим мушак устидаги парданинг, бойламнинг кучсиз ривожланиши билан характерланади. Танадаги ортиқча юк, шунингдек, ноқулай шароитлар (масалан, кўпинча оғир юк кўтариш) натижасида боланинг қомаги бузилиши: қорни шишиши ёки осилиб тушиши, яссиоёқлик пайдо бўлиши — ўғил болаларда чурра тушиши ҳоллари юз бериши мумкин. Шунинг учун болалар меҳнат топшириқларини бажараётганларида тарбиячи улар кучи етадиган жисмоний нагзуз-каларнигина бажаришларига эътибор бериши зарур. Масалан, майдончага қўлланма ва майда буюмлар олиб чиқилаётган ёки уларни залга олиб кирилаётганда бу ишга бир нечта болани жалб қилиш зарур.

Болалар суягининг эгилувчан ва букилувчанлиги (арғамчидан, тепалиқдан ва бошқалардан йиқилганда) фақат қўл-оёқнинг эмас, балки умуртқанинг ҳам шикастланишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг ҳам ҳисобга олиш лозимки, бола тепалиқдан тушиб келаётган чаналар тўқнашиб, чангилар тегиб кетиб йиқилганида қорин бўшлиғида (жигарда, буйракда, қораталокда) шикастланиш юз бериши мумкин.

Мактабгача ёшдаги болаларда баъзи бир бўғимлар ҳам номутоносиб шаклланади. Масалан, 5 ёшгача бўлган даврда боланинг тирсак бўғими қопчаси тез ўсади, билак суяги бошини тўғри ҳолатда тутиб турувчи ҳалқасимон бойлам эса ҳаддан ташқари эркин ўсади. Шунинг натижасида (агар болани кўлидан тортилса) кўпинча суяк тойиши рўй беради. Педагог ана шу ҳолатнинг олдини олиш ҳақида албатта ота-оналарни огоҳлантириши лозим.

Боланинг ёши орта боргани сари унинг қатъий мувозанат кўрсаткичлари яхшилана боради. Мувозанат машқларини бажараётганларида қизлар ўғил болаларга қараганда баъзи афзалликларга эга бўладилар. Умуман қатта гуруҳдаги болалар

таянч майдони катта бўлганда машқни илгаригидек энгил бажарадилар. Аммо, бир оёкка таяниб бажариладиган, масалан, ҳаракатли ўйинларда: “Шакл яса”, “Полда қолиб кетма”, “Бойўғли” ва бошқа узоқ давом этмайдиган машқларни ҳам бажаришлари мумкин.

Тажрибалар ва мақсадга қаратилган жисмоний тарбия машғулотлари (машғулотлар, ўйин машқлари, ҳаракатли ўйинлар) натижасида олти ёшли болалар ҳаракат техникасига доир машқларни тўғри ва тушунган ҳолда бажарадилар. Энди улар ўз мускул кучларини эҳтиёжга қараб сарфлашга кодир бўла бошлайдилар, бу эса турли амплитудадаги машқларни бемалол бажара олишларида, тарбиячининг топшириғига биноан секин ҳаракатдан тез ҳаракат қилишга ўта олишларида, яъни бажариш суръатини ўзгартира олишларида кўринади. Тарбиячи умумривожлан-тирувчи машқлар ўтказаятганда ушбу ёшдаги болаларга ҳаракат йўналишлари: юқорига, пастга, ўнгга, чапга ва ҳоказолар маълум эканлигини ҳисобга олади. Болалар бажараятган ҳаракатни қисман назорат қилишга олдиндан тушунтириш асосида кўпгина турдаги машқларни мустақил бажаришга кодирдилар.

Олти ёшли болаларда ўрганаётган ҳаракатларини тахлили асосда идрок этиш таркиб топа бошлайди, бу эса илгариги ёшга қараганда ҳаракат малакаларининг шаклланишини тезлаштиради ва сифат жиҳатдан яхшилайти.

Марказий нерв системасининг ривожланиши морфофизиологик белгиларнинг жадал шаклланиши билан ифодаланади. Масалан, олти ёшли бола миясининг юзаси эндиликда катта ёшли кишилар бош мия пўстлоғи ҳажмининг 90 фоиздан кўпроғини ташкил қилади. Миянинг пешона бўлаги жадал ривожланади; катта мактабгача тарбия ёшидаги болалар воқеаларнинг изчиллигини англай, мураккаб умумлашмаларни тушуна бошлайдилар.

5-6 ёшли болаларда малака ва одатларнинг биологик асосини ташкил қилувчи динамик стереотиплар анча тез шаклланади, аммо уларнинг ўзгариши анча қийин бўлиб, нерв жараёнларининг ҳаракатчанлиги етарлича эмаслигидан далолат беради. Масалан, олдинги ҳаёт тарзининг ўзгариши болага салбий таъсир кўрсатади. Нерв жараёнларининг ҳаракатчанлигини такомиллаштириш мақсадида ва шаклланаётган малакаларга тезда мослашувчанликни бахш этиш учун режим жараёнларини, ҳаракатли ўйинлар ва шу сингариларни ўтказишда бирдек бўлмаган вазиятларни юзага келтириш (қисман вақтни ўзгартириш)дан фойдаланилади.

Юрак-қон-томир ва нафас системаларининг ривожланиши. Беш ёшга бориб бола юрагининг ҳажми (янги туғилган даврагиси билан қиёслаганда) 4 баробар катталашади. Юрак фаолияти ҳам жадал шаклланади, аммо бу жараён бутун мактабгача ёш даври давомида тугалланмайди.

Биринчи ёш даврида боланинг томир уриши барқарор ва ҳамма вақт ҳам бир хилда бўлмайди. Олти-етти ёшида томир урушининг ўртacha миқдори минутига 92—95 маргати ташкил этади. Бола етти-саккиз ёш бўлганида юрак фаолиятини тартибга солиб турувчи нерв аппаратининг ривожланиши асосан тугалланади ва юрак иши анча бирхиллашади.

Мактабгача ёшдаги боланинг нафас олиш йўллариининг ҳажми ва тузилиши катталарникидан фарқ қилади. Улар анчагина тор бўлиб, хонадаги ҳарорат ва ҳаво намлигининг бузилиши нафас йўлининг касалланишига олиб келади.

Мактабгача ёшдаги боланинг ҳаракат фаоллигини тўғри ташкил этиш ҳам муҳимдир. Унинг етишмаслиги орқасида касалланган нафас йўли аъзоларининг сони тахминан 20 фоизга ортади.

Беш-олти ёшли болалар ўпқасининг тириклик сиғими 1100—1200 см³ га тенг

бўлади, аммо у кўпгина омилар: гавда узунлиги, нафас олиш типи ва бошқалар билан боғлиқдир. Нафас олиш сони минутига ўртача 25 тага тенг. 6 ёшда ўпкага максимал ҳаво кириб чиқиши минутига тахминан 42 дц3 ни ташкил қилади. Гимнастика машқларини бажараётганда у 2- 7 марта, югуришда эса ундан ҳам катталашади.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг умумий чидамлилигини аниқлашга доир тадқиқотлар (югуриш ҳамда сакрашга оид машқлар мисолида) бу ёшдаги болаларнинг юрак-кон-томир ва нафас олиш системасининг кўшимча имкониятлари етарли даражада юқори эканлигини кўрсатди. Масалан, агар жисмоний тарбия машғулотлари очик ҳавода олиб борилаётган экан, югуриш машқларининг умумий ҳажми катта группа болалари учун бир йилга 0,6-0,8 км дан 1,2-1,6 км гача оширилиши мумкин.

Болалар сакрайдиган калта арғамчида анчагина узоқ вақт (13-15 дақиқа) сакраш машини бажаришлари мумкин.

Кўпчилик болаларда ҳаракат фаоллигига эҳтиёж шунчалик юқорики, шифокор ва физиологлар 5 ёшдан 7 ёшгача бўлган даврни “ҳаракатлар исрофгарчилиги ёши” деб исботлайдилар.

Хулоса қилиб айтганда педагогнинг вазифаси ўз тарбияланувчиларининг ҳаракат фаолиятига улар томонидан намоён қилинадиган ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда назорат қилишдан иборатдир. Бу билан “ўтириб” ўйналадиган ўйинларни афзал кўрадиганларни гипердинамия ходисасидан асралади ва улар фаоллаштирилади.

Адабиётлар:

1. Мактабгача ёшдаги болалар таълим—тарбиясига қўйиладиган Давлат талаблари, М.Ш.Расулева ва бош. Тошкент—2008й.
2. “Илк кадам” таянч дастури, ММХҚТМОРЎММ, Тошкент—2018 й.
3. “Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш”, К. Д. Ярашев Тошкент Сино - 2002 й.
4. “Мактабгача таълим муассасаларида таълим – тарбия жараёнини режалаштириш”, ММХҚТМОРЎММ, Тошкент – 2011й.
5. “Жисмоний тарбия методикаси” Н.Н.Жамилова. Тошкент - 2003й.
6. “Мактабгача тарбия педагогикаси” П.Г.Самарукова Тошкент -2003й.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг жисмоний ривожлантиришда ўзига хос хусусиятлари тақдим этилган, шунинг билан биргаликда жисмоний тарбия машғулотларида бола организмидида ўзгарувчанлиги очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье дошкольные образовательные учреждения имеют специфические особенности физического развития детей, а также смогли объяснить изменчивость в бодибилдинге детей.

SUMMARY

In this article, pre-school education institutions have specific features of physical development of children, and have also been able to explain the variability in children's bodybuilding activities.



ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲАМ СПОРТ

БЎЛҒУСИ ЁШ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ РОЛИ

Усмоиқулов Ш.У.

Олмалиқ кон-металлургия касб-хунар коллежи жисмоний тарбия ўқитувчиси

Таянч сўзлар: талабаларни жисмоний тарбиялашнинг самарадорлиги, ёш мутахассисларни жисмоний тайёрлаш тизими, талаба ёшлар соғлигининг ҳозирги ҳолати, жисмоний тарбия ва спортнинг универсал имкониятлари, соғлом турмуш тарзи, талабалар жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлашда педагогик ва ахборот технологияларининг ўрни ва аҳамияти.

Ключевые слова: эффективность физического воспитания студентов, система физического воспитания молодых специалистов, текущее состояние здоровья учащихся, универсальные возможности физического воспитания и спорта, здоровый образ жизни, Роль и значение педагогических и информационных технологий в укреплении физической культуры студентов.

Key words: the effectiveness of physical education of students, the system of physical education of young professionals, The current state of health of students, the universal possibilities of physical education and sport, a healthy lifestyle, the role and importance of pedagogical and information technologies in strengthening students' physical culture.

Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун ўқувчи-талабаларни жисмоний тарбиялашнинг замонавий шакллари ҳамда усулларини, жинси ва ёшига қараб уларга спорт кўникмаларини синдиришнинг илмий асосланган тизимларини ишлаб чиқишни ҳамда жорий этишнинг ҳуқуқий асослари яратилган, аммо, жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини замонавий педагогик ва ахборот технологиялар асосида ўқитишда ҳозиргача баъзи камчиликлар ва ўқитишни замонавий талаблар асосида такомиллаштиришга салбий таъсир кўрсатаётган куйидаги баъзи омиллар мавжудлигини қайд этишга тўғри келади. Бундай омиллар:

- таълим муассасаларидаги жисмоний тарбия ўқитувчиларнинг педагогик ва замонавий ахборот технологияларни амалиётда қўллаш бўйича илмий асосланган тизимнинг тўлақонли йўлга қўйилмаганлиги;
- фан, техника ва технологиялар тараққиётининг бугунги даражаси билан жисмоний тарбия ўқитувчиларнинг касбий-педагогик компетентлигини таъминлаш жараёни орасидаги муайян номувофиқликнинг мавжудлиги;
- жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий лаёқатлигини тарбиялашни такомиллаштириш борасида жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида тўпланган илғор тажриба намуналари ўрганилиб, умумлаштирилиб республикамиз шароитида амалиётга жорий этилишига етарлича эътибор берилмаётганлиги;
- жисмоний тарбия ўқитувчилари учун педагогик ва ахборот технологиялари-

асосида лойихалаштирилган мукамал дарсишланмаларининг амалиётга тавсия этилмаганлиги, ўқувчи-талабалармустақилтаълимини таъминлаш шимконини берувчи ўқув-методик мажмуаларнинг етарлича эмаслигини келтириш мумкин. Шу сабабли, замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланиш негизда жисмоний тарбия дарсларида педагогик технологияларни қўллашнинг назарий ҳамда амалий асосларини шиблаб чиқиш ва қўллаш зарурлигини асослашга уриниш мақоламизнинг асосий мақсадини белгилайди. Маълумки, спортчининг спорт маҳоратини изчиллик билан эгаллаш ва катта спортнинг шох супасига қўтарилиши, айниқса шу супада узоқ муддатга сақланиб қолиши ва унинг янада ривож топиши фақатгина спортчининг юксак жисмоний ва функционал патенциалларига боғлиқдир. Лекин, спортчиларда бундай сифатларни тарбиялашда ниҳоятда эҳтиёткорлик зарур, машғулотлар давомидаги юктамаларини аста-секинлик билан, тўлқинсимон йўналишда ошира бориш эвазига ушбу мақсадга эришиш мумкин. Албатда, бу жараён узлуксиз ва мунтазамлик асосида, ҳамда машғулот юктамаларини ёш спортчининг функционал имкониятларига мос тарзда танлангандан тижаянада самарали бўлади.

Аммо, шунинг эътирофи эиш жоизки айрим спорт мураббийларимизнинг баъзан, юқори малакали ёш спортчиларни етиштириш мақсадида спортчи ҳали етарли жисмоний ва функционал захирага эга бўлмадан туриб унга ҳажми ва шиддати жиҳатидан катта бўлган юктамаларини қўллашга уринишларини кузатиш мумкин. Натижаяда, маълум вақтдан кейин ёш спортчи жисмоний зўриқиш натижасида мавжуд имкониятларини йўқотиб қўйиши мумкин.

Энди ёшларнинг жисмоний ривожланишини таъминлаш ва баҳолашга доир замонавий адабиётлар ва меъриий ҳужжатларнинг таҳлилига асосланиб, жисмоний ривожланишни таъминлашнинг назарий ва амалий жиҳатларини изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Илмий адабиётларнинг таҳлили шунини кўрсатадики, инсон соғлигини баҳолаш учун уни бус-бутун, ҳар томонлама ўрганиш зарур. Инсон саломатлигининг шаклий компонентларидан бири унинг жисмоний ривожидаражасига, яъни инсон организмнинг морфологик ва функционал кўрсаткичларимажмуига боғлиқ. Таъкидлаш лозимки, инсоннинг жисмоний ривожини қатор соҳа вакиллари томонидан, жумладан биологлар, тиббиёт ходимлари ва педагоглар томонидан ўрганилади.

Ҳозирги даврга келиб инсонлар жисмоний ривожланишини баҳолашда унинг функционал захиралари ёки жисмоний чидамлилиқдаражасини ҳисобга ола бошланди. Жумладан, талабалар соғлигини ўрганишга кўпроқ эътибор қаратилаётганлигини кузатиш мумкин. Бугунги кунда республикамиз ОТМларда ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида минг-минглаб талабалар таълим олмақда. Ёшларнинг бу ижтимоий гуруҳи ўзига ҳос ўқиш, меҳнат қилиш, шарт-шароитларига шунингдек, ўзига ҳос ҳаёт тарзига эгадирлар. Талабалик йиллари ёш организмнинг физиологик қайта қурилиши, бўйига ўсишнинг тугалланиши, янги психофизик сифатларнинг шаклланиши билан боғлиқ даврдир. Айнан шу даврда ёшларда фуқоралик статуси пайдо бўлади. Бу статус уларда маълум ўзига ҳос мажбуриятларини (ҳарбийлик, фуқоралик, оилавий ва.х.к.) юзага келтиради. Буларнинг барчаси эса ёшларнинг жисмоний ривожланиши учун маълум талаблар мажмуини қўндаланг қўяди. Шунингдек, бу давр касбий фаолиятни бошлаш ва оилавий ҳаётни танлаш билан ҳарактерланади. Ўрни келганда таъкидлаш лозимки, ОТМларни тугатаётган ёшлар мамлакатимизнинг ва жамятининг интеллектуал потенциалга эга бўлган етакчи кучдир. Уларнинг узоқ, соғлом, ижодий умир қўришини таъминлаш учун курашиш жисмоний тарбиянинг асосий мақсадларидан биридир.

Мамлакатимиздаги талабаларнинг асосий қисми кундузги бўлимда таълим олишади. Педагоглар учун энг мураккаб муаммо айнан шу ерда учрайди. Чунки, талабалар ўқув дастурларини муваффақиятли эгаллашлари ва жисмоний тайёргарлик бўйича меърий талабларни бажара олишлари учун зарур бўлган даражадаги жисмоний тайёргарликни эгаллашлари зарур. Бу масалани оптимал ҳал қилиниши мамлакатимиздаги ОТМ битирувчиларини жисмоний ривожини таъминлашга хизмат қилади.

Шунинг билан биргалликда жисмоний тарбия кафедраларининг ҳисоботларини ўрганиш ОТМлар битирувчиларининг жисмоний тайёргарлиги ва ҳаракат фаоллиги сезиларли даражада пасайиб кетаётганлигини кузатиш мумкин. Албатта, бундай ҳолатнинг юзага келишига объектив ва субъектив омилларнинг мавжуд эканлигини келтириш мумкин. Ахборотлар оқимининг кескин ошиши, барча фанлар бўйича ўқув материалари мазмунининг зичлашиб, мураккаблашиб бораётганлиги, ақлий меҳнат юкласининг ошиши каби омиллар талабаларнинг ҳаракат фаоллигини келтириш қилиши сабаб бўлмоқда.

Қатор тадқиқотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, кейинги ўн йилликлар давомида ёшларнинг соғликлари маълум даражада заифлашиб уларнинг ҳаракатли сифат кўрсаткичлари ёмонлашиб бораётганлигининг гувоҳи бўласиз. Бунинг асосий сабабларидан бири ҳозирги ёшларнинг жисмоний тайёргарлик даражасига ўз вақтида эътибор қаратилмаганлигини билдиради. Ёш авлод жумладан, талаба ёшлар соғлигига гиподинамия, гипокинезия, нораціонал овқатланиш, зарарли одатлар шунингдек, бўлғуси касбий фаолиятга тайёргарлик бўйича етарлича йўналиш олмаганлиги каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Россиялик олимлардан Колесова А.И., Разумовский Е.А., Ленц Н.А. ларнинг фикрича талаба ёшлар учун ҳозирда амал қилаётган 3-4 соатлик жисмоний тарбия машғулотлари мутлақо етарли эмас. Жисмоний тарбия юкламалари бўлғуси ёш қадрлар, талаба ёшлар учун ҳафтасига камида 10 соат бўлиши зарурлиги илмий жиҳатдан ишонарли асосланган.

Шунга ўхшаш талаба ёшларнинг соғлиги ҳақидаги мутахассисларнинг фикрларига эътибор қаратилса, уларнинг соғликлари йилдан – йилга пасайиб кетаётганлигига гувоҳ бўласиз. Ҳатто, Крутикованинг таъкидлашича 79,8 % 1-курс талабаларининг соғлиги янада ачинарли аҳволда бўлиб, улардан 54,5 % иккита ва ундан кўп касалликларга эга.

Талабаларнинг ёшидаги ёшлар организмнинг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олинса, асосий эътиборни ҳаракатли режимни тўғри ташкил қилишга, жисмоний ишчанликни ва функционал имкониятларни оширишга қаратиш лозимлигини кўриш мумкин. Чунки, ана шу ёшда талабаларнинг ёшида уларнинг кейинги ҳаётларидаги соғликларини таъминлашга асос қўйилишини унутмаслик керак.

Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт бўйича машғулотларни ўтказишда ва талабалар жисмоний тайёргарлигини оширишда янги ахборот технологияларидан фойдаланишнинг бир неча асосий йўналишларини келтириш мумкин:

- ахборот коммуникацион технологияларнинг воситаларидан таълимнинг дидактик воситаси, ўқув материални кўргазмани баён қилиш сифатида, шунингдек, турли хил спорт объектларини, спортчининг ҳатти-ҳаракатларини моделлаштиришда ва мультимедияли намоиш этишда, талабаларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги билимларини текшириш ва назорат қилишда фойдаланиш;
- жисмоний тарбия машғулотларини ўтказишни жисмоний ҳаракатлар билан ҳаммаси ҳам бўлган ҳолда замонавий автоматлашган ўқитиш воситаларини қўллаш;

- психологик-педагогик тадқиқотларда, кундалик навбатдаги машғулотларга тайёрланиш давомида замонавий ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш ва х.к. ларни келтириш мумкин.

Жисмоний тарбия ва спорт йўналиши бўйича мавжуд қатор адабиётларни таҳлил қилиш ва илғор тажриба намуналарини умумлаштириш асосида куйидаги баъзи тавсияларни келтириб ўтамыз. Бу йўналишлар: талабаларнинг жисмоний тарбия машғулотлари, спорт машқларини бажариш жараёни, соғломлаштирувчи ва мослаштирувчи жисмоний маданият машғулотлари ва б.

Бу ерда биз учун энг муҳимлари ўқув жараёни ва соғломлаштирувчи жисмоний маданият машғулотларидир. Бугунги кунда жисмоний тарбия амалиётида компьютер технологияларидан дарс жараёнида ва мустақил машғулотларни ўтказишда кенг фойдаланилмоқда. Компьютер технологияларидан ўринли фойдаланиш ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириб, ўқув жараёнини ташкил қилишни оптималлаштиради, жисмоний юкламаларни бажарилишини индивидуаллаштиради, кўргазмалиликни таъминлайди.

Талабаларни жисмоний тарбия машқларини мустақил бажариш методикасини эгаллашга эришиш ва ўз вақтида олиб борилган назорат ва эришилганижобий натижаларни ўз вақтида рағбатлантириш талабаларнинг жисмоний тарбия машқларини бажаришга ва зарур натижаларга мустақил эришишларига қизиқишларини орттиради.

Айнан, жисмоний тарбия ва спорт юқорида келтирилган муаммоларни мажмуавий ҳал қилишда универсал имкониятга эга эканлигини, жисмоний тарбия, жисмоний ҳаракатлар орқали аҳолининг соғлигини асраш ва сақлаш борасида зарур натижаларга эришиш мумкинлигини, меҳнат жамоаларидаги ва бутун мамлакат миқёсида маънавий-психологик муҳитни янада яхшилаш имконияти мавжудлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Мамлакатимиз миқёсида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга, жисмоний маданият ва спорт ишларини янада ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётганлигини қайд этиш билан бирга жамиятимизнинг уюшган ижтимоийгуруҳи бўлган талаба ёшларни жисмоний ривожлантириш ва соғлиқларини мустаҳкамлаш борасида мавжуд бўлган баъзи мулоҳазаларимизни ва тавсияларимизни келтиришга ҳаракат қилдик.

Адабиётлар:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ /sputniknews-uz.com
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. Тошкент: “Ўзбекистон» НМИУ, 2017. - 32 б.
3. Абрамов, В.В. Функциональное состояние студентов в учебно-тренировочном процессе Ростов-на-Дону, 2002. - С. 198- 199.
4. Бальсевич, В.К. Кинезиология: монография [Текст] / В.К. Бальсевич. -М.: ФиС, 2002. -540с.
5. Завьялов, А.И. Физическое воспитание студенческой молодежи учеб.пособ. / А.И. Завьялов, Д.Г. Миндиашвили. - Красноярск: КПУ, 1996. - 128с.
6. К.Т.Шакиржанова. Жисмоний тарбия в паспортдаги узлуксиз таълимни ташкил қилиш. Ўқув-услубий қўлланма. Т. 2012 й.
7. Колесов, А.И. Формирование физического здоровья и здорового образа жизни населения как национальная идея России -Ростов-на-Дону, 2002. - С. 8-10.
8. Крутикова, В.М. Сравнительный анализ состояния здоровья студентов младших курсов - Ростов-на-Дону, 2002. - С. 215-216.
9. Матвеев, Л.П. Теория и методика физической культуры - М.: ФиС, 1991. - 543с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола мамлакатимизда бўлгуси ёш кадрларни жисмонан соғлом тайёрлаш ва самарадорлигини оширишда ахборот технологияларидан фойдаланишга қаратилган.

РЕЗЮМЕ

Эта статья предназначена для использования информационных технологий в области здоровья и благополучия молодого поколения.

SUMMARY

This article is intended for the use of informational technologies in the health and well-being of the younger generation.

“СПОРТ МУРАББИЙИ - ШАРАФЛИ МЕХНАТНИНГ ГАРОВИДИР”

Ахмедов Э., Юлдашев С.

Андижон давлат университети ўқитувчилари

Тожимаматова З.

талаба

Таянч сўзлар: спорт машғулотлари, спортчилар, спорт мураббийлари, спорт мусобақалари, спортда саралаш усуллари, руҳий тайёргарлик, маънавий ирода тайёргарликлари, олимпиада ўйинлари, олимпиада захиралари.

Ключевые слова: спортивная тренировка, спортсмены, спортивные наставники, спортивные соревнования, методы отбора в спорте, психологическая подготовка, морально волевая подготовка, олимпийские игры, олимпийские резервы.

Key words: sport training, athletes: sports mentors: sports competition. selection methods in sports. psychological preparation, moral and volitional training. Olympic games. Olympic reserves.

Юртдошларимизнинг халқаро мусобақаларда қолаверса олимпиада ўйинларида муваффақиятларга эришиб келишлари анъанага айланиб бормоқда. Бу билан мамлакатимизда оммавий спортни ривожланишига, ёшларни жисмонан баркамол инсон қилиб тарбиялашга ҳамда аҳолини соғлигини мустаҳкамланишига катта туртки бўлмоқда. Бу жараёнларда албатта жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари, айниқса спорт мураббийларининг хизматлари бекиёсдир.

Спорт мураббий энг шарафли касблардан бири. Тарбияланувчиларни меҳр билан, сабр тоқат билан юқори тажриба ва малакаларига асосланиб тарбиялаганда йиллар давомида улардан юқори малакали спортчилар, жаҳон ва қитъа чемпионлари, олимпиада ўйинлари ғолиблари етишиб чиқадилар. Кўп ҳолларда мураббий ўз тарбияланувчиларига шундай меҳр қўядики, улар спортдаги ушалмаган орзуларига етишишларини ниёт ва мақсад қилиб қўяди, ҳамда бу мақсадга интилган ҳолда тарбияланувчилар устоз билан ҳамкорликда спорт маҳоратларини ортириб борадилар.

Ҳасанбой Дўстматовнинг устози Зияитдин Тайганбоев, ёшлиқда маҳоратли боксчи бўлган. Бир неча бор Ўзбекистон Республикаси чемпиони, жаҳон ва Осиё биринчиликлари иштирокчиси бўлган. Спортда юксак натижаларга эришган. Лекин олимпиада ўйинлари ғолиби бўлиш насиб этмаган. Бу ғалаба унинг учун ушалмас орзуга айланган. Шунга қарамай Зияитдин Тайганбоев бу орзуга шогирдлари эришишларини мақсад қилиб қўйган. Ёш иктидорли боксчилар орасида у Ҳасанбой Дўстматовга катта эътибор қаратди.

Ҳасанбой Дўстматов ёшлиқданок боксга бўлган иктидори, меҳнатсеварлиги, ўз

устиди мунтазам ишлаши, мураббийлар кўрсатмасини тўлиқ ва беҳато бажаришга интилиши билан ажралиб турар эди. Ўн йилдан ортиқ машаққатли меҳнат, оғир беллашувлар, ўз устида ишлаш, руҳий ва иродавий тайёргарликнинг юқори савияси Ҳасанбой Дўстматовга 2016 - йил Рио олимпиадаси шохсупасини эгаллашга ёрдам берди. Бу ғалабада Ҳасанбой Дўстматовнинг оғир ва сабрили спорт тайёргарлигини таъкидлар эканмииз, устози Зияиддин Тайганбоевнинг ҳам фидокорона меҳнатларини ҳам эсга олишимиз керак.

Мамлакатимиз байроғини Рио узра ҳилпирашида, мамлакатимиз мадҳиясини Рио узра янграшида албатта Ҳасанбой Дўстматов билан бирга, унинг устози Зияитдин Тайганбоевнинг хиссалари бекиёс бўлди. Бу ғалаба устоз ва шогирднинг ҳамкорликдаги ғалабасидир.

Ҳар бир олимпиада ўйинлари жаҳон чемпионатлари қолаверса ҳар бир спорт мусобақалари спортчилардан улкан меҳнат, сабр матонат ва иродани талаб этади. Мухлисларга спортчининг ғалабаси уни рингдаги ёки майдондаги ғалаба нашидасини суриш ҳолати намоён бўлади ҳолос. Бу ғалабага эришиш учун қилинган тайёргарликлар, оғир тренировкалар, жисмоний юктамалар билан қанчадан қанча тер тўкишларни ҳамма ҳам билавермайди.

Спортчиларни машаққатли ғалабалар учун олиб бориладиган спорт машғулотларига бир назар ташласак. Спортчиларнинг спорт тайёргарлик жараёнлари умумий ва махсус спорт тайёргарликларидан иборат бўлади. Умумий спорт тайёргарликлари спортчининг маънавий ирода тайёргарлиги, назарий ва руҳий тайёргарлик, эстетик ва ахлоқий тайёргарлик ва ўз ўзини спорт тайёргарлигидан иборат бўлади. Махсус спорт тайёргарликлари спортчиларнинг жисмоний фазилатларини ривожлантириш, техник ва тактик тайёргарликлардан иборат бўлади. Техник тайёргарлик жараёнларида спорт турларига хос бўлган ҳаракатларни бажариш қоидалари ва услублари техникаси эгаллаб борилади ва такомиллаштирилади. Тактик тайёргарлик жараёнларида спортчиларнинг беллашув жараёнларида, спорт мусобақаларида техник тайёргарликларини намоён қила олиш маҳорати шакллантирилади, ривожлантирилади ва такомиллаштириб борилади.

Спортчиларнинг жисмоний тайёргарликлари уларнинг жисмоний фазилатлари бўлган куч, чидамлилилик, тезкорлик, чакқонлик ва эгилувчанлик сифатларини ривожлантиришга ва такомиллаштиришга қаратилган бўлади. Жисмоний сифатларни юқори даражада ривожланганлиги ҳар қандай мураккабликдаги жисмоний машқларни ва ҳаракатларини юқори савияда бажара олишни таъминлайди.

Юқори малакали спортчилар тайёрлаш тизимининг мақсад ва вазибалари халқаро мусобақалар ва олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришувчи маҳоратли спортчилар тайёрлаб етиштиришдан иборат бўлади. Юқори малакали спортчилар спорт тайёргарлик жараёнлари асосан техник ва тактик маҳоратларни янада такомиллаштириш, спорт мусобақалари, беллашувларга ҳар тамонлама тайёргарлик кўришдан иборатдир. Шу билан бирга юқори малакали спортчилар спорт тайёргарлик машғулотлари жараёнларида спорт турига хос бўлган жисмоний фазилатларни юксак даражада ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Юқори даражада жисмоний тайёргарлик ҳаракатлар техникаси ва тактикасини бекаму кўст бажаришга катта ёрдам беради.

Спорт машғулотлар жараёнларида спортчилар ҳаракатлар техникаси ва тактикасини такомиллаштириб боришда бажарилиши қийин бўлган ва хатолар билан бажарилаётган ҳаракатларни кўп мартаба қайтариш ва такрорлаш билан бирга такомиллаштириб боришга интиладилар.

Юқори малакали спортчиларни спорт машғулотлари қатъий режа асосида ташкил этилиб ҳар бир машғулотлар давомида бажариладиган ҳаракатлар техникаси ва тактикаси, ривожлантирилиши зарур бўлган жисмоний фазилат мураббийлар тамони-

дан белгилаб берилади. Юқори малакали спортчиларни жисмоний, техник ва тактик тайёргарликларини такомиллаштириш билан бирга уларнинг руҳий, маънавий ирода тайёргарлигига ҳам катта эътибор қаратилиши керак. Ғалабага эришишда жисмоний, техник ва тактик тайёргарликлар билан бирга руҳий, маънавий ирода тайёргарлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Спорт машғулотлари ёш авлодни ва аҳолини соғломлаштириш ҳамда жисмоний ривожлантириш воситаси бўлиб ҳисобланади. Спорт турларига болалар шахсий кизиқишлари, жисмоний қобилиятлари ва ота онасининг тавсияси билан жалб этилади. Болаларнинг жисмоний тайёргарликлари натижаларига мувофиқ спорт турларига педогогик ва психологик услублар ва тамойиллар ҳамда тиббий назоратлар натижасига асосланиб сараланадилар.

Болаларнинг дастлабки тайёрлов гуруҳларида уларнинг жисмоний фазилатлари куч, чидамлилилик, тезқорлик, чакқонлик ҳамда эгилувчанлик сифатларини ривожлантиришга қаратилган бўлади. Яхши жисмоний ривожланган спортчи спорт турлари ҳаракатларини эгаллашга ва уларни такомиллаштиришга мувофиқ бўла олади.

Техник ва тактик тайёргарлик жараёнлари спортчиларни мутахассисликка эриштириш ҳамда юқори малакали спортчилар тайёрлаш босқичларида катта аҳамиятга эгадир. Бунда спортчиларда спорт турларига хос бўлган ҳаракатлар техникаси ва тактикаси шакллантирилади, ривожлантирилади ва такомиллаштириб борилади.

Ҳозирги кунда юқори малакали спортчиларни тайёрлаш тизимининг асосий мазмуни уларнинг умумий ва махсус спорт тайёргарликларини такомиллаштиришдан иборат бўлади. Юқори малакали спортчилар шу жумладан маънавий етук, мустаҳкам ирода ҳамда спорт урига мувофиқ назарий билимларга эга бўлиши замонавий спорт тизими талабларидан ҳисобланади.

Спортчиларни умумий ва махсус тайёргарлик жараёнларида спортчилар тайёрлашнинг барча босқичлари, дастлабки тайёргарлик босқичи, мутахассисликка эриштириш босқичи ва юқори малакали спортчилар тайёрлаш босқичлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Тараққиётнинг янги даврида спорт билан шуғулланиш ҳамда спорт мусобақалари ташкил этиш жараёнларига янгича замонавий талаблар қўйилмоқда. Ҳилма хил спорт турларини вужудга келиши, спортчиларининг умумий ва махсус спорт тайёргарликлари юқори даражаларга кўтарилиши, кўплаб спорт турлари билан эрта ёшдан шуғулланиш ва эрта ёшдан юқори малакали, спортда юксак натижаларга эга спортчилар етишиб чиқишлар спортнинг оммавийлашиб бориши ва спорт тизимини такомиллашиб бораётганлигининг далилидир.

Шунга қарамай спортчиларни организмга таъсир этувчи салбий омилларнинг ҳам шакли ва таъсирлари ортиб бормоқда. Спортда юксак натижаларга эришиш мақсадида, организмга оғир жисмоний юкламалар бериш, ҳар хил дори воситаларни ўз билгича қўллаш, мураббийлар назоратисиз оғир жисмоний машқлар ва ҳаракатларни бажариш келажақда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Оғир жисмоний юкламалар таъсирида спортчилар таянч ҳаракат аппарат бўғимларида салбий ўзгаришлар, деформациялар вужудга келиши мумкин. Нотўғри овқатланиш, кўплаб дори воситаларини қўллаш спортчилар ошқозон ичак йўллари ва жигарнинг зарарланишига ва сурункали касалликларни вужудга келишига олиб келади.

Спорт машғулотларининг мақсад ва вазифалари ёшларни жисмонан баркамол ва маънавий етук инсон қилиб тарбиялаш билан бирга спорт турлари бўйича юқори натижаларга эришишдан иборатдир.

Спорт турларини билиш улар билан мустақил шуғулланиш, мамлакатимизнинг ва дунёнинг машхур спортчилари ютуқларини ўрганиш ва таҳлил этиш ҳамда исоният

тарихида спорт тадбирларининг аҳамиятини ўрганиш ҳар бир инсон учун қизиқарли ва тарбиявий мавзу бўлиб ҳисобланади.

Таълим муассасаларида дунёда спорт соҳасида олиб борилаётган тадбирлар, олимпиада ва халқаро спорт мусобақаларини ривожланиши ва тарихини кенг ўрганиш спортчи ёшларни қолаверса мутахассисларни спорт ва касбий тайёргарликларини янада такомиллаштиради.

Спорт машғулоти ёшларни жисмонан баркамол ва маънавий етук қилиб тарбиялаш билан бирга уларни спорт соҳасида юқори малакали мутахассислар қилиб тарбиялаш масалаларини ҳам ҳал этади.

Спортчиларни юқори малакали мутахассис қилиб тарбиялашда таренировка жараёнларида самарали қўлланиладиган воситалар, жисмоний ва махсус машқларнинг аҳамияти катта. Жисмоний ва махсус машқлар самараси ва таъсирини янада ортириш учун қўллаб спорт жихозлари, асбоблардан кенг фойдаланилади.

Спорт мураббийлик фаолиятини олиб боришга фақат спорт турлари бўйича амалий тайёргарликни ўзи етарли эмас. Мутахассис педгогик маҳорат, психологик тажриба ҳамда услубий билим ва кўнималарни ўзида шакллантирган бўлиши керак. Ўз касбини яхши билмайдиган педагогик тажрибага эга бўлмаган мутахассислар бу борада катта ҳатоларга йўл қўядилар. Ёшларга тўғри йўналтириш бериш, касбий маҳоратларини ортириш, ўз устида ишлашга ўргатиш, руҳий ва касбий, услубий малака ва кўнималарини шакллантиришда юқори тажриба ва малакага эга бўлган устозларни роли катта. Улар ёш мутахассисларни касбий тайёргарликларини таъминлашда муҳим кўмак ва мадад бўлиб ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Ачилов А.М., Акрамов Ж.А., Гончарова О.В. Болаларнинг жисмоний сифатларини тарбиялаш. Ўқув қўлланма. 2004 й. Тошкент.
2. Жисмоний тарбия назарияси ва усулоти; А. Абдуллаев, Ш. Хонкелдиев; Тошкент; 2005
3. Спорт машғулоти назарий асослари. Р.С.Саломов. Тошкент- 2005
4. Ёш спортчиларнинг жисмоний қобилиятларини ривожлантириш; О. В. Гончарова Тошкент- 2005
5. Усмонходжаев Т.С. Болалар ва ўсмирлар спорти машғулоти назарияси ва услубияти. Қўлланма. Тошкент-2005

РЕЗЮМЕ

Мақолада спортчиларни халқаро мусобақаларга, олимпиада ўйинларига тайёргарлик жараёнлари, услублари ва шакллари таҳлил этилган. Шунингдек спортчиларни юқори малакали спортчи бўлиб етиштишларида тўғри ташкил этилган спорт тайёргарлик машғулоти, жисмоний юклар ҳамда тикланиш воситаларининг вазифалари кенг таърифланган. Спортчиларни халқаро мусобақаларда ва олимпиада ўйинларидаги муваффақиятларининг бош омиллари моҳир мураббийнинг услуби ҳамда спортчининг оғир меҳнат ва заҳматлари эканлиги кўрсатиб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются методы и формы подготовки спортсмена к международным соревнованиям и олимпийским играм. Раскрывается цель и задачи спортивной подготовки, физических нагрузок и восстановительных методов подготовки высококвалифицированных спортсменов. Роль методов тренера и колоссальный труд спортсмена в подготовке и завоевании побед в международных соревнованиях и олимпийских играх.

SUMMARY

The article analyzes the methods and forms of preparing an athlete for international competitions at the Olympic Games. The goal and objectives of sports training, physical activities recovery methods of training highly qualified athletes. The role of the coach's methods and the colossal work of the athlete in preparing and winning victories in international competitions and Olympic games.

ТАЛАБАЛАР ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Тоиржонов Э.

Андижон давлат университети ўқитувчиси

Тургунова Д.

магистр

Таянч сўзлар: талаба, касбий тайёргарлик, амалий жисмоний тайёргарлик, жисмоний тарбия, спорт машғулотлари, мутахассислар тайёргарликлари, жисмоний тарбияда тиббий назорат, организмни жисмоний ривожланиши, соғлом турмуш тарзи, шахсий ва жамоат гигиенаси.

Ключевые слова: студент, профессиональная подготовка, прикладная физическая подготовка, физическая воспитания, спортивная тренировка, подготовка специалистов, медицинский контроль в физическом воспитании, физическая развития организма, здоровый образ жизни, воспитания здорового поколения, личная и общественная гигиена.

Key words: student, vocational training, applied physical training, physical education, sports training. Training of specialists, medical control in physical education. Physical development of the body, healthy lifestyle, raising a healthy generation, personal and public hygiene.

Олий ўқув юртларини битирувчи талабалар ҳар томонлама уйғун ривожланган шахс бўлиб шаклланиши ва олий даражадаги билимлар амалий тайёргарлик билан етук мутахассис сифатида фаолият юрита бошлашида жисмоний тарбиянинг аҳамияти бебаҳодир. Олий ўқув юрти таълим ва тарбиявий ишларида жисмоний тарбия ва спорт, бўлғуси мутахассис ўқитувчиларнинг шахсий ва мутахассисликка оид сифатларининг шаклланиши учун муҳим восита бўлиб ҳисобланади.

Умумтаълим мактаблар, академик лицей, касб-хунар коллежларида ўқув-тарбиявий ишларни юқори самарадор даражада олиб бориш учун нафақат билим, балки биринчи навбагда соғлом бўлиш зарур. Негаки, ўқитувчи касби ниятда мураккаб касб ҳар кунги 5-6 машғулотлар ўтказиш, ўқувчилар дафтарини текшириш, кейинги кунга тайёргарлик кўриш, янги адабиётлар билан танишиш кабилар. Бундай юкломани организмга таъсир этиши, уни чарчаш ҳолатига олиб келиш сўзсиздир.

Организмни чиниктириш, жисмонан тайёргарлигини оширишда жисмоний тарбия машғулотлари хизмат қилади ва ёрдам беради. Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари жараёнида шуғулланувчилар фаол ҳаётий фаолиятини тарбиялаш, ақлий, ахлоқий ва ватанпарварлик ҳислатларини шакллантириб бориш педагогик олий ўқув юртининг жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассислар, профессор-ўқитувчилар зиммасига тушади. Соғлом турмуш жараёнида шахснинг доимий ички тайёргарлиги жисмоний камолот учун интилиш, бажараётган жисмоний машқларга қизиқиш ва қониқиш ҳосил қилиши ётади. Мунтазам жисмоний машқлар билан шуғулланишга одағланиш кейинчалик узоқ йиллар сақланувчи кучли эҳтиёжга айланади.

Жисмоний тарбия ва спорт соғломлаштириш тadbирлари мақсади талабаларни организмни жисмоний ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзи кечириш талабларига ўргатишдан иборат бўлади. Шу билан бирга жисмоний тарбия спорт ва соғломлаштириш тadbирлари мутахассислик машғулотларини ижобий ўзлаштиришга катта ёрдам беради.

Хозирги sanoat корхоналари раҳбарларига сиёсат ва иқтисодни бошқаришни ҳар

томонлама ўрганиш катта рухий-жисмоний хусусият ва сифатларни ўргатади. Шунинг учун ҳозирги замон зиёлилари жисмоний тарбия тизимининг асосий ҳолатларини ва касбга бўлган амалий-жисмоний тайёргарликни билиши шарт. Талабалар билан жисмоний тарбия тадбирларини самарали ташкил этиш, уларнинг етук мутахассис бўлишларининг асосий омилли бўлиб ҳисобланади.

Мутахассисни жисмонан тарбиялаш жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

1. Касбга қизиқиш, виждонан ишлаш, ҳақиқатпарварлик, одамларга ҳурмат, улар билан яхши муомалада бўлиш, меҳнатга муҳаббатни тарбиялаш, суҳбатни, учрашувни қизиқарли ва раван олиб бориш.
2. Тез хотирлаб қолиш, ифодали нутқ, ташкилотчиликнинг малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш.
3. Касбга оид иш унумини, ақлий иш бажариш қобилиятини таъминлаш, марказий асаб, юрак-қон айланиш, нафас олиш тизимлари ишини яхшилаш, кўриш, эшитиш, вестибуляр анализаторларни такомиллаштириш.
4. Соғлиқни мустаҳкамлаш, юрак - қон томир ва асаб тизимлари хасталанишининг олдини олиш.
5. Рухий барқарорлик сифатларини шакллантириш; бироз жисмоний зўриқишлар, тана, бел ва қўл мушакларининг умумий ва статик чидамлилиги, турли қийинликдаги ҳаракатларни тез ва аниқ бажариш, чаққонлик, чидамлилиқни ривожлантириш; гиподинамиянинг олдини олиш, кузатувчиликни такомиллаштириш, диққат, тез фикр юритиш, ирода сифатлари - мақсадга интилиш, интизомлилиқ, ташаббускорлик, қатъийлик, ўзини тута билиш каби хусусиятларни ривожлантириш.

Талабалар жисмоний тарбия тадбирлари эрталабки бадантарбия, жисмоний тарбия дарслари, спорт тўғарак машғулотлари, спорт соғломлаштириш мусобақалари ва байрамлари шаклларида бўлади. Эрталабки бадантарбия машғулотлари талабалар ётоқхонасида оммавий ҳолда, яшаш жойлари ва оилада мустақил ҳолда бажарилади.

Эрталабки бадантарбия машғулотлари қўл, оёқ ва гавда мускуллари учун машғулотлардан, нафас олиш машқларидан иборат бўлиши мумкин. Жисмоний тарбия дарслари талабалар ўқув режасига мувофиқ ташкил этилади.

Жисмоний тарбия дарсларида талабалар футбол, баскетбол, волейбол, гандбол ўйинларининг техникаси шакллантирилади. Шунингдек, енгил атлетика, гимнастика, кураш ва сузиш спорти ҳаракатлари ўргатилади.

Кун тартибидаги спорт байрамлари ва мусобақаларига сайёҳлик юришлари, сув муолажалари қабул қилиш, сузиш ва чўмилиш машғулотлари, гуруҳлар ўртасидаги беллашувлар ва мусобақаларни киритиш мумкин. Спорт тўғараклари машғулотларида талабалар спорт турлари бўйича мутахассисликка эришиб борадилар. Талабалар мусобақаларда жисмоний, техник ва тактик тайёргарликларини намоён этадилар.

Талабалар билан жисмоний тарбия ва спорт соғломлаштириш тадбирларини ташкил этишда тиббий назоратнинг аҳамияти катта бўлади. Соғлом гуруҳларга киритилган талабаларнинг барчаси спорт соғломлаштириш тадбирларига жалб этилади. Тайёрлов ва махсус гуруҳ талабалари билан даволовчи жисмоний тарбия машғулотлари олиб борилади.

Талабаларни жисмоний тарбия тадбирларига жалб этишда уларнинг жисмоний ривожланиши ҳамда саломатлиги тиббий назорат билан ўрганилади. Тиббий назорат натижасида талабалар жисмоний машқлар билан шуғулланиш режалари ишлаб чиқилади. Соғлиги заиф ва касал талабалар даволаш жисмоний машқлари билан шуғулланадилар. Жисмоний тарбия дарслари талабалари жисмоний ривожлантириш ва касбий жисмоний тайёргарлик малака ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилган

Соғлом авлодни шакллантиришда саломатлик хақидаги таълим қуйидаги асосий функцияларни ўз ичига олади:

Талабани жисмоний, физиологик ва рухий ўзгаришларга тайёрлаш;

Ўзини-ўзи ҳурмат қилишга ўргатиш;

Соғлигини қадрлашга ўргатиш;

Шахсий ва жамоат гигиенасига риоя қилишни ўргатиш;

Табиий офатлардан ўзини ва ўзгаларни ҳимоя қила билишга ўргатиш;

Организмни жароҳатланишда биринчи тиббий ёрдам бериш ва танани парвариш қилиш асосларини билиш.

Кўплаб илмий ва амалий ишлар натижалари шуни кўсатадики, жисмоний тарбия ва спорт фаолияти талабалар учун хали зарурий эҳтиёжга, қизиқишга, ҳаётий заруриятга айлангани йўқ. Ўтказилган педагогик кузатишлар, суҳбатларнинг таҳлили кўрсатишича талабалар саломатлиги, жисмоний тайёргарлиги, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан қизиқиш ҳолати, меъёрий талаблари, жисмоний ҳаракатга бўлган эҳтиёжлари илмий ўрганилмаган ва асосланмаган. Жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини ўтказиш сифатлари хали етарли даражада эмас. Дастур материаллари ва талаблари ҳар хил сабабларга асосланган ҳолда кўпинча тўла бажарилмайди. Наъмунавий жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини ўтказишнинг тахминий тизими ишлаб чиқарилмаган. Бу ҳолат хали илмий ўрганишни талаб қилади.

Талабалар жисмоний тарбия, спорт ва соғломлаштириш жараёнларини амалий касбий жисмоний тайёргарлик тадбирлари шаклида амалга ошириш керак. Бу билан талабалар келажақда етук мутахассис ва жисмонан баркамол, тажрибали кадр бўлиб етишиши таъминланади. Мамлакатимиз келажаги бўлган ёшлар ҳамда халқимизнинг соғлиги ва жисмоний баркамоллигини таъминлаш жисмоний тарбия ва спорт бўйича етук мутахассисларнинг зиммасида бўлиб қолади.

Адабиётлар:

1. Ахматов М.С. Узлуксиз таълим тизимида оммавий спорт-соғломлаштириш ишларини самарали бошқариш. Монография. 2001 й.
2. Шарипова Д.Д. Формирование здорового образа жизни. 2001г. Ташкент.
3. Т.С.Усмонхужаев Узбек халқ ҳаракатли уйинлари 2005 кулланма Ташкент.
4. Валеология асослари; Кошбахтиев И. А., Керимов Ф. А, Ахматов М. Тошкент; 2005
5. Соғлом турмуш тарзи асослари. Арзиқулов Р.У. Тошкент. 2005.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мамлакатимиз таълим муассасаларида талабалар билан жисмоний тарбия ва спорт соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш жараёнлари таҳлил этилган. Шунингдек касбий амалий жисмоний тайёргарлик жараёнлари, жисмоний тарбия ва спорт машғулотларининг шакллари, услублари ва воситалари таърифланган. Талабалар соғлигини таъминлашда ва жисмоний ривожланишларини таҳлил этишда тиббий назорат жараёнларини вазифалари ҳам мақолада кўрсатиб ўтилган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется организация физического воспитания и спортивной оздоровительной работы со студентами в образовательных учреждениях. Изучено формы, методы и средства профессиональной, прикладной физической подготовки, а также физическая и спортивная подготовка будущих специалистов. Рассмотрено роль и задачи медицинской контроля в укреплении и физической развитии организма студентов.

SUMMARY

The article analyzes the organization of physical education and sports recreational work with students in educational institutions. Studied from, methods and means of professional. Threefold physical training as well as physical and sports training of future specialists. The role and tasks of medical control in strengthening and physical development of an organism of students is considered.

СПОРТ УЙИНЛАРИДА КУЧ СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

Хакимова Г.А., Рахимов Х.С.

ТерДУ Жисмоний тарбия ва спорт назарияси

Таянч сўзлар: спорт уйинлари, волейбол, эгиливчанлик, сакровчанлик, спорт қобилияти, юкори тезлик, натижа, эркинлик, машқ бажариш.

Ключевые слова: спортивный теннис, волейбол, гибкость, езда на велосипеде, спортивные навыки, высокая скорость, выносливость, свобода, физические упражнения.

Key words: orts tennis, volleyball, flexibility, cycling, athletic skills, high speed, endurance, freedom, exercise.

Ақсарият спорт турларида, айниқса спорт ўйинларда сакровчанлик сифатлари устивор аҳамият касб этади. Демак волейболга хос сакраш кўникмалари ўзига хос йўналишдаги куч сифатини шаклланганлик даражасига боғлиқдир. Ана шу боғлиқлик масалаларини эътиборга олган ҳолда сакровчанликни шакллантириш мақсадга мувофиқ деб фараз қилинади. Ушбу спорт турларида сакраб ижро этиладиган техник-тактик усуллар (волейболда- зарба бериш, тўсиқ қўйиш ва х., футболда-сакраб дарбозага бош билан уриш ёки шеригига узатиш ва х., баскетболда-сакраб узатиш ёки савагга тўп ташлаш) ўзига хос координацион, биомеханик, кинематик ва аэродинамик хусусиятлар билан фарқланади.

Ўйлаймизки, ёш волейболчиларни тайёрлашда ҳам, малакали волейболчилар машгулотларида ҳам мазкур таснифий андозаларга асосланиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Волейболга хос сакровчанлик сифатларини ҳар бир сакраб ижро этиладиган ўйин усулларига мувофиқ ҳолда шакллантириш шу сифатларни куч турлари ва уларнинг компонентларини эътиборга олиш зарурлигига эътибор қаратади.

Волейболчига хос сакраш қобилиятини куч турлари билан боғлиқлиги ва уларга хос таркибий компонентлар таснифи ақс эттирилган. Ушбу андозада ёритилган куч турлари, унинг компонентлари ва ижрочи органлар (оёқ, қўл) кучи волейболга хос сакраш турларини ривожлантиришда эътиборга олиниши даркор. Бошқача қилиб айтганда сакровчанлик турларига хос машқларни танлашда ва қўллашда андозага асосланиш шу сифатларни шакллантириш самарадорлигини таъминлайди.

Бундан ташқари волейболга спорт ўйинида сакраш турларини ривожлантиришда сакраш кўникмасининг ички ва ташқи “қиёфасини”, яъни унинг таркибий компонентларини ҳам шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қуйдаги келтирилган сакраш кўникмаларининг сакраш компонентлари қанчалик ўзаро сифатли ва самарали ижро этилса, сакраш техникаси шунчалик маҳорат билан намойиш этилиши мумкин.

Сакраш кўникмасининг таркибий компонентлари: координацион; биомеханик; кинематик; аэродинамик.

Координацион хусусият - бу сакраш турини ижро этишда тана ва тана қисмларини таянчсиз ҳолатда ўзаро тартибли йўналишда режалаштирилган мақсад сари ҳаракатланиши билан ифодаланади.

Биомеханик хусусият - бу тана ва тана қисмларини ўзаро “қелишилган” оғирлик марказлари ва мувофиқ оралик- вақт кўрсаткичлари билан ифодаланади.

Кинематик хусусият - тана ва тана қисмларини бир-бири билан боғлиқ тартибда

мақсадли ритм, шиддат ва аниқликда ҳаракатланишини англалади.

Аэродинамик хусусият - тана ва тана қисмларини эгилиши ва ёзилиши ҳаво қаршилиги ҳамда ерни тортиш кучига нисбатан мос бўлиши билан ифодаланади.

Мавзуга доир илмий - услубий адабиётлар таҳлили, ўтказилган ҳолисона суҳбатлар ва кузатувлар шуни кўрсатдики, сакраш элементлари мавжуд спорт турларида, шу жумладан волейболда ҳам, сакраш кўникмалари техник-тактик усулларнинг тури, уларни ижро этиш вазиятлари, шартлари ва мақсадларига қараб турли мазмун ҳамда хусусиятлар билан фарқланар экан. Агар жисмоний сифатларнинг боғлиқлиги ва уларнинг бирини шакллантириши (М: куч) натижасида иккинчи бир сифатга (М: тезкорлик) унинг таъсири “кўчиши” азалдан исбот қилинган бўлса, волейболда вертикал сакровчанлик узунликга (горизонтал) сакраш сифатига нотўғри “кўчиши” мумкин. Фараз қилинадик, волейбол спорт ўйинида сакровчанликни узунликка сакраш машқлари билан шакллантириш мантиққа мувофиқ эмас.

Волейболда сакраб ижро этиладиган ўйин усуллари – зарба бериш, тўп узатиш, тўсик кўйиш ва х.к. ўйин вазиятлари, рақибни қаршилиқ қилиш тактикаси, тўпни йўналиши, тезлиги ва аниқлигига қараб таркибий жиҳатдан кескин фарқланади. Шундай экан волейболга хос ҳар бир сакраш турини шакллантиришда машқларни табақалаштирилган ва мослаштирилган тартибда танлаш ҳамда уларда мақсадли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай машқлардан фойдаланишда биз томонимиздан ишлаб чиқилган таснифий блок-андозаларга асосланиш волейболга хос сакраш турларини самарали шакллантириш имкониятини яратади (Таснифий блок-андозалар илова қилинган).

Волейбол спорт ўйинида сакраш турларини шакллантиришда махсус ўйин машқларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Адабиётлар:

1. Кенжаев Д.Т. Олий педагогик таълим жараёнида баркамол шахсни шакллантиришнинг назарий-амалий асослари: 13.00.01.-Пед. Фан. Ном...диссер.-Т.: ЎзПФТИ, 2007.-177 б.
2. Маҳмутова Г.И. Олий педагогик таълим тизимида талабаларни маънавий шаклланиши ижтимоий-педагогик хусусиятлари: 13.00.01.-пед. назарияси ва мет. Пед. фан. Ном. диссер.-Т. Низомий ном.ТДПУ,2004.-179 б.
3. Мусаев Б.Б. Олий педагогик таълим муассасалари талабаларининг гимнастика бўйича касбий - педагогик кўникмаларини шакллантириш: 13.00.04.-Жисмоний тарбия, ва спорт машғулотларининг назарияси ва методикаси.: Пед. фан. ном.дисс. автореф.-Т.:ЎзДЖТИ, 2011.-30 б.
4. Шарипова Д.Д. и др “Пути оптимизации здоровья и физического развития обучающихся в контексте формирования здорового образа жизни в общеобразовательных учреждениях” Изд-во “Fanvatehnologiya” 2014.
5. Мильштейн О.А., Прокопчук Ю.А. Анкетирование как средство общения социолога с респондентами в сфере физической культуры и спорта: Методические рекомендации для студентов ИФК.- Краснодар, 1991. - 264 с.

РЕЗЮМЕ

Спортчиларда соғлом турмуш тарзини ташкил қилишга спорт уйинлари орқали бўлажак спортчиларда юқори натижаларга эриштириш тавсиялари акс этган.

РЕЗЮМЕ

Рекомендации по достижению высоких результатов спортивными играми в организации здорового образа жизни у спортсменом.

SUMMARY

Recommendations on achieving high results by sportswomen in organizing a healthy lifestyle in athletes

ЯККА КУРАШ ТУРЛАРИДА ЮРТИМИЗ КУРАШЧИЛАРИ ХАЛҚАРО МАЙДОНЛАРДА ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ, МУРАББИЙ КЎРСАТМАЛАРИ

Ҳакимова Г., Рахимов Х.С.

ТерДУ Жисмоний тарбия вазирлиги

Таянч сўзлар: олимпиада, жисмоний тарбия, спорт, кучлилик, таълим тарбия, спортчи шижоати.

Ключевые слова: олимпиада, физическая культура, спорт, сила, тренировка, спортивное мастерство.

Key words: olympiad, physical culture, sport, strength, training, sportsmanship.

Ўзбекистонда Давлат мустақиллиги қўлга киритилгач кўп ўтмай Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг IX сессиясида 1992 йил 14 январьда «Жисмоний тарбия ва спорт» тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Ўзбекистон спорт тарихида миллий олимпия қўмитасининг ташкил топиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистонда олимпия ғояларини тарғиб қилиш Олимпия ўйинларида республика вакиллари иштирокини таъминлаш, жаҳон спортчилари билан дўстона алоқаларни ўрнатish ва ривожлантиришдек шарафли вазифа билан шугулланмоқда.

Мустақиллик йилларида жаҳон олимпия ўйинларида совриндор бўлган дзюдочи спортчиларимиз Армен Багдасаров Атланта олимпиадасида 1996 йил кумуш медал совриндори, Абдулла Тангриев Пекин олимпиадасида 2008 йил кумуш медал совриндори, Ришод Собиров Пекин-2008 йил бронза медал совриндори, Лондон - 2012 йил бронза медал совриндори, Рио олимпиадаларида 2016 йил бронза медаллари совриндори бўлгани билан доимо фахр туйғусини хис этамиз.

Республикамызда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий соҳаларда амалга оширилаётган ислохатлар жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам ривожлантиришни талаб этади.

Куйида дзюдо машғулотларининг мусобақа ҳолатига ҳамоханг ҳолатини умумий кўриниши ва чора тадбирлари ақс этган.

Дзюдочиларнинг белгиланган вазн тоифалари ва ёш гуруҳлари бўйича беллашишади. Дзюдочи рақибнинг оғирлиги ва қаршилиқ кўрсатиш кучини енгиши кераклиги туфайли дзюдочилар машқлари асосан куч сарфланувчи машғулотлар қаторига қиради. Дзюдодаги организмнинг жисмоний зўриқишларига чидамани оширишга мускулларни йўғонлаштиришга, бақувват, абжир ҳаракатчан бўлишга, юрак-қон томир системасининг такомиллашувига ёрдам беради.

Дзюдочиларнинг беллашуви вақтида нафаснинг ичга тушиб кетиши ҳодисаси тез-тез рўй бериб туради. Мускуллар ўта зўриқганда товуш йўли ёпик бўлишига қарамай, ташқарига бирдан нафас отилиб чиқади. Бу ҳол кўкрак ичи босимининг кескин кўтарилишига олиб келади ва юракка қон оқиб келишини қийинлаштиради. Бақувват ёш спортчилар юраги бундай бир лаҳзалик лекин қатта зўриқишга дош беради лекин у кекса ёшдаги кишиларнинг юрак-қон томир тизимига зарарли таъсир кўрсатиш мумкин. 38-40 ёшдан ошган шахсларнинг мусобақада қатнашиши мақсадга мувофиқ эмас.

Мураббийнинг кўрсатмасисиз ўзига зўр бериб машқ қилиш бировнинг маслаҳати билан кўр-кўрона хар-хил машқларни бажариш ва ўз организмнинг имкониятларини инобатга олмасдан спорт билан шугулланиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Спортчидаги жисмоний фазилатларнинг ривожланганлик даражаси фақат спортчининг организми функционал (физиологик) имкониятлари билан эмас балки психик

омиллар билан, иродавий фазилятлар билан ҳам белгиланади. Бунда спортчи иродавий фазилятлар орқали ўзининг функционал имкониятларидан қанчалик фойдалана олиши белгиланади.

Бир кеча-кундуз давомида спортчи иш қобилиятини ўзгариши.

Организмининг ҳаёт фаолиятидаги жараёнлар маълум ритм билан даврий тебранишгаэга. Буритмларни биологик ритмлар деб аталади. Биологик ритмлар - ҳаётнинг жараёнларайрим ҳолатларёки ҳодисаларнинг вақт бўйича даврий тақрорланишидир. Одамда физиологик функцияларнинг кеча кундуз давомида тебранишини ўзгартириш анча қийин бўлади. Жисмоний иш қобилиятни кеча-кундуз давомидаги ритми мусобақа ва шиддатли машқ қилиш машғулотлари таъсирида кучли ўзгаради. Одамда кундузги соатларда иш қобилияти юқори, тундаги соатларда эса паст бўлади. Кўпчилик кишилар кеча-кундуз давомида икки марта юқори иш қобилиятга эга бўладилар. Биринчи-давр-эрталаб соат 8дан 12гача, иккинчи-соат 17 ва 19 ларорасида бўлади. Бу вақтларда одам энг кучли бўлиб, органларнинг сезувчанлиги ортади. Эрталаб соатларда одам яхши эштади, яхши кўради. Бу функциялар соат 2-5 ва 13-15 ларда жуда ёмонлашади. Бироқ турли кунларда иш қобилияти кеча-кундузнинг ҳар бир вақтида ўзгариши мумкин. Бу кишининг ўзини ўзи ишонтириши, ёки ўзганин сўзига ишониши орқали содир бўлади. Вақт минтақаси ўзгариши билан организмда рўй берадиган ўзгаришлар кишининг шахсий хусусиятларига, унинг ҳаёт тарзидаги динамик стереотипга ҳам боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам турли шахсларда руҳий физиологик функцияларнинг ўзгариши ҳар хил даражада бўлади.

Жисмоний иш қобилият бир қанча биологик, экологик ва социал омилларга боғлиқ бўлиб, уни аниқлаш турли соҳаларда муҳим аҳамиятга эга. Спортчи иш қобилиятини воситали ва воситасиз усулларда аниқлаш мумкин. Воситасиз усул билан аниқлаш, биринчидан жуда кўп вақт талаб қилади, иккинчидан одам холдан тойгунча ишлаши зарур бўлади. Бундай ҳолатда одам соғлигига зарар етиши мумкин, шунинг учун иш қобилиятини аниқлашда бир усулни икки хил ҳолатда амалга ошириш орқали қўлланади. Машғулотларни кетма-кетлик даражаси аниқланган ҳолатда спортчига машқни ва усулларни тақрорлашни кучайтириш ва бир вақтнинг ўзида куч-тезкорлик сифатларини юзага чиқариш керак.

Адабиётлар:

1. Кенжаев Д.Т. Олий педагогик таълим жараёнида баркамол шахсни шакллантиришнинг назарий-амалий асослари: 13.00.01.-Пед. Фан. Ном...диссер.-Т.: ЎзПФТИ, 2007.-177 б.
2. Махмутова Г.И. Олий педагогик таълим тизимида талабаларни маънавий шаклланиши ижтимоий-педагогик хусусиятлари: 13.00.01.-пед. назарияси ва мет. Пед. фан. Ном. диссер.-Т. Низомий ном.ТДПУ, 2004.-179 б.
3. Мусаев Б.Б. Олий педагогик таълим муассасалари талабаларининг гимнастика бўйича касбий - педагогик қўникмаларини шакллантириш: 13.00.04.-Жисмоний тарбия, ва спорт машғулотларининг назарияси ва методикаси.: Пед. фан. ном.дисс. автореф.-Т.:ЎзДЖТИ, 2011.-30 б.
4. Шарипова Д.Д. и др “Пути оптимизации здоровья и физического развития обучающихся в контексте формирования здорового образа жизни в общеобразовательных учреждениях” Изд-во “Fanvatekhologiya” 2014.
5. Мильштейн О.А., Прокопчук Ю.А. Анкетирование как средство общения социолога с респондентами в сфере физической культуры и спорта: Методические рекомендации для студентов ИФК.- Краснодар, 1991. - 264 с.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада яқка кураш турларида юртимиз курашчилари халқаро майдонларда эришган ютиглари ва камчиликлари мураббий курсатмалари берилган.

В этой статье перечислены достижения и недостатки борцов нашей страны на международной арене.

This article lists the achievements and shortcomings of our country's fighters in the international arena.

ДЗЮДОЧИЛАРНИНГ МУСОБАҚАГА ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИНИНГ ФУНКЦИОНАЛ ВА РУҲИЙ ФАЗИЛАТЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ

Даминов И.А.

ТерДУ Жисмоний тарбия ва спорт назарияси кафедраси мудири

Таянч сўзлар: дзюдочилар мусобақасига тайёргарлик, функционал ва руҳий фазилатлар, олимпиада, совриндолар.

Ключевые слова: подготовка к соревнованиям по дзюдо, функциональные и духовные качества, олимпиада, призы.

Key words: preparation for judo competitions, functional and spiritual qualities, Olympiad, prizes.

Ўзбекистонда Давлат мустақиллиги қўлга киритилгач кўп ўтмай Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг IX сессиясида 1992 йил 14 январьда «Жисмоний тарбия ва спорт» тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Ўзбекистон спорти тарихида миллий олимпия кўмитасининг ташкил топиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистонда олимпия ғояларини тарғиб қилиш Олимпия ўйинларида республика вакиллари иштирокини таъминлаш, жаҳон спортчилари билан дўстона алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришдек шарафли вазифа билан шуғулланмоқда.

Мустақиллик йилларида жаҳон олимпия ўйинларида совриндор бўлган дзюдочи спортчиларимиз Армен Багдасаров Атланта олимпиадасида 1996 йил кумуш медал совриндори, Абдулла Тангриев Пекин олимпиадасида 2008 йил кумуш медал совриндори, Ришод Собиров Пекин-2008 йил бронза медал совриндори, Лондон - 2012 йил бронза медал совриндори, Рио олимпиадаларида 2016 йил бронза медаллари совриндори бўлгани билан доимо фахр туйғусини ҳис этамиз.

Республикамызда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий соҳаларда амалга оширилаётган ислохатлар жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам ривожлантиришни талаб этади.

Қуйида дзюдо машғулотларининг мусобақа ҳолатига ҳамоҳанг ҳолатини умумий кўриниши ва чора тадбирлари ақс этган.

Дзюдочиларнинг белгиланган вазн тоифалари ва ёш гуруҳлари бўйича беллашишади. Дзюдочи рақибининг оғирлиги ва қаршилиқ кўрсатиш кучини енгитиш кераклиги туфайли дзюдочилар машқлари асосан куч сарфланувчи машғулотлар қаторига киради. Дзюдодаги организмнинг жисмоний зўриқишларига чидамини оширишга мускулларни йўғонлаштиришга, бақувват, абжир ҳаракатчан бўлишга, юрак-қон томир системасининг такомиллашувига ёрдам беради.

Дзюдочиларнинг беллашуви вақтида нафаснинг ичга тушиб кетиши ҳодисаси тез-тез рўй бериб туради. Мускуллар ўта зўриқганда товуш йўли ёпик бўлишига қарамай, ташқарига бирдан нафас отилиб чиқади. Бу ҳол кўкрак ичи босимининг кескин кўтарилишига олиб келади ва юракка қон оқиб келишини қийинлаштиради. Бақувват ёш спортчилар юраги бундай бир лахзалик лекин катта зўриқишга дош беради лекин у кекса ёшдаги кишиларнинг юрак-қон томир тизимига зарарли таъсир кўрсатиш мум-

кин. 38-40 ёшдан ошган шахсларнинг мусобақада қатнашиши мақсадга мувофиқ эмас.

Мураббийнинг кўрсатмасисиз ўзига зўр бериб машқ қилиш бировнинг маслаҳати билан кўр-кўрона хар-хил машқларни бажариш ва ўз организмнинг имкониятларини инобатга олмасдан спорт билан шуғулланиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Спортчидаги жисмоний фазилятларнинг ривожланганлик даражаси фақат спортчининг организми функционал (физиологик) имкониятлари билан эмас балки психик омиллар билан, иродавий фазилятлар билан ҳам белгиланади. Бунда спортчи иродавий фазилятлар орқали ўзининг функционал имкониятларидан қанчалик фойдалана олиши белгиланади.

Бир кеча-кундуз давомида спортчи иш қобилиятини ўзгариши.

Организмнинг ҳаёт фаолиятидаги жараёнлар маълум ритм билан даврий тебранишга эга. Буритмларни биологик ритмлар деб аталади. Биологик ритмлар - ҳаёт жиараёнларайрим ҳолатлар ёки ҳодисаларнинг вақт бўйича даврий тақрорланишидир. Одамда физиологик функцияларнинг кеча кундуз давомида тебранишини ўзгартириш анча қийин булади. Жисмоний иш қобилиятни кеча-кундуз давомидаги ритми мусобақа ва шиддатли машқ қилиш машғулотлари таъсирида кучли ўзгаради. Одамда кундузги соатларда иш қобилияти юқори, тундаги соатларда эса паст бўлади. Кўпчилик кишилар кеча-кундуз давомида икки марта юқори иш қобилиятга эга бўладилар. Биринчи давр-эрталаб соат 8дан 12гача, иккинчи-соат 17 ва 19 ларорасида бўлади.

Бу вақтларда одам энг кучли бўлиб, органларнинг сезувчанлиги ортади. Эрталабки соатларда одам яхши эшитилади, яхши кўради. Бу функциялар соат 2-5 ва 13-15 ларда жуда ёмонлашади. Бирок турли кунларда иш қобилияти кеча-кундузнинг хар бир вақтида ўзгариши мумкин. Бу кишининг ўзини ўзи ишонтириши, ёки ўзганинг сўзига ишониши орқали содир бўлади. Вақт минтақаси ўзгариши билан организмда рўй берадиган ўзгаришлар кишининг шахсий хусусиятларига, унинг ҳаёт тарзидаги динамик стереотипга ҳам боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам турли шахсларда рухий физиологик функцияларнинг ўзгариши хар хил даражада бўлади.

Жисмоний иш қобилият бир қанча биологик, экологик ва социал омилларга боғлиқ бўлиб, уни аниқлаш турли соҳаларда муҳим аҳамиятга эга. Спортчи иш қобилиятини воситали ва воситасиз усулларда аниқлаш мумкин. Воситасиз усул билан аниқлаш, биринчидан жуда кўп вақт талаб қилади, иккинчидан одам холдан тойгунча ишлаши зарур бўлади. Бундай ҳолатда одам соғлигига зарар етиши мумкин, шунинг учун иш қобилиятини аниқлашда бир усулни икки хил ҳолатда амалга ошириш орқали қўлланади. Машғулотларни кетма-кетлик даражаси аниқланган ҳолатда спортчиға машқни ва усулларни тақрорлашни кучайтириш ва бир вақтнинг ўзида куч-тезкорлик сифатларини юзага чиқариш керак.

Адабиётлар:

1. Кенжаев Д.Т. Олий педагогик таълим жараёнида барқамол шахсни шакллантиришнинг назарий-амалий асослари: 13.00.01.-Пед. Фан. Ном...диссер.-Т.: ЎзГФФИТИ, 2007.-177 б.
2. Махмутова Г.И. Олий педагогик таълим тизимида талабаларни маънавий шаклланиши ижтимоий-педагогик хусусиятлари: 13.00.01.-пед. назарияси ва мет. Пед. фан. Ном. диссер.-Т. Низомий ном. ТДПУ, 2004.-179 б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада дзюдочиларнинг мусобақага тайёргарлик жараёнининг функционал ва рухий фазилятларининг моҳияти ҳақида сўз боради.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматривается сущность функциональных и психических качеств тренировочного процесса по дзюдо.

SUMMARY

This article examines the essence of the functional and mental qualities of the training process in judo.

БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ САЛОМАТЛИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КОМПЕТЕНТЛИЛИК ЁНДАШУВ

Тураев П.Т.

ТерДУ Жисмоний тарбия ва спорт назарияси кафедраси катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: компетентлик соғлиқни сақлаш, таълим тарбия, жисмоний тарбия, педагогик тарбия.

Ключевые слова: компетентность, здоровье, образование, физическое воспитание, педагогическое образование.

Key words: competence, health, education, physical education, pedagogical education.

Маълумки, сўнги йилларда “компетенция” ва “компетентлилик ёндашув”, тушунчаси илм-фанни ўқитишда ҳар томонлама таҳлил қилинмоқда ҳамда педагогика олий таълим муассасалари бўлажак жисмоний маданият мутахассисларини тайёрлашда уларнинг соғлиғини сақлашга йўналтирилган концепцияси кенг қўлланилмоқда.

Жумладан, тадқиқотчилар тажриба-синовдан ўтказилиши юртимизда таълим тизимига қаратилаётган ёрқин далилидир. Компетенция ўзида қуйдаги тушунчаларни бирлаштира олишини такидлаганлар;

- келажакда ўқитувчиларни профессионал ва ижтимоий фаолиятини муваффақиятли ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлиши;
- анъанавий “билим-кўникма-малака-лаёқат-қобилиятларини” ривожлантириш ва олий таълимда ислоҳ қилиш орқали изчиллигини таъминлаш учун имконият яратиш, бу тушунчаларни қўриб чиқиб, битирувчиларини соғлиқни сақлаш компетенциясини ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларини ўз ичига олади;
- соғлиқни сақлаш компетентлигида аниқ муаммоларни ҳал қилиш билан шуғулланиш, соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини яхшилаш устувор масалалардан бири ҳисобланади;
- компетентлик тушунчасида кўп таърифлар мавжуд эканлигини кўрсатади; билим, кўникма ва малакаларини ривожланиши ва талабалар махсус ўқув фаолиятига қизиқиши профессионал ва соғлиқ сақлаш компетентлиги, педагогик фаннинг асосий компетентларидан биридир .

Бунинг учун ҳар бир жисмоний тарбия ўқитувчиси касбий компетентликни ошириб боришлари лозим. Саломатлик компетентлиликни шакллантириш - олинган назарий билим, кўникма ва малакаларнинг мажмуаси ва амалиётга мустақил ва ижодий қўллай олиш даражаси ҳисобланади.

Соғлиқни сақлашда педагоглarning юксак касбий компетентликка эга бўлиши: Ўзбекистонда барқарор ижтимоий- иқтисодий ва маънавий ҳаётни таъминлаш асосларини яратиш, таълим олувчиларнинг юқори даражадаги соғлом турмуш тарзи ва соғлиғини муҳофаза қилишнинг таъминлаш.

Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг соғлиқни сақлаш компетентлигини ривожлантириш учун уларга билим бериш, уларни тегишли кўникмаларга эга бўлиши ва соғлиқни муҳофаза қилиш компетентлигини шакллантириш, бунинг учун бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларизамоनावий илмий-назарий ва амалий асосларини билиши; билим ва кўникмаларига эга бўлиши; жамоага етказиш, ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бориш малакаларини ҳосил қилиши керак.

Юқоридаги контекстида педагогик олий таълим муассасаларида тегишли жисмоний маданият факултетлари бўлажак жисмоний тарбия мутахассисларини келажақда етук мутахассис қилиб тайёрлаш жараёнида “Соғлиқни сақлаш-компетент”, концепсиясини кўриб чиқиш керак. Жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлашда тиббий ва биологик билимларни чуқур билиши, талабалар малака-қўникмаларини сақлаб қолиш ва интегратсия далилларга асосланган ҳолда ёндашув лозим.

Талабаларни етук кадр қилиб тайёрлаш ва таъминлашда, соғлиқни муҳофаза қилиш жумладан бўлажак касбий фаолияти учун жисмоний маданият факултетларида соғлиқни сақлаш асраб-авайлаш жиҳатидан талабаларнинг ахборот, техник, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва шахсий хусусиятларини шакллантириш уларга амалиётда соғлиқни сақлаш компетентлигини тадбиқ этиш.

Шу билан бирга жисмоний маданият мутахассисларини тайёрлаш хусусиятлари, жисмоний маданият ўқитувчилари соғлиқни сақлаш ва соғлиқни муҳофаза қилиш салоҳиятини ошириш, соғлиқни сақлашга йўналтирилган, интенсив фаолияти, шахсий сифатлари, мазмун ажралмас қисми ҳисобланади.

Шунинг учун, талабалар ўз салоҳияти ҳақида кўпроқ ижобий, шахсий фазилатлари ва махсус сифатлари билан жиҳозланган, профессионал ўқитувчи таълим-тарбия орқали соғлиқни сақлаш компетентлигини шакллантиришда нафақат умумий педагогик билим ва қўникмаларига эга бўлиши керак, балки устоз-шоғирд педагогик таъсири самарадорлиги сезиларли даражада ошириш ва соғлиқ ва соғлом турмуш тарзини қийматини билиши даркор.

Юқоридагиларни таҳлил қилиб, қуйидаги хулосага келиш мумкин:

Шундай қилиб, бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигининг асосий сифат кўрсаткичлари қаторига соғлиқни сақлаш компетентлиги ва компетентлилик ёндашувда, педагогик фикрлашнинг шаклланганлиги, педагогик маданият ва маҳоратнинг ривожланганлиги, шахсий тажриба, касбий позицияси, бу барча кўрсаткичлар ўзаро бир бирига боғлиқ ва қарамдир, педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари юқоридагиларни ўзида жамлаштирса саломатлик компетентлигини ривожлантириш ва компетентлилик ёндашувда юқори натижаларга эришади.

Адабиётлар:

1. Абскалова Н. П., Зулина Н. И., Развитие здоровьесберегающей компетентности педагогов в системе внутришкольной переподготовки. // Здоровьесбережение и здоровьесозидание как приоритет национальной безопасности России третьем тысячелетии сборник научных трудов по материалам VI международной научно-практической конференции г. Стерлитамак, Республика Башкортостан, 20 мая 2016 г., 11с.
2. Маджуга А.Г., Ильясова Э.Н., Яппаров А.Г., Хакутдинова С.Р. Здоровьесозидающая компетентность педагога как основа его профессиональной успешности. // Здоровьесбережение и здоровьесозидание как приоритет национальной безопасности России третьем тысячелетии сборник научных трудов по материалам VI международной научно-практической конференции г. Стерлитамак, Республика Башкортостан, 20 мая 2016 г., 199с.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ўқитувчиларда компетентликни шакллантириш билим ва қўникмаларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

РЕЗЮМЕ

Эта статья поможет учителям улучшить свои знания и навыки в соревнованиях.

SUMMARY

This article will help teachers improve their knowledge and skills in competitions.

БОКС МАШҒУЛОТЛАРИДА ИНДИВИДУАЛ, УМУМИЙ ВА МАХСУС ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Усмонов М.Қ.

Тер.ДУ Жисмоний тарбия ва спорт назарияси кафедраси ўқитувчиси

Таянч сўзлар: жисмоний машқлар, умумий ривожлантиручи, махсус машқлар, спортчилар, тайёргарлик, индивидуал, техник, тактик, адаптация.

Ключевые слова: физические упражнения, общее развитие, специальные упражнения, спортсмены, подготовка, индивидуальные, технические, тактические, адаптация.

Key words: exercise, general development, special exercises, athletes, preparation, individual, technical, tactical, literature.

Ўзбекистон ёшлари мамлакатимизнинг олимпиада спорт мусобақаларда иштирок этаётган маҳоратли спортчиларимиз катта қисмларини ёшлар ташкил этди. Бразилия “Рио 2016 йил” олимпиадада жамғарилган медаллар сони ва сифати 207-мамлакатдан орасида 21-ўринди эгалладик, бу кўрсаткич билан Осиёда 4-чи, мустақил давлатлар ҳамдўстлиги орасида 2-чи, маркази Осиёда 1-чи ўринни эгалладик. Иштрок этган мамлакатлар орасида 87-тасига медаллар насиб этди, олтин медалларни эса 59-мамлакатлар вакиллари қўлга киритдилар.

Бокс мураккаб координацияли спорт турларидан бири. У спортчидан турли-туман ҳаракат кўникмалари, малака ва жисмоний сифатларни намоён қилишни тақозо этади. Маълумки, инсон ўзи томонидан аввал эгалланган ҳаракат “Спорт байрамлари”га асосланиб, ҳар қандай ҳаракатни бажаради. Шундай қилиб, унда шартли рефлексли ҳосил бўлади. Шунинг билан биргаликда захираси қанча кўп ва у катта ҳажмдаги малакаларга эга бўлса, унинг махсус ҳаракат фаолияти шунча турли-туман бўлади. Агар мураббий ёш боксчини ўргатиш жараёнида умумий жисмоний тайёргарлик воситаларидан воз кечса, у жуда катта ва тузатиб бўлмас хатога йўл қўяди, чунки фақат махсус машқлар ёрдамида спортчининг ҳар томонлама самарали ривожланишига эришиб бўлмайди. У мураккаб координацияли ҳаракатларни бажаришга қийналади, аввал эгалланган ҳаракат шакилларининг ҳосил бўлганда ўзаро боғлиқлиги умумий жисмоний тайёргарлик воситаларидан воз кечиш оқибатида катта бўлмайди ва боксчида янги ихтисослашган кўникма ҳамда малакаларнинг ҳосил бўлишига етарлича ёрдам бермайди.

Боксчининг ҳартомонлама умумий жисмоний тайёргарлиги даражасини аниқлашда ҳамда уни такомиллаштириш жараёнида меъёрлар комплекси катта ўрин тутаяди. Боксчилардан меъёр талабларини бажаришни талаб қилган ҳолда мураббий уларда ҳартомонлама жисмоний ривожланиш базасини яратади.

Умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик орасидаги ўзаро боғлиқлик боксчи спорт ҳаётининг ҳамма боксчиларида унинг спорт маҳорати шаклланишига ёрдамберади. Бироқ боксчининг умумий жисмоний тайёргарлик вазибалари, мазмуни ва йўналиши ҳар бир боксчида ўзининг турли хусусиятлардан келиб чиқиши мумкин.

Ёш боксчи шаклланишининг бошланғич боксчиларида мураббий ҳар-хил спорт турларидан ва умумий жисмоний тайёргарликнинг алоҳида воситаларидан бошловчи спортчи организмнинг ҳаракат ва функционал имкониятларини ҳартомонлама ривожлантириш мақсадида мумкин қадар кенг доирада фойдаланиши лозим. Боксчи шаклланишининг бошланғич боксчида умумий жисмоний тайёргарлик воситаларининг кенг қўлланилиши яна шунга боғлиқки, ушбу даврда умумий ривожлантирувчи машқлардан махсус машқларга “кўчиши” етарлича юқори бўлади, чунки бошловчи боксчилар ўзларининг жисмоний сифатлари ривожланишида юксак даражага эришмаганлар. Масалан: баскетбол ўйини нафақат умумий тезкорлик, чидамлик, чакқонлик

ва бошқа сифатларни тарбиялашга ёрдам беради, балки махсус тезкорлик, чидамлик, чакконлик кўрсаткичларининг яхшилланишига имкон яратади.

Шундай қилиб, умумий жисмоний тайёргарлик воситаларидан кенг фойдаланиш бошловчи спортчининг ҳартомонлама ривожланиши учун замин яратишда зарур шарт ҳисобланади. Бироқ боксчи малакаси ва спорт маҳорати ўсиб бориши билан умумий жисмоний тайёргарлик воситалари ҳажми, миқдори ҳамда йўналиши ўзгариши лозим. Биринчи навбагда умумий жисмоний тайёргарлик воситаларини камайтириш ҳисобига махсус тайёргарлик машқлари ҳажми ортиб боради. Умумий жисмоний тайёргарлик воситалари ривожлантириладиган кучланишлар хусусияти ва бажарилиш услубига кўра боксчининг махсус машқларига максимал яқинлаштирилади. Умумий жисмоний тайёргарлик воситаларини “махсуслантириш” зарурати яна шундай вазият туфайли юзага келадики, спортчи малакаси ўсиши билан умумривожлантирувчи машқлардан махсус машқларга “кўчиши” камаяди. Боксчининг пухта мустаҳкам ҳаракатмалакаларини эгаллаш даражаси унинг спорт маҳорати даражасининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Мусобақа жанги шароитларида боксчи малакаларининг мустаҳкамлигига “адаштирувчи омиллар” комплексси рақиб, боксчининг ўзининг астеник эмоциялари, чарчаш, томошабинларнинг реакцияси, нотаниш мусобақа вазияти ва бошқа салбий таъсир кўрсатади. Юқори малакали боксчининг пастроқ малакага эга бўлган боксчидан асосий фарқи шундаки, мусобақамиқийёси, жанг шиддати ва рақибнинг индивидуал хусусиятларидан қаътий назар унинг ҳаракатлари пишиқлиги, тўғри ва аниқ бажарилиши билан ажралиб туради. Шунинг учун мураббий ўқув машғулотларининг шуғулланувчилар томонидан ўзлаштирилишини, яни мустаҳкам малака ҳосил бўлишини текшириб бориши лозим. Малаканинг мустаҳкамлиги деганда мусобақа вазиятида усулнинг самарадорлигини пасайтирмаган ҳолда уни кўп марта бажариш тушунилади. Ўқув-машғулот вазибаларини мунтазам ва узоқ муддат бажарган ҳолдагина боксда усулларни мустаҳкам ўзлаштириш мумкин бўлади. Ушбу вазибаларни бажариш давомида кўпмарталаб такрорлашлардан сўнг ҳаракат кўникмалари мустаҳкам ҳаракат малакаларига ўтади.

Адабиётлар:

1. COACHES MANUAL. Prepared by: AIBA HQs Office. Coordinator: Adam Kusior, AIBA Coaches Commission Chairman Philip Jun. DATE: AUGUST 2011
2. Boxings Ten Commandments Essential Training For The Sweet Science Alan Lachica 2011.
3. Ачилов А.М., Халмухамедов Р.Д., Шин В.Н., Тажибаев С.С., Ражабов Ф.Қ. “Ёш боксчиларни тайёрлаш асослари” “МУМТОЗ СЎЗ” 2012 й.
4. Каримов М.А., Халмухамедов Р.Д., Шамсематов И.Ю., Тажибаев С.С. Боксчиларнинг спорт-педагогик маҳоратини ошириш. Тошкент, 2011.
5. Кисилев А.В. Совершенствование спортивной подготовки высококвалифицированных боксе. Учебное пособие. ФКиС, М. 2006.

РЕЗЮМ

Умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик, айниқса боксчи бошлангич боксчиларида, спортчи учун унинг келгусидаги ўсишида зарур бўлган ҳаракат кўникмалари ва малака базасини турли-туманликни яратишга имкон беради.

РЕЗЮМЕ

Общая и специальная физическая подготовка, особенно на ранних стадиях бокса, позволяет спортсмену создавать разнообразные навыки и квалификации, необходимые для его дальнейшего развития.

SUMMARY

General and special physical training, especially in the early stages of boxing, allows the athlete to create a diversity of skills and qualifications needed for his future development.

ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ МУТАХАССИСЛАРИНИНГ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА БЎЛГАН КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Бегимкулов О.Ж.

ТерДУ “Жисмоний маданият” факультети декани

Таянч сўзлар: жисмоний маданият, соғлом турмуш тарзи, компетентликни рово-жантириш, жисмоний тарбия, физиология.

Ключевые слова: физическая культура, здоровый образ жизни, развитие компетенций, физическое воспитание, физиология.

Key words: physical culture, healthy lifestyle, competence development, physical education, physiology.

Таълим муассасаларида жисмоний тарбия узлуксиз таълим тизимининг энг муҳим мажбурий қисми бўлиб, давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ юқори малакали мутахассислар томонидан амалга оширилади. Жисмоний тарбия бўйича мажбурий дарслар, дарсдан ташқари машғулотлар ва тест синовлари барча таълим муассасаларида ўқувчиларнинг физиологик имкониятларига мос равишда ўтказилади.

Таълим муассасалари ҳарбий хизматга чақириш ёшига етмаган ёшларни жисмоний жиҳатдан тайёрлайдилар. Эътироф этилган таълим муассасаларида ўтказиладиган жисмоний маданият ва спортга доир дарс, дарсдан ташқари машғулотлар, тест синовлари, спорт мусобақалари ўқувчи ва талабаларнинг ёш - физиологик хусусиятлари ҳамда жисмоний имкониятларига мувофиқ тарзда ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилади.

Замонавий педагогиканинг муҳим вазифаларидан бири ўсиб келаётган ёш авлодда инсон саломатлиги ва унга энг олий кадрият сифатида қараш каби жиддий муносабатни шакллантириш билан белгиланади. Бу мақсадга эришида ўқувчи ва талабаларни соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги билимлар билан қуроллантиришнинг ўзи кифоя қилмайди. Берилаётган билимларга қўшимча равишда ёшларда соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва қафолатлаш учун спорт оилада, таълим муассасасида ҳар бир ўқувчи ва талабанинг кундалик эҳтиёжи, турмуш тарзига айлантирилишига эришиш талаб қилинади.

Саломатлик маданияти тарбияси стратегиясини танлашда ҳар бир ёшнинг ўзига хос психологик ва психофизиологик характеристикасини инобатга олиш, актуал ривожланиш ҳудудларига таяниш, том маънодаги саломатлик тушунчасини шакллантириш соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уни умуминсоний кадрият даражасига кўтариш ҳар бир таълим муассаси, шунингдек ҳар бир жисмоний маданият ўқитувчисининг бурчи эканлигидан келиб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Таълим муассасаларидаги соғломлаштириш ишлари самарадорлиги, бизнинг назаримизда, қуйидаги сингари бир қатор муҳим омилларга амал қилишга боғлиқ:

- Соғлом ва хавфсиз турмуш тарзи маданияти шакллантириш;
- Саломатликни муҳофаза қилувчи инфраструктурани таъминлаш;
- Таълим олувчиларнинг ўқиш ва ундан кейинги фаолиятларини тўғри ташкил қилиш;
- жисмоний-соғломлаштириш ишларини самарали ташкил қилиш;
- қўшимча таълим дастурларини амалга ошириш;
- ота-оналар билан тушунтириш ишлари олиб бориш;
- таълим жараёнига инновацияларни фақат мутахассислар тавсияси асосида жорий қилиш;
- таълимнинг барча босқичларда ўқувчи ва талабаларнинг ўқиш ва ундан кейинги (уйга вазифани бажариш, фан, санъат ва спорт тўғрақлари

қатнаши) юкламалари ҳажмини белгилашдаги гигиеник меъёр ва талабаларини сақлаш;

- таълим жараёнида қўлланиладиган барча техник воситалар, жумладан, компьютерлар, аудиовизуал воситалардан фойдаланишга қўйилдиган талабларга қатъий амал қилиш;
- ҳар бир ўқувчи ва талабанинг умумий ривожланиши индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда таълимни индивидуаллаштириш.

Жисмоний маданият ўқитувчисининг соғломлаштириш фаолияти асосан қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилган:

- Таълим оловчи онгига соғлом турмуш тарзининг туб моҳиятини, кадриятлигини сингдириш;
- Тарбияланувчиларда ўз саломатликларини сақлаш ва мустаҳкамлашга бўлган қизиқишни шакллантириш;
- таълим-тарбиянинг шундай шароитини яратиш керакки, унда ҳар бир тарбияланувчи фаолияти жараёнида биринчи навбатда ўзининг қолаверса бутун жамиятнинг соғломлашувини шакллантирувчи субъектга айлансин;
- ўқувчи-талабаларда ўз саломатликларини мустаҳкамлаш кўникмаларини ривожлантириб боришга шароит яратиш бериш.

Қўйилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги сингари бирқатор комплекс тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади:

- Ўқувчи-талабалар билан барча саломатлик гуруҳларида самарали ва тўлақонли фаолият олиб боришга эришиш (жисмоний маданият дарсларида, тўғарак ва секциялар ва бошқаларда);
- Таълим муассасаларида ўтказиладиган жисмоний маданият машғулотларида асосий эътиборни фаол ҳаракат билан боғлиқ машқларга қаратиш;
- Даволовчи жисмоний тарбия машғулотларини амалга ошириш;
- Машғулотлар оралигида фаол ҳаракат соатлари (динамик танафус)ни ташкил қилиш;
- Ўқувчи ва талабаларнинг ҳаракат фаоллигини ошириш, ишчан соғлом руҳиятни шакллантириш мақсадида дарсларда жисмоний дақиқалар, дарслар оралигида динамик танафуслар уюштириш;
- Спорт секциялари ва тўғараклари фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг самарали фаолият олиб боришларини таъминлаш;
- Спорт-соғломлаштириш тадбирларини мунтазам амалга ошириш (спорт кунлари, мусобақалар, олимпиадалар, табиат қўйинга саёҳат ва бошқалар).

Жисмоний маданият ўқитувчиси соғломлаштириш фаолияти моделига асосланган ҳолда қуйидаги кўникмаларни аниқлаш мумкин бўлади:

- Умумтаълим фанлари интеграциясини амалга ошириш;
- Саломатлик дарсларини ташкил қилиш;
- Факультатив машғулотлар;
- Академик гуруҳ ва синф соатларини ўтказишга кўмаклашиш;
- Тўғарак машғулотларини амалга ошириш;
- Қўнғил очар маданий тадбирлар, конкурслар, байрамлар, викториналар, экскурсиялар уюштириш ва бошқалар;
- Саломатлик кунларини жорий қилиш;
- Оилавий байрамлар уюштириш;
- Амалга оширилганишлар, топшириқлар мониторинги ва диагностикасини олиб бориш.

Соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш муаммосини ҳал қилишда бўлажак жисмоний тарбия ўқувчилари саломатлиги даражаси билан ўқитувчиларнинг тайёргарлик

даражаси ўртасида жуда улкан боғлиқлик мавжуд. Бошқача айтганда, ўсиб келаётган ёш авлод саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш кўпжиҳатдан ўқитувчиларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидаги мавжуд билим, кўникма ва малакаларига боғлиқ. Шу боис, педагогика олий таълим муассасаларида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларни тайёрлашда соғломлаштириш компонентиغا алоҳида эътибор қаратиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг жисмоний маданият ва спорт тўғрисидаги қонуни. 10-модда. Тошкент ш., 26 май 2000 й., № 76-II.

2. Лобачев, В.В. Формирование компетенции здоровьесбережения в профессиональной подготовке будущего педагога физической культуры / В.В. Лобачев // Системный анализ и управление биомедицинских систем. - 2006. - Т. 5. - № 2. - С. 310 - 131.

РЕЗЮМЕ

Мақолада жисмоний маданият мутахассисларининг соғлом турмуш тарзига бўлган компетентлигини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается развитие компетенций специалистов по физической культуре в здоровом образе жизни.

SUMMARY

The article discusses the development of competencies of specialists in physical culture in a healthy lifestyle.

ТАЛАБАЛАРДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ДАРСЛАРИДА МИЛЛИЙ ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Абдуллаев А. А.

ТВЧДПИ “Мақтабгача ва бошланғич таълим спорти” кафедраси мудири

Таянч сўзлар: жисмоний тарбия ва спорт дарслари, миллий халқ ўйинлари, ташкил этиш, спорт маданияти, соғлом авлод.

Ключевые слова: занятия физкультурой и спортом, национальные народные игры, организация, спортивная культура, здоровое поколение.

Key words: physical education and sports, national folk games, organization, sports culture, healthy generation.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга таълим-тарбия йўналишининг устувор вазифаларидан бири сифатида қаралиб келинмоқда. Бу эса ёшларда жисмоний тарбия ва спорт маданиятини шакллантириб, уларни юртимиз учун керакли мутахассислар бўлиб етишувида асосий омиллардан бўлмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Соғлом авлодни тарбиялаш буюк давлат пойдеворини, фаравон ҳаёт асосини қуриш деганидир».

Шу маънода, қайд этиш керакки, болалар спортини ривожлантиришда, унинг сифат ва самарадорлигини оширишда, умуман олганда, жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги таълим-тарбия ишлари тизимида миллий халқ ўйинлари аҳамиятли ўрин эгаллайди.

Миллий халқ ўйинлари ва спорт турлари қадим замонлардан бери халқимиз ҳаёти, унинг маданий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий томонларини ўзида мужассам этиб келган. Жумладан, “Дурра”, “Отиб қочар”, “Учталик тўптош”, “Ҳаққалакам шарти”, “Отамбақала-Қоқбош”, “Икки тош”, “Чопик кулол”, “Жон тўпим”, “Кўйлагим”, “Айланма гув-гув”, “Қувноқ полвон” ўйинлари ақлий, ахлоқий ва эстетик камолотнинг

мезонлари бўлса, халқ анъанавий спорти (“Тўплар пойгаси”, “Овчилар ва ўрдаклар”, “Чир айланма”, “Отишма”, “Аник нишонга ол”, “Ҳаракатдаги аркон”, “Таёқчани тортиб ол”, “Ўзани яганалаш”) ва бошқалар – фарзандлар бакуватлиги, ақлий ва жисмоний етуқлигининг гаровидир. Халқ ўйинларидан кўзда тутилган асосий мақсад ўқувчиларни спорт ўйинларига тайёрлаш бўлиб, улар ўқувчиларни ҳам жисмонан, ҳам ақлан-руҳан баркамол этиб тарбиялашда етакчи омиллардан ҳисобланади.

Аждодларимиз ўғил-қизларини баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга интилар экан, унинг энг самарали, таъсирчан воситаси миллий ўйинлар эканлигини чуқур аңглаб етишган. Шу сабабли халқ ўйинлари яратилган.

Миллий халқ ўйинлари жисмоний тарбия ва спорт йўналишида:

- талабаларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлиб вояга етишларини таъминлайди;
- талабаларнинг жисмоний тарбия ва спортга нисбатан қизиқиш ва иштиёқларини янада оширади;
- талабаларда жисмоний тарбия ва спорт маданияти шаклланиши билан бир қаторда уларнинг халқимиз миллий урф-одат, анъана ва кадриятларига оид билим-малакалари ортади, бу эса уларда ватанпарварлик, халқпарварлик хислатларини қарор топтиради ва ҳ.к.

Маълумки, ҳар ўйиннинг ўз иштирокчилари ва томошабинлари бор. Чиллак, ошиқ, кўчмақ, пиёда пойга, аркон тортиш, капани кўтариш, узунликка сакраш, кураш, кўпкари, така лов-лов, кес-кес, оксуяқ, оҳува, яшинмачоқ, тўпик, олтин қовоқ, чавгон, каклик ёҳуд хўроз уриштириш шундай ўйинлардан саналади. «Ёш ўқувчилар бир-бириман талашиб, белги қизиб ошиқ ўйнаса, қишлоқ-қишлоқ тараф бўлиб беллашиб, бўз ўқувчилар ўйнаётир чилликди», дейилади халқ дostonларида.

Бу каби ўйинларни дарса ва синфдан ташқари тадбирларда фаол ташкил этиш, бу орқали талабаларда жисмоний ҳамда умуминсоний сифатларни камол топтириш жисмоний тарбия ва спорт мураббийларининг педагогик фаолияти билан узвий боғлиқ, албатта. Шундан келиб чиқиб, ўқитувчи ва мураббийлар:

- миллий халқ ўйинларига ҳамоҳанг равишда халқимизнинг миллий кадриятлари, одат ва анъаналари, фольклори билан ҳам яқиндан таниш бўлиши, ўқувчиларга айна билимни бериш учун ўз устиди ишлаши;
- ўйинларни ташкил этиш жараёнига ижодий ёндашиши, унинг мазмун ва сифатини янада ошириш йўлидан бориши;
- дарс жараёнида ва дарсдан ташқари машғулотларда халқ ўйинлари учун муносиб шароит ярата билиши, ўйин майдонини ўйин қоидаларига муносиб даражада жиҳозлай олиши;
- ўйинларни ташкил этишда нафақат маҳаллий хусусиятлардан келиб чиқиши, балки мамлакатимизнинг қайси ҳудуддаги ўйин бўлишидан қатъий назар, уни машғулотлар кесимида ташкиллаштириши, ўқувчиларга ўргатиши, бошқача айтганда, ўйинларнинг “халқ ўйинлари географияси” шкаласи асосида ўтказмоғи;
- халқ ўйинларини ўйнатиш орқали, аввало, уларда маънавий-маърифий, жисмоний-маданий сифатларни шакллантиришга асосий эътибор қаратиши лозим ва ҳ.к.

Ўйинларга мураббий раҳбарлик қилар экан, «Ўйин раҳбари ўқувчилар жамоасини яхши билиши, ҳар бир ўйиннинг мазмуни ва қоидалари билан муфассал танишиши, юксак педагогик маҳоратга эга бўлиши лозим. Шундагина у ҳаракатли ўйинлардан кўзланган таълимий ва тарбиявий мақсадларга эриша олади».

Хулоса қилиш керакки, халқ ўйинларининг турлари жуда кўп ва уларнинг хусусиятлари ранг-баранг. Хусусан, «Тортишмачоқ», «Беркинмачоқ», «Гуваля узатиш», «Чаван-

дозлар», «Овчилар ва ўрдаклар», «Ким кучли?» каби ва яна бир қатор халқ ўйинларидан спорт соатларида самарали фойдаланиш ўқувчиларда, аввало, жисмоний сифатларни, иккинчидан, улар ўртасида ўзаро жипслик, жамоавийлик, аҳиллик, бағрикенглик фазилатларини қарор топтиради. Зеро, халқ ўйинлари – баркамоллик, юксак одоб-ахлоқ мезонидир.

Адабиётлар:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон XX1 асрга интиломда. -Т: Ўзбекистон, 1999. - 73 б. Б:3

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада талабаларда халқ ўйинларни дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда ташкил этиш ўзига хос роли ўрганилган бўлиб, бу борада самарали усуллар тавсия этилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рекомендовано эффективные методы организации народных игр у студентов на уроке и внеклассных работах.

SUMMARY

This article recommended effective methods of organizing popular games for students in class and extracurricular activities.

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР СПОРТ МАКТАБЛАРИДАГИ БЕЛБОҒЛИ КУРАШ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ПЕДАГОГИК АСОСЛАШ

Мирзаев А.

ЧДПИ “Педагогика” факультети доцент в.б

Таянч сўзлар: болалар ва ўсмирлар, спорт мактаблари, кураш, педагогика, спорт, жисмоний маданият, жисмоний машғулотлар, жисмоний тайёргарлик.

Ключевые слова: дети и юношы, спортивные школы, борьба, педагогика, спорт, физическая культура, физическая занятия, физическая подготовка.

Key words: children and adolescents, sports schools, wrestling, pedagogy, sports, physical education, physical activity, physical training.

Дунёдаги таълим ва илмий марказларда амалга ошириладиган тадқиқотларда ҳар бир халқнинг ўз миллий кураши кадрятли ёндашув асосида ўрганилиб, келинмоқда. Туркменистон “гуреш”, Қирғизистонда “Алиш”, Россияда “Борьба на поясах”, Тожикистонда “Камарбанда гуштий” Қозоқстонда “Курес”, Татаристонда “Гуреш”, АҚШда “Belt wrestling” номи билан аталиб, ташкилий педагогик асослари юзасидан муаммолар ҳар томонлама таҳлил қилинган.

Мамлакатимизда белбоғли кураш спортини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган бўлиб, “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси” болалар жисмоний тарбия ва спортини ривожлантириш борасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, болалар спортини аниқ мақсад йўлида ва барқарор авж олдиришга қўмаклашиш каби устувор вазифалар белгилаб берилган. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотларининг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштиришги мавжуд муаммоларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўлида муайян ҳаракатларни амалга ошириш, ўқувчиларнинг белбоғли кураш машғулотларига бўлган қизиқишларини янада кучайтириш натижасида, унинг самарадорлиги маълум даражада таъминланади. Ушбу муаммоларнинг мавжудлиги

болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотларининг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштириш долзарб педагогик муаммо эканлигини асослаш имконини беради.

Тадқиқотимизнинг мақсади болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотларининг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштиришдан иборат бўлиб унда ўқувчи-спортчиларда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотларини ташкилий-педагогик асосларининг педагогик-психологик хусусиятлари ва омилларини аниқлаштириш, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотларини ташкилий-педагогик асослари орқали ота-оналарни мураббийларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида тарбиявий ишини ташкил этиш механизминини аниқлаштириш, спорт мактабларида белбоғли кураш машғулотлари учун ўқув қўлланма ва “Белбоғли кураш” номли мураббийлар учун услубий тавсиянома ишлаб чиқиш ҳамда мураббийларни тайёргарлигини оширишга йўналтирилган илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлик даражасини аниқлаш вазифалари белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти тадқиқот натижасида педагогика фани болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотларининг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштиришга оид назарий-амалий ёндашувлар, қарашлар, илмий-методик тавсиялар ва таклифларга эга бўлганлиги, шунингдек, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотларининг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган педагогик жараённинг мазмуни, шакллари, воситалари, усул ва методлари ҳамда педагогик-психологик имкониятлари такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотларининг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштириш, уларнинг танлов имкониятларини кенгайтиришга қўмаклашади. Машғулотлар жараёни самарадорлигини таъминлашда фойдаланилиб, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари мураббийларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини белбоғли кураш спортини ташкил қилиш билан боғлиқ илмий-методик тавсиялар ва таклифлар билан бойитади. Мураббийларни янги ишланмалар ва методика билан қуроллантиради.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотларининг педагогик шарт-шароитларини ўрганишга йўналтирилган мазкур тадқиқотнинг тажриба-синов иши учун Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги БЎСМ, Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 2-сонли БЎСМ, Жиззах вилояти, Ш.Рашидов туманидаги БЎСМларда амалга оширилиб, унда жами 41 нафар мураббийлар ва 150 нафар ўқувчилар иштирок этдилар.

Тадқиқотдаврида ташкилий-педагогик функцияларини амалга ошириш учун ўқувчиларда анкета, диалоглар, машғулотлар ўтказиш, савол-жавоб каби методлардан фойдаланган ҳолда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотларининг ташкил этишнинг ташкилий-педагогик асослари такомиллаштириш лозимлигини кўрсатди.

Биз ўқувчиларнинг белбоғли кураш бўйича натижаларга эришганлик даражасини қуйидаги мезонлар ёрдамида аниқлашга ҳаракат қилдик; ўқувчиларнинг жис-

моний тайёргарликлари заминида уларнинг тактик, стратегик тайёргарлиги, ўзига хосликлари, етакчи имкониятлари, онглилик даражалари, баҳоловчи муносабатлари, объектив тушуниш кўламлари, барқарор мақсадлари, қизиқишлари ҳамда ҳиссий, интеллектуал қувватларининг ифодаланганлиги; белбоғли кураш қоидаларини тушуна олишлари; ушлаб олиш қоидаларини билиш; рақиб билан ўзаро таъсирни амалга ошириш; хужум қилиш; ўзини ҳимоя қилиш ва қарши усулни амалга ошириш кўникмасига эгалликлари; мусобақа қоидаларига риоя қилишлари; белбоғли кураш техникасини билиш; ҳаракатли фаолият техникаси илмий таҳлил қила олиш; жисмоний тайёргарлик даражаси; умумий шугулланганлик даражаси; махсус шугулланганлик даражаси; спортдаги муваффақиятлари. Булар қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган.

1-жадвал

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ўқувчиларнинг белбоғли кураш бўйича натижаларга эришганлик даражаси (%) (тажриба ва назорат гуруҳларида 150 нафардан ўқувчи қатнашди)

Ўқувчиларнинг белбоғли кураш бўйича натижаларга эришганлик даражаси	Ахборотли-баҳоловчи		Амалий		Башоратловчи	
	Тажриба синфи	Назорат синфи	Тажриба синфи	Назорат синфи	Тажриба синфи	Назорат синфи
Юқори	52,7	33,3	54,7	32	56,7	34,7
Ўрта	36,7	32,7	37,3	35,3	34	31,3
Паст	10,6	34	8	32,7	9,3	34

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ўқувчиларнинг белбоғли кураши бўйича ахборотли-баҳоловчи, амалий ва башоратловчи даражалари бўйича қиёсий таҳлил қиламиз.

Юқоридаги жадвал натижаларига асосланган ҳолда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ўқувчиларнинг белбоғли кураши бўйича ахборотли-баҳоловчи, амалий ва башоратловчи даражалари юзасидан ўзлаштиришларини Стъудент ва Пирсоннинг χ^2 математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этдик. Тажриба-синовда 300 нафар ўқувчилар қатнашди, шундан 150 нафар ўқувчи тажриба гуруҳида ва 150 нафар ўқувчи назорат гуруҳида иштирок этди.

Масаланинг қисқача моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Бири тажриба синфидаги ўқувчилар билимининг ўртача баллари, иккинчиси эса назорат синфидаги ўқувчилар билимининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.

Юқоридаги жадваллар асосида ўқувчиларнинг тажриба ва назорат синфидаги ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи Н1 гипотеза ва унга зид бўлган Н0 гипотеза танланади.

Хулоса қилиб айтганда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотларининг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштириш

Ўзининг куйидаги таркибий тузилишига эга: ушлаб олиш қодаларини билиш, рақиб билан ўзаро таъсирни амалга ошириш, ҳужум қилиш, ўзини ҳимоя қилиш ва қарши усулни амалга ошириш кўникмасига эғаликлари, мусобақа қодаларига риоя қилишлари, белбоғли кураш техникасини билиш, ҳаракатли фаолият техникаси илмий таҳлил қила олиш, жисмоний тайёргарлик даражаси, умумий шуғулланганлик даражаси, махсус шуғулланганлик даражаси, спортдаги мувафақиятлари кабилар. Ушбу қисмлар орасидаги ўзаро алоқадорлик болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчиларининг спортдаги барқарор ютуқларга эришишларини таъминлайди. Бунинг натижасида спортчилар амалий тажриба ва назарий билимларга таянган ҳолда интеллектуал ҳамда жисмоний фаолият кўникмаларини эғаллайдилар.

Педагогик таълим жараёнида белбоғли кураш машғулотларида ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаларини аниқловчи мезонлар сифатида машғулотлар жараёнида тақдим этилган кураш қодалари, тушунчалар ва ахборотларни фаол ўзлаштирганликлари, жисмоний ва тактик тайёргарлиги, ўзининг кураш услубига эғалиги; кураш усулларини ўрганишга нисбатан барқарор қизиқишнинг вужудга келганлиги кабиларни кўрсатиш мумкин.

Тажриба-синов ишларининг натижалари математик-статистик усулида қайта ишланиши болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотларини ташкил этиш орқали уларни мусобақаларда натижавийлигини ва самарадорлиги тасдиқланади.

Адабиётлар:

1. Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфлари учун Жисмоний тарбиядан Давлат таълим стандарти - Т., 2004.
2. УЎТ муассасаларида ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида муваққат Низом. // Халқ таълими, 2000 й, 4-сон, 10-23 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг «Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва фойдали машғулотлар билан таъминлаш тўғрисидаги 1999 йил 21 сентябр, 277/201/693 сонли бўйруғи.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Соғлом авлод” Давлат дастури.-Т., 1998.
5. Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуни.-Т., 2000.

РЕЗЮМЕ

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидаги белбоғли кураш машғулотларининг ташкилий-педагогик асосларини такомиллаштиришда мавжуд бўлган муаммоларнинг юзага келиш сабаблари аниқланган, мавжуд муаммоларни бартараф этишда, ўқувчиларнинг белбоғли кураш машғулотларига бўлган қизиқишларини янада кучайтириш унинг самарадорлигини маълум даражада таъминлашдир.

РЕЗЮМЕ

Выявлены причины существующих проблем в совершенствовании организационно-педагогической базы соревнований по борьбе на поясах в детских и юношеских спортивных школах, для преодоления существующих проблем и дальнейшего повышения интереса учащихся к деятельности по борьбе на поясах в определенной степени.

SUMMARY

The causes of the existing problems in improving the organizational and pedagogical base of belt wrestling competitions in children's and youth sports schools are identified, in order to overcome existing problems and further increase students' interest in wrestling activities to a certain extent.

ИССЛЕДОВАНИЕ ДВИГАТЕЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ СТУДЕНТОВ И ФАКТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА НЕЕ

Шарипов Х.А., Рахимов Х.С.

ТерГУ

Таянч сўзлар: фаоллик, харакат фаоллиги, омиллар, мотивация, талаба, анкета, спорт, гимнастика.

Ключевые слова: активность, мобильность, факторы, мотивация, ученик, анкета, спорт, гимнастика.

Key words: activity, mobility, factors, motivation, student, questionnaire, sport, gymnastics.

Как известно, двигательная активность является одним из важнейших факторов сохранения и укрепления здоровья, улучшения физического развития, повышения умственной работоспособности, а также профессионально-прикладной физической подготовки студентов.

В этой связи был проведен анализ литературных источников, материалов, касающихся содержания физического воспитания студентов вузов, средств и методов, применяемых на занятиях по физической культуре, а также ряд других частных вопросов оздоровления, физкультурно-спортивной деятельности(ФСД).

В ходе исследования было проведено анкетирование с целью изучения параметров учебной деятельности, бюджета времени, а также мотивации студентов к занятиям физкультурно-спортивной деятельностью и их двигательной активности. Для этого были разработаны три вида анкет, первая из которых рассматривала вопросы, касающиеся различных форм досуга студентов; вторая - мотивы, побуждающие студентов к занятиям физической культурой и спортом; третья - параметры индивидуальной двигательной активности, место физической культуры и спорта в бюджете времени студентов. Наиболее глубокому анализу подвергались работы, в которых рассматривались вопросы индивидуализации занятий по физической культуре студентов, особенностей ее реализации в учебном процессе. Всего в анкетировании приняло участие более 300 студентов Андижанского государственного университета (АндГУ).

Анкеты были составлены совместно с кафедрой “Основы теории и методики физического воспитания” АндГУ.

Таблица

Зависимость выбора форм двигательной активности от курса обучения (%)

№	Формы двигательной активности	1 курс	2 курс	3 курс	4 курс
1	Утренняя оздоровительная гимнастика	3,4	2,6	1,4	0,8
2	Ходьба (на учебу)	9,1	8,9	8,7	8,5
3	Ритмика, клуб «Соглом турмуштарзи»	7,6	5,2	2,4	1,8
4	Пешие прогулки в свободное время	6,4	8,0	4,0	3,6
5	Фитнесс клуб, шейпинг	5,3	6,3	4,4	4,0
6	Занятия в спортивной секции	3,8	3,4	4,6	3,6
7	Плавание	3,0	2,4	2,2	1,8

8	Спортивные игры (футбол, баскетбол, гандбол, волейбол, большой теннис)	3,8	2,8	2,1	2,0
9	Экскурсии туристические поездки в горы и по городам республики.	3,0	2,4	2,2	2,0

Исследование недельного объема двигательной активности студентов университета выявлено, что 66,4 % от числа опрошенных ограничивают свой двигательный режим обязательными занятиями по физическому воспитанию в пределах 4 часов. Дополнительно, в пределах часа, занимаются различными видами двигательной активности 8,2% студентов (в основном это время составляют занятия утренней гимнастикой); 8,8% респондентов указали объем индивидуальной двигательной активности в пределах 6 часов; 7,8% - 7 часов, имея в виду проведение самостоятельных занятий физическими упражнениями. Недельный объем от 6 до 8 часов выявлен у студентов, занимающихся организованными видами физкультурно-спортивной деятельности занятия в спортивных секциях (фитнесс клубы, шейпинг). По мнению исследователей, оптимальным следует считать 8-9-часовой недельный двигательный режим с 35-40 % содержанием профессионально-прикладной физической подготовки (ППФП), включающую утреннюю гимнастику, физкультурные паузы, программные занятия по физическому воспитанию, дополнительные и факультативные занятия по спортивным играм и другие внеаудиторные мероприятия.

Таким образом, исследования показывают на наличие недостаточной двигательной активности, которая ограничена только обязательными занятиями, проводимыми в соответствии с учебным планом вуза.

При анализе досуга студенческой молодежи установлено, что важная роль принадлежит выявлению форм двигательной деятельности и их взаимодействию. В ходе исследования двигательной активности выявлено, что наибольшее число студентов отметило ходьбу на занятия, как ведущую форму личной двигательной активности; 22% опрошенных выделили пешие прогулки, которые они целенаправленно включают в свой досуг. Значительное число студентов занимается спортивными играми и клубной работой. Кроме того, обучающихся привлекают туристические походы, ритмика и другие занятия. Таким образом, из анкетирования видно, что в большей мере студенты занимаются групповыми формами занятий и меньше всего индивидуальными.

Анализ зависимости двигательной активности от курса обучения в вузе показал, что наибольший объем двигательной активности характерен для студентов первого и второго курсов. На третьих и четвертых курса происходит некоторое снижение интереса к занятиям физическими упражнениями и закономерное повышение дефицита двигательной активности. Вместе с тем, начиная с третьего курса повышается интерес к занятиям различными видами спорта в спортивных секциях, что можно объяснить адаптацией студентов к учебному процессу в вузе. Суммарная двигательная активность студентов в период учебных занятий составила 56-65%, а во время экзаменов значительно меньше - 35-43% от ее уровня. Налицо дефицит движений у большинства студентов в течение 75% времени учебного года.

Исследования зависимости двигательной активности от успеваемости позволяют констатировать, что наибольшую активность в занятиях физической культуры и спортом проявляют те, кто успевает на «4» и «5».

Таким образом, на проявление интереса к индивидуальной двигательной активности положительно влияет хорошая успеваемость.

В ходе исследований выявлено, что наиболее интенсивная ориентация на физкультурно-спортивную деятельность проявляется у студентов, которые получают стипендию, а также тех, кому помогают материально родители. Это связано с тем, что занятия требуют определенных финансовых затрат. Наибольший интерес к индивидуальной двигательной активности проявляется у студентов, живущих в общежитии.

Следует отметить, что в процессе развития и воспитания личности непрерывно изменяются, такой показатель, как потребности, выступающие в различных формах (желание, запросы и др.), становятся источником изменения образа жизни. В свою очередь, и образ жизни способствует формированию одних и угасанию других потребностей. Однако в какой бы форме не существовали потребности, их наличие еще может придать деятельности определенную направленность, которая включает систему побуждений, обуславливающую активность человека и избирательность его отношений. Выявлено, что потребность в физкультурно-спортивной деятельности тесно связана с ценностными ориентациями личности. Последние, в свою очередь, формируются и обнаруживаются в целях, идеалах, убеждениях, интересах и других проявлениях личности. Потребность выступает при стремлении и способности к реализации ценностей.

В результате проведенных исследований среди перечисленных ценностей 17 % респондентов на первом месте отметили свою материальную обеспеченность, 24 % - здоровье, 16 % - развитие интеллектуальных способностей, хорошую память и эрудицию - 11,5%, по 12 % -хорошее физическое развитие, общительность, коммуникабельность.

По итогам анкетирования выявлено, что основной целью, преследуемой студентами при занятиях ФСД во время обучения в вузе, является укрепление здоровья - 29,8%, получение зачета по физическому воспитанию - 19,6%, повышение привлекательности для противоположного пола - 18%, улучшение настроения, самочувствия - 19,7%, снятие умственного напряжения - 15,6%.

Литература:

1. Кенжаев Д.Т.Олий педагогик таълим жараёнида баркамол шахсни шакллантиришнинг назарий-амалий асослари:13.00.01.-Пед. Фан. Ном...диссер.-Т.: ЎзПФТИ, 2007.-177 б.
2. Махмутова Г.И. Олий педагогик таълим тизимида талабаларни маънавий шаклланиши ижтимоий-педагогик хусусиятлари: 13.00.01.-пед. назарияси ва мет.Пед. фан. Ном.диссер.-Т. Низомий ном.ТДПУ,2004.-179 б.
3. Мусаев Б.Б. Олий педагогик таълим муассасалари талабаларининг гимнастика бўйича касбий - педагогик кўникмаларини шакллантириш: 13.00.04.-Жисмоний тарбия. ва спорт машгулотларининг назарияси ва методикаси.: Пед. фан. ном.дисс. автореф.-Т.:ЎзДЖТИ, 2011.-30 б.
4. Шарипова Д.Д. и др “Пути оптимизации здоровья и физического развития обучающихся в контексте формирования здорового образа жизни в общеобразовательных учреждениях”

Изд-во "Fanvatexnologiya" 2014.

5. Мильштейн О.А., Прокопчук Ю.А. Анкетирование как средство общения социолога с респондентами в сфере физической культуры и спорта: Методические рекомендации для студентов ИФК.- Краснодар, 1991. - 264 с.

6. Жидких В.П. Основы непрерывного физкультурного образования молодежи на этапах освоения рабочей и инженерной профессии // Теория и практика физической культуры. - 1998. - № 6. - С. 45-49.

РЕЗЮМЕ

Мақолада талабаларнинг ҳаракат фаоллиги ва унга таъсир этувчи омиллар тадқиқи ўрганилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются двигательная активность студентов и факторы, которые на нее влияют.

SUMMARY

The article discusses the motor activity of students and the factors that influence it.

В СФЕРЕ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА ПРИМЕНЕНИЕ РАЗВИВАЮЩИХ ТЕХНОЛОГИИ

Салимов У.Ш.

ТерГУ преподаватель кафедры физического воспитания и спорта

Таянч сўзлар: педагогик ва психологик технологиялар, спорт тадбирлари, спорт маҳорати, ривожланаётган технологиялар.

Ключевые слова: психолого-педагогические технологии, спортивная деятельность, спортивное мастерство, развивающие технологии.

Key words: psychological and pedagogical technologies, sports activities, sports skills, developing technologies.

Применение развивающей технологии - первая ступень развития субъектного мировоззрения педагога, это база для освоения последующих технологий личностно ориентированного образования. Развивающие технологии обеспечивают фундаментальность образования за счет перевода педагога с методического на концептуально-методологический уровень деятельности. Развивающие технологии - это технологии, ориентированные на создание соответствующих условий для развития личности студента, изменение этических норм, развитие интеллектуального и физического потенциала человека. Развивающие технологии предполагают диалогичность, конструирование субъект-субъектных отношений, обуславливающих характер межличностного взаимодействия. Результатом такого взаимодействия будет личностный рост его субъектов, продуктивность и экономичность совместной деятельности. Мониторинг выполнения замысла позволяет своевременно корректировать процесс реализации и получать желаемый результат.

Особенностью развивающих технологий является то, что их применение требует высокой активности педагога и обучающихся. Активность педагога проявляется в познании личностных особенностей обучаемых, готовности к самоизменению и внесению коррекций в технологический процесс.

Активность обучающихся проявляется в возрастающей самостоятельности

и ответственности, т. е. субъектности в процессе взаимодействия. Развивающий характер технологии проявляется в возможности ее влияния на интегральные характеристики человека (потребности, интересы, мотивы, ценностные ориентации, установки, смыслы), на развитие профессионально значимых личностных качеств и определяет динамику развития личности в целом, ее компетентность в избранном виде деятельности. Результатом применения развивающей технологии является стремление человека к саморазвитию, саморегуляции, саморефлексии, самоопределению и самоконтролю, способности самосовершенствования - субъектности личности.

Несмотря на значимость психолого-педагогических технологий, разрабатываемых на принципе концентрации образования на развитии и саморазвитии, технологии, реально используемые на практике оказываются в стороне от наиболее современных идей и концепций. Происходящие в результате их применения изменения носят в основном случайный характер и не имеют отношения к реконструкции образовательного процесса на принципах личностно ориентированного образования. Представляется принципиально важным выводом, что развивающим технологиям сложно обучить, если они не становятся организующим принципом образовательного процесса, как взаимодействия, что требует перестройки профессионального менталитета всех его участников. В процессе личностно ориентированного обучения в спортивной деятельности способствует выполнению главной задачи - развитию личности, ее интеллектуальному и физическому совершенствованию.

Основой развивающей технологии являются принципы научности, интеграции, креативности, а средствами их разработки и реализации - концептуальное осмысление обучения, применение методик развивающей направленности, тематические программы развивающих занятий, мониторинг процесса личностного развития учащихся. Ресурсом повышения результатов спортивной деятельности является субъект-субъектное взаимодействие, использование не императивного принуждения в учебно-тренировочной деятельности, а создание системы выбора поведения субъектов спортивной деятельности, самостоятельного согласованного конструирования ими решения в той или иной ситуации. Регулирование поведения - это работа на опережение в условиях конкуренции инициатив. «Поведение следует инициативой в пространстве перспективы, и делает это тем легче и свободнее, чем более перспективным ощущает это следование и приносимые им выгоды и преимущества...». Особенности взаимодействия в физкультурной и спортивной деятельности, выражаются прежде всего в том, что регуляция поведения спортсмена тем легче, чем более перспективными ощущаются выгоды и преимущества спортивной деятельности. Важно и необходимо определить место и время проведения психологической подготовки в системе многолетней подготовки спортсмена, особенно в олимпийском спорте.

К настоящему времени в сфере физической культуры и спорта сложилась благоприятная ситуация, предопределяющая целесообразность применения развивающих технологий как одного из эффективных средств реализации педагогом личностно ориентированного подхода. Среди них: (а) стремление к непрерывному развитию профессионально значимых качеств субъектов спортивной деятельности; (б)

наличие мониторинга подготовленности спортсмена к соревновательной деятельности; (в) поиск путей профессионального взаимодействия различных по квалификации специалистов (педагог, врач, психолог, менеджер и пр.), объединенных целью успешной спортивной подготовки. Это позволит с учетом накопленного в педагогике психологии опыта, не декларативно, а реально организовать совместную деятельность тренера, спортсмена и психолога, реализуя развивающие технологии. Технология понимается нами как совокупность приемов, способов их последовательности для достижения поставленной цели. Реализуется она на основе принципа воспитывающего обучения в субъект-субъектном взаимодействии педагога и обучающихся, комплексно воздействуя на мотивационно-потребностную, эмоционально-волевую и когнитивную сферы личности.

Диагностический компонент - результат применения определит понимание ценности развития человека, построение спортивно-педагогического процесса на развивающей основе (организацию системной психологической подготовки), развитие базовых психомоторных и спортивно значимых качеств, целенаправленное личностное развитие и саморазвитие спортсмена. Реализация содержательного и организационного компонентов (методик) развивающей технологии требует внешних ресурсов образовательной спортивной среды: кадровых, информационных, материально-технических, временных.

Обобщая, отметим, что согласование методологического и гуманистического потенциала гуманитарного и естественнонаучного знания, их позволяет создать развивающую методологию психологической подготовки спортсмена на этапе становления спортивного мастерства. Использование развивающих технологий требует непрерывного профессионального образования, выступающего фактором жизненной успешности и конкурентоспособности субъектов профессиональной спортивной деятельности.

Литература

1. Гончаров С. А. Гуманитарные технологии в образовании и социальной сфере // Вестн. Герценовского ун-та. – 2008. – № 5 (55). – С. 9–15.
2. Грановский В.К., Осипов В.К., Карижский М.Э. Инструменты влияния // Агентство гуманитарных технологий, 1998. – URL: <http://www.uis.kiev.ua/discussion/impact.html>. – дата обращения: 20.09.2014.
3. Зеер Э. Ф. Личностно-развивающие технологии начального профессионального образования: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. – М.: Академия, 2010. – 321 с.
4. Маришук Л.В., Ивашко С.Г., Кузнецова Т.В. Психология: пособие / под науч. ред. Л.В. Маришук. – Минск: Тесей, 2013. – 777 с.

РЕЗЮМЕ

Maqola rivojlanish texnologiyalarini o'quv jarayoniga jalb qilishning ahamiyatiga bag'ishlangan bo'lib, u o'qituvchi va talaba o'rtasida faol aloqani talab qiladi va o'quv jarayonini faol ravishda takomillashtiradi.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается важности включения в процесс обучения развивающих технологий, что требует активного взаимодействия педагога и ученика, активного совершенствования учебного процесса.

SUMMARY

The article is devoted to the importance of incorporating developmental technologies into the learning process, which requires active interaction between the teacher and the student, and active improvement of the educational process.

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық
илим-изертлеу институтының Ж. Орынбаев атындағы
Қарақалпақстан филиалы

**«МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ
БИЛИМЛЕНДИРИЎ» №5
Нөкис — 2019**

Журналдың муқабасындағы сүүрет
1-декабрь қарақалпақ тилине мәмлекетлик
статус берилген күн мүнәсибетине бағышланған.

Басып шығыуға жууапкер:

А. Тилегенов

Баспаға таярлаған:

А. Тилегенов, Н. Абдукаримов

Оригинал-макеттен басыуға рухсат етилди 6.09.2019. Форматы 60x84^{1/16}.
«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.
Шэртли б.т. Нашр. т. Нусқасы 2000. Буйырtpa №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.
Тошкент ш., Ҳ. Бойқаро, 51